

ЗАМОНАВИЙ
ФАЛСАФАНИНГ
ДОЛЗАРБ
МУАММОЛАРИ
МОДУЛИДАН
УЎУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА



САМАРҚАНД-2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ЗАМОНАВИЙ ФАЛСАФАНИНГ ДОЛЗАРБ
МУАММОЛАРИ”**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси йўналиши: Фалсафа

Самарқанд -2021

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “7”-декабрдаги 648-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:

Самарқанд давлат университети фалсафа кафедраси профессори С.Каримов, профессор Ш.Қўшоқов, доцент М.Эргашева, доцент Г.Султонова

Такризчилар:

Самарқанд давлат университети фалсафа кафедраси профессори Б.Тураев.

Ўқув-услубий мажмуа Самарқанд давлат университети илмий-методик кенгаши (2020 йил “28”-декабрдаги 4- сонли баённомаси).

МУНДАРИЖА

I.	МОДУЛНИНГ ИШЧИ ДАСТУРИ.....	5
II.	ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	16
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	55
V.	ГЛОССАРИЙ.....	76
VI.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	85

I. МОДУЛНИНГ ИШЧИ ДАСТУРИ

Кириш

Мазкур дастур ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим соҳасида эришган ютуқлари ҳамда орттирган тажрибалари асосида “Миллий ғоя, маънавият асослари, Фалсафа” қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши учун тайёрланган намунавий ўқув режа ҳамда дастур мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Замонавий фалсафанинг долзарб муаммолари” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Замонавий фалсафанинг долзарб муаммолари” Модулини ўқитишдан мақсад: олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари билан Фалсафа Модулини ўқитиш жараёнида аҳамият бериш лозим бўлган масалалар, Модулни ўрганиш ва таҳлил қилишга қаратилган илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш орқали ушбу йўналишдаги таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва мазмунан бойитиш, Фалсафанинг долзарб муаммолари бўйича маълумотларни бериш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган замонавий ёндашувлар билан ҳамда педагогик ва ахборот технологиялар билан таништириш, маънавият асослари соҳасида юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш.

Модулнинг вазифалари:

- Фалсафа йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;
- замонавий талабларга модулли тизимга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- Фалсафа соҳаси педагоглари томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- Фалсафа соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- Фалсафанинг ижтимоий ҳаёт ва конфессиялараро муаммоларини ўрганишнинг замонавий тенденцияларини ишлаб чиқиш;
- Фалсафа йўналишларида жаҳон динларини қиёсий ўрганишнинг глобаллашув ва диний жараёнлар контекстидаги масалаларни баҳолаш;

- Фалсафа йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Фалсафанинг долзарб муаммолари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- Ўзбекистонда Фалсафа фанининг янги тараққиёти, мустақилликдан кейин Ўзбекистонда динларни ўрганишга муносабатнинг ўзгариши ва фаннинг таълим жараёнига жалб этилиши муаммоларини ва унинг ривожланиш истиқболларини;

- жаҳонда динларни ўрганиш тажрибаси, глобаллашув даврида динларни ўрганишнинг долзарблиги, динларни ўрганишдаги замонавий қарашлар ва Фалсафа фанининг жорий ҳолати ва истиқболдаги вазифаларини;

- динларни ўрганишнинг шарқона услуби, бугунги кунда мусулмон мамлакатларида Фалсафа фанининг ўқитилиш йўллари бўйича салоҳиятни ошириб бориш борасида мунтазам ишлашни;

- Фалсафа йўналишида Марказий Осиё олиму уламоаларининг ислом илмларига қўшган ҳиссасини ва ижтимоий ҳаёт ҳамда диний жараёнлар моҳиятини;

Фалсафа фанларида фойдаланиладиган замонавий амалий дастурлар мажмуаларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- Фалсафа фанининг ўқитиш бўйича янги технологияларни амалиётда қўллаш;

- ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб диний манбаларни бағрикенглик жиҳатидан ўрганиш, диний манбалар: муқаддас ёзувлар, моддий манбалар, шарҳлар тадқиқи усуллари бўйича илмий-тадқиқотларни ўтказиш;

- Қуръони карим ва ҳадисларда келтирилган турли динлар, динларни ўрганишнинг шарқона услуби, мусулмон мамлакатларида Фалсафа фанининг ўқитилишини таҳлил қилиш ва акс эттириш, хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш, тавсияларини ишлаб чиқиш;

- Абу Райҳон Беруний асарларининг Фалсафани ўрганишдаги ўрни, диний манбаларни бағрикенглик жиҳатидан ўрганиш, муқаддас ёзувлар, моддий манбалар, шарҳлар, тадқиқ усуллари бўйича илғор тажрибалардан фойдаланиш;

- ўз устида ишлаб, фаннинг янги тадқиқотларини ўқитиш тизимига қўллаш;

- Фалсафа бўйича маъруза, амалий машғулот ва назорат ишларини ташкил этиш;

- педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри қўллай олиш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- Фалсафа фанида ахборот-коммуникацион технологияларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан қўллаш;

- динларни ўрганишдаги замонавий қарашлар, Шарқ алломаларининг асарларидаги Фалсафа масалалари бўйича замонавий йўналишларни ишлаб чиқиш ва оммалаштириш;

- Фалсафа фанини ижтимоий-маънавий соҳаларга татбиқ қилиш;

- Фалсафа фанларида дастурлар пакети ёрдамида муаммоларни ўрганишнинг замонавий усулларини қўллаш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- Фалсафа фанларининг дастурлар пакетини ўқув жараёнига татбиқ этиш;

- Фалсафа фанлари дастурлари пакети ёрдамида ечишнинг замонавий масалаларини таҳлил қила олиш;

- Фалсафа бўйича касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларга эга бўлиш;

- Фалсафа видеодарсларни тайёрлаш;

- эгалланган тажрибани танқидий кўриб чиқиш қобилияти, зарур бўлганда ўз касбий фаолиятининг тури ва характерини ўзгартира олиш;

- Фалсафа фанида тизимли таҳлил усулидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш.

- Фалсафа фанларининг долзарб масалаларига оид замонавий манбалардан фойдалана олиш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар илғор хорижий мамлакатларда биология ўқитишни ташкил қилишнинг хорижий тажрибаларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар. Сўнгги йилларда Миллий ғоя, маънавият асослари, Фалсафа соҳасидаги ютуқлар ва истиқболлар олий ўқув юртларидаги таълим жараёнининг мазмунини бойитишга хизмат қилади.

“Замонавий фалсафанинг долзарб муаммолари” модулининг соатлар бўйича тақсимоТИ

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Кўчма машғулот
			Жами	жумладан			
				Назарий	Амалий машғулот		
1.	Фалсафа фанининг замонавий фанлар тизимида тутган ўрни.	4	4	2	2		
2.	Дунёни фалсафий идрок этишнинг ўзига хос хусусияти.	4	4	2	2		
3.	Борлиқ фалсафаси ва унинг замонавий концепциялари.	4	4	2	2		
4.	Аналитик фалсафанинг вужудга келиши.	4	4	2	2		
5	Аналитик фалсафанинг функционал характеристикаси.	4	4	2	2		
Жами:		20	20	10	10	0	

НАЗАРИЙ МАШЎУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-Мавзу: Фалсафа фанининг замонавий фанлар тизимида тутган ўрни.

Мустақилликдан кейин Ўзбекистонда Фалсафани ўрганишга муносабатнинг ўзгариши ва фаннинг таълим жараёнига жалб этилиши. Фалсафанинг долзарб муаммолари.

2-Мавзу: Дунёни фалсафий идрок этишнинг ўзига хос хусусияти.

Ўзбекистонда Фалсафанинг истикболи ва мавжуд муаммолар. Фалсафага берилган таърифлар.

3-Мавзу: Борлиқ фалсафаси ва унинг замонавий концепциялари.

Глобаллашув даврида Фалсафани ўрганишнинг долзарблиги. Фалсафани ўрганишдаги замонавий қарашлар.

4-Мавзу: Аналитик фалсафанинг вужудга келиши.

Аналитик фалсафанинг вужудга келиши. Неореализм ва лингвистик таҳлилнинг мақсад ва вазифалари. Аналитик фалсафанинг функционал характеристикаси. Аналитик эпистемология.

5-Мавзу: Аналитик фалсафанинг функционал характеристикаси.

Таркибий функционал таҳлил. Борлиқ фалсафаси ва унинг замонавий концепциялари. Фанда метод ва методология тушунчаси. Илмий билиш методлари. Ҳозирги замон методологияси: куматоид, кейс стади, абдукция.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

1-Амалий машғулот. Фалсафа фанининг замонавий фанлар тизимида тутган ўрни.

2-Амалий машғулот. Дунёни фалсафий идрок этишнинг ўзига хос хусусияти.

3-Амалий машғулот. Борлиқ фалсафаси ва унинг замонавий концепциялари.

4-Амалий машғулот. Аналитик фалсафанинг вужудга келиши.

5-Амалий машғулот. Аналитик фалсафанинг функционал характеристикаси.

II. ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методидан фойдаланиш

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Анаънавий ва замонавий таълим шакллари “SWOT-таҳлил” методидан таҳлил қилинг.

Оддий маърузада маърузачи талабалар, тингловчиларга кўп маълумот бера олади	Муаммоли маърузада камроқ маълумот берилди, бироқ улар талабалар онгига сингдириб берилди
Ўқитувчи асосан ўзи ва аълочи, қизиқувчи талабалар билан гаплашади, яъни дарсда оз сонли талабалар қамраб олинади	Муаммоли маърузада кўп сонли талабалар, тингловчилар қамраб олинади
Оддий маърузада фақат ўқитувчи режа асосида ва тайёрлаб келган маълумотлари атрофида гаплашилади	Муаммоли маърузада муҳокама жараёнида янги-янги масалалар, муаммолар юзага чиқиши, ғоялар туҳилиши мумкин.
Ўқитувчи учун асосий тўсиқ – дастурдан чиқиб кета олмаслик, талаба учун қизиқмаса ҳам ўқитувчини эшитиб ўтириш мажбурияти	Кенг муҳокама учун вақтнинг чегараланганлиги, талабаларни мавзудан четга буришга интилишлари

Резюме, Веер методидан фойдаланиш

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айтилган пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектида муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва

Намуна:

Фалсафадан малака талаблари					
Собиқ стандартлар		Амалдаги стандартлар		Такимллаштирилган стандартлар	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

“ФСМУ” методидан фойдаланиш

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустақамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Фалсафадан малака талабларини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш ва сертификатлаштириш таълим самарадорлигининг энг муҳим омилларидан биридир”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.


Венн Диаграммаси методидан фойдаланиш


Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жупликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуплик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;
- жупликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштириладилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: Фалсафани турли йўналишларда ўқитишнинг фарқли жиҳатлари ўзига хосликлари





Ўқув жараёнида муаммолар ва муаммоли вазиятларни ечишга йўналтирилган интерфаол методлар

“SWOT-универсал таҳлил”

“Дебат”,

Муаммоли вазият яратиш

“Резюме”,

“Т-чизмаси”,

“Венн диаграммаси”,

“Органайзер”,

Ҳар хил чизмалар, жадваллар ёрдамида амалга ошириладиган интерфаол методлар:

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

МАЪРУЗАЛАР МАЗМУНИ (10 соат маъруза)

1-МАЪРУЗА: ФАЛСАФА ФАНИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ФАНЛАР ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

1. Мустақилликдан кейин Ўзбекистонда Фалсафани ўрганишга муносабатнинг ўзгариши ва фаннинг таълим жараёнига жалб этилиши.
2. Фалсафанинг долзарб муаммолари.
3. Фалсафа фанининг замонавий фанлар тизимида тутган ўрни

Истиклол Фалсафий тафаккур ривожини инсоният тараққиёти билан узвий боғлиқ жараёндир. Маълумки, ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларнинг барчаси ижтимоий онгда акс этади. Тараққиёт жараёнида даврлар ўзгариши билан унга хос маънавий, ҳуқуқий, сиёсий ва фалсафий мезонлар ҳам шакллана бошлайди. Аммо бу ўз-ўзидан юз бермайди. Айниқса, инсон тафаккурининг ўзгариши, дунёқарашнинг янгича тамойилларга эга бўлиши узокдавом этадиган мураккаб жараёндир. Бу ҳол бизнинг кунларимизда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Ҳозирги кунда жамиятимизда истиқлол ғояларига асосланадиган янги дунёқарашни шакллантириш асосий вазифа бўлиб турибди. Зеро, инсон дунёқарашини, унинг асосий тамойилларини ўзгартирмасдан, янги жамиятни куриш қийин. Бу жараённинг қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятлари Биринчи Президент Ислам Каримовнинг асарларида асослаб берилган эди.

Истиклол талаблари даражасида фалсафий тафаккурни янгилаш вазифаларини бажариш ғоят мураккаб бўлиб, қуйидаги қатор муаммоларни ҳал қилишни тақозо этмоқда:

— мустабид тузум мафқурасининг ижтимоий, маънавий ва фалсафий соҳалардаги асоратларини бартараф этиш;

— кишилар онги ва турмуш тарзидан собиқ тузумга хос ғайриинсоний тамойилларни сиқиб чиқариш;

— Ўзбекистон фалсафасида жаҳон фалсафий тафаккури ютуқларидан янада кенгрок, фойдаланиш;

— бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнида нафақат оддий фуқаро, балки зиёли ва фалсафа мутахассисларининг онгида ҳамон сақланиб келаётган лоқайдлик ва мутелик каби кайфиятларга барҳам бериш; — маънавий меросимизни қайта тиклаш ва ижодий ривожлантириш жараёнида буюк аждодларимиз фалсафий меросини янада кенг ва чуқуррок ўрганиш;

— фалсафий адабиётларни миллий манфаатларимизга янада кўпроқ мослаш, қўлланма ва дарсликларимизда миллий ғоя ва истиқол мафқураси тамойилларини акс эттириш;

— истиқлол талабларига мос келувчи соғлом ғояли маънавий баркамол авлодни тарбиялаш заруратига мос тадқиқотлар олиб бориш, улар асосида таълим-

тарбиянинг самарали усул ва имкониятларини излаб топиш;

— жаҳон, Шарк, халқлари фалсафий меросини пухта ва чуқур ўрганиш, бу жараёнда турли ғоя, мафкураларнинг давлатлар ҳамда халқлар тақдирига таъсирини аниқ кўрсатиш ва шу асосда истиқлол мафкурасининг тамойилларини кишилар онгига сингдириш. Ана шу масалаларни уйғун ҳолда ҳал қилиш фалсафий дунёқарашимизни янгилашга ёрдам беради. Истиқлолга эришганимиздан буён тарихан М устакиллик — қисқа давр ўтган бўлса-да, мустақил тараққ алсаф а қиёт мамлакатдаги улкан имкониятларни янгиланишининг асоси рўёбга чиқаришнинг ягона ва муҳим омили экани ўзининг тўлиқ исботини топди. Зеро, фақат мустақилликкина ҳар бир халққа ўз фалсафасини эркин ривожлантириш, такомиллаштириш имконини беради. Бугунги кунда мустақилликни мустаҳкамлаш жараёни моҳиятини ва фалсафий асосларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмокда. Бунда асосий масала шундан иборатки, мустақдллик одамлар дунёқарашининг мазмун-моҳияти ва асосий йўналишларига янгича нуқтаи назардан қарашни тақозо этади. Уларни янги мазмун билан бойитишни, истиқлол талаблари асосида ўрганишни заруратга айлантиради. Шу сабабдан ҳам, бугунги кунда кўп қиррали ва мураккаб ҳодиса бўлган фалсафий дунёқарашнинг миллий давлатчилик ҳамда кишиларнинг ғоявий етуклигини таъминлаш эҳтиёжига хизмат қиладиган жиҳатларига эътибор кучаймокда. Шу билан бирга, мустабидлик замонидаги тафаккур қуллиги, доимий тазйиқ, халқнинг ўз тарихий илдизларидан ажратиб қўйилгани билан боғлиқҳолатларнинг ҳозирги дунёқарашдаги ўзгаришлар жараёнларига таъсирига ҳам эътибор бериш лозим. Илм-фан соҳасидаги туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёни тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Айнан мустақдллик дунёқарашимизни мустабидлик сиртмоқларидан халос этди. Аслини олганда, ушбу мавзунини ўрганиш ҳам истиъюул шарофатидир. Мустақил тараққиёт маънавий янгиланиш борасидаги асосий омил экани ҳар қандай мамлакат, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам тарихий қонуниятдир. Шу билан бирга, истиқлолнинг маъно-моҳиятини кишиларга тўғри англатиш, уларни мустақиллик берган имкониятларни амалга оширишга жалб этиш билан боғлиқ назарий ва амалий фаолият ҳам ниҳоятда муҳим. Мустақиллик йилларида фалсафанинг янгиланиши учун зарур асослар шаклланди. М оддий-иқтисодий асослар. Эски, собиқиттифоқдавидаги ик^исодиёт янги мазмундаги фалсафани шакллантириш учун асос бўла олмас эди. Истиқлол йилларида бу соҳада ниҳоятда катта ўзгариш рўй берди, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари вужудга келди. Иқтисодий плюрализм ва бозор муносабатлари бунда бош йўналиш қилиб олинган бўлса-да, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш устувор жиҳат сифатида белгиланди. Ана шуларнинг барчаси мамлакатимизда маънавий, жумладан фалсафий янгиланиш борасида \ам туб ўзгаришларнинг иқтисод билан боғлиқ асосларини яратиш имконини берди. И ж тим оий-сиёсий асослар. Фалсафанинг сиёсий асослари мустаҳкам бўлиши зарурлиги тарихий тараққиёт жараёнида кўп бор исботланган ижтимоий ҳақиқатдир. Ҳар қандай жамият ва мамлакатда давлат халқнинг турли қатламлари, партиялар, миллий-этник бирликларнинг ижтимоий онгини ўзгартира олмаса, ўзининг пировард мақсадларини амалга ошириши қийин. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқди аъзосига айланган Ўзбекистонда янги мазмун ва

шаклдаги сиёсий тизим ҳамда тузилмалар вужудга келди. Ана шуларнинг барчаси янги мазмундаги фалсафани шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий асосларини яратиш имкониятини очди. Маънавий асослар фалсафанинг янгиланишида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Чунки бундай фалсафанинг шаклланиши мамлакатда амалга ошаётган маънавий соҳадаги ўзгаришларнинг таркибий қисмидир. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, халқ маънавиятининг тозаланиши, асрлар давомида яратилган кадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш, келажакка етказиш билан боғлиқ саъй - ҳаракатлар катта аҳамиятга эга. Бунда, айниқса, тарих фалсафаси, халқимизнинг хотираси, ўтмишдаги авлодлар яратган бой маданий меросдан тўла - тўкис фойдаланиш имконияти яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Фалсафий тафаккур янгиланишининг мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган туб ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқлиги қуйидаги масалаларни фалсафий таҳлил этишни заруратга айлантиради: — бугунги кунда рўй бераётган дунёқарашни янгилаш жараёнининг тарихий илдизларини ўрганиш ва фалсафий таҳлил этиш; — собиқ иттифокдаги ижтимоий таназзул ва унинг халқимиз тафаккуридаги оқибатларини тугатиш; — истиқлолнинг фалсафий тафаккурни ўзгартириш учун янги даврни бошлаб бергани; — мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнида дунёқарашнинг ўзгаришида қандай асосий тамойил ва йўналишлар кўзга ташлангани; — бугунги кунда фалсафий дунёқарашнинг янгиланишига таъсир кўрсатаётган замонавий омиллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Фалсафий онгнинг Фалсафий онгнинг янгиланиши - серқирра жараён. У жуда кенг ижтимоий мазмунга эга бўлиш хусусиятлари бўлиб, жамият маънавий ҳаёти, мафкураси, маданияти ва таълими тизимидаги янгиланиш, одамларнинг руҳий покланиши, собиқ иттифокдан қолган қарамлик кайфиятидан халос бўлиш жараёнининг таркибий қисмидир. Фалсафий дунёқараш ўзгаришининг муҳим жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади: Биринчидан, фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши ижтимоий жараёндир. Яъни у, аввало, тараққиётнинг бир босқичидан иккинчисига ўтаётган мамлакатдаги ижтимоий муносабатлардаги узлуксиз ўзгаришнинг таркибий қисмидир. Фалсафадаги янгиланиш жамиятнинг миятидан, ўз давридан, рўй бераётган ижтимоий жараёнлардан ташқарида содир бўладиган ҳодисалар йиғиндиси эмас. Балки у ўзида ана шу ижтимоий жараёнларнинг барча асосий хусусиятларини акс эттиради. Иккинчидан, мустақилликка эришган ва уни мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётган мамлакатимиз учун бу тарихий заруратдир. Яъни, у тасодифий намоён бўладиган ўткинчи ҳодиса эмас. Балки ўтиш даврининг зарурияти, жамиятни тубдан ислоҳ қилиш, одамларда янгича тафаккурни шакллантиришдаги асосий йўналишлардан биридир. Учинчидан, фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши нафақат умумий маънавий муҳитнинг, балки ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир. Шу маънода, у буюк аллома бобомиз Абу Наср Форобий орзу қилган фозил одамларнинг комил фазилатларини шакллантирадиган ва такомиллаштирадиган жараёндир. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, у ғоят мураккаб руҳий ўзгаришлар, одамларнинг қулик психологияси ва мустабид тузумга хос мафкуравий асоратлардан халос бўлиш жараёни ҳамдир. Тўртинчидан, фалсафий онгнинг янгиланиши муайян бир

даврда амалга ошади. Бу жараён бизнинг мамлакатда ўтиш даврига тўғри келмоқда. Ана шу даврда ижтимоий муҳитда янги жиҳатлар вужудга келади, одамларнинг руҳияти, қарашларида туб ўзгаришлар рўй беради. Беш инчидан, фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши инкор ва ворислик жараёни ҳамдир. Унда, бир томондан, ўзбек фалсафасида азалдан мавжуд бўлган, ҳатто собиқ мустабид тузум \ам йўқота олмаган кўп жиҳатларнинг сакутниб қолиши кузатилади. Иккинчи томондан, яқингинада устувор бўлган кўпгина синфий-партиявий тамойиллар ўтмишга айланади, инкор этилади. Учинчи томондан эса, фалсафий тафаккурда янги йўналишлар ўз ўрнини топади. Фалсафа янгиланиш хусусиятлари ўзига хос намоён бўлади. Дунёқарашнинг янгиланиши кенг қамровли тушунча сифатида хилмаҳил хусусият ва йўналишларга эга. Аввало, унинг ҳар бир кишига хос индивидуал онг билан узвий алоқадорлиги ва унга таянишини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу жиҳатдан у инсоннинг инсонийлик билан боғлиқ хусусиятларини такомиллаштиришни англатувчи куч ва имкониятни белгилайди. Сирасини айтганда, дунёқараш ижтимоий куч даражасига кўтарилиши учун муайян фаолият орқали амалиётга айланиши лозим. Чунки дунёқараш ҳаёт тажрибалари туфайли эътиқодга айланади ва фаолият мезони бўлиши мумкин. Бир томондан, одамзод учун туғма, наслий хусусият булган дунёқараш ирсият асосида авлоддан авлодга ўтади. Шу билан бирга, у ижтимоий муҳит таъсирида ривожланади. Ижтимоий муносабатларга киришган кишилар эса, бир-биридан маънавий мезонларни ўрганади, уларнинг таъсирида ўсиб-улғаяди. Аммо, айнан ана шу жараёнда улар субъектив омил сифатида тараққиётга таъсир кўрсатадилар, муайян мақсадга қаратилган фаолиятлари орқали бу борада бирор натижага эришадилар. Фалсафий тафаккур янгиланишини ҳаракатлантирувчи куч нима, деган саволга жавоб излар эканмиз, шахснинг жамиятдаги ўрни ва фаолиятига эътибор бермаслик мумкин эмас. Бу жараённинг умумий ҳамда хусусий жиҳатларига эътибор қаратганда, унинг алоҳида шахс ва жамият аъзоси, яъни оддий фуқаро ҳаётидаги ана шундай хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талқин қилган маъқул. Масалан, энг умумий маънода, фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши, асосан, жамиятдаги мана шу соҳада рўй берган ўзгаришларни ифодалайди ҳамда ўз хусусияти ва аҳамияти кенглиги билан ажралиб туради. Бунда ҳам бир қанча жиҳатларга эътиборни қаратишга тўғри келади. М устақиллик одимлари ва фалсафанинг янгиланиш и узвий боғлиқ жараёндир. Мамлакатнинг ривожланиш суръати янгича, мустақил фикрлайдиган, ижтимоий фаол, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук мутахассисларга бўлган талабни алоҳида босқичга олиб чиқди. Мулк шаклининг хилма-хиллиги, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга эҳтиёж, бозор муносабатлари шароитида тадбиркорликнинг кучайиши. ишлаб чиқаришга янгидан-янги технологияларнинг кириб келиши жараёни юқори даражада тарбияланган ва юксак малакага эга бўлган мутахассисни тақозо этаяпти. Зеро, юксак малака айна пайтда ақлий-руҳий ва жисмоний салоҳиятлар уйғунлашган тақдирдагина кўнгилдагидек самара беради. Мустақил давлатнинг олий мақсадларини амалга ошира оладиган мутахассисларни шакллантириш учун уларнинг шахсияти ижтимоий талабларга жавоб бера оладиган тарзда камолга етган бўлиши лозим. Тўғри, инсон жамиятдаги ўз ўрни, Оллоҳ раво кўрган тақдири

ҳақида ўйлаши, ўз Ватанини севиши, ўз миллати шаънини улуғлаш учун елиб-югуриши мумкин. Бироқ улар аниқ натижа берадиган фаолиятга айлансагина ижтимоий мазмун касб этади. Муайян киши жамиятдаги ўз ўрни ҳақида ўйласа-ю, жамият олдидаги бурчини англаб етмаса, амалда бурчига содиқ эканини намоён етмаса ёки Ватанни севиш билан чекланиб, унинг равнақи учун курашмаса, миллатига муносиб бўлиш ҳақида ўйласа, елиб югурса-ю, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларининг амалдаги исботини намоён эта олмаса, бундан на жамият, на Ватан, на миллат наф топади. Бундай кишининг шахсиятида ижтимоий бурч, ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор туйғулари заиф ҳамда фаолиятсиз бўлиб қолаверади. Бундай шахслар мустақиллик талабларига ҳозиржавоблик билан майдонга чиқа олмайди. Маънавий-ахлоқий, руҳий-жисмоний етук ва фаол шахсгина жамият тараққиёти мазмунини, давлатнинг истиқбол йўлини, шахс — жамият — давлат манфаатларининг уйғунлигини тўғри тушунади, шу йўлда қормай-толмай меҳнат қилади. Албатта, маънавий-ахлоқий, руҳий-жисмоний соғлом ва етук кишиларни вояга етказиш осон эмас. Бунинг учун йиллар мобайнида тер тўкишга тўғри келади. Бунда, аввало, одамлар тафаккурини янгилаш, уларда истиқлол дунёқарашини шакллантириш зарур. Бинобарин, давр тақозо этаётган кенг камровли билимга эга бўлиш миллий ва умуминсоний маданиятлардан, бой тарихдан, бугунги кундаги улуғвор бунёдкорлик ишларидан баҳрамандлик уларнинг қалбида Ватанга садоқат ва ифтихор туйғулари камол топишига хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий фан соҳасидаги ислохотларнинг тезкор амалга оширилишини талаб этиши шубҳасиз. Тафаккури истиқлол талаблари даражасида янгиланган инсон ким? У қандай эзгу ва олижаноб хусусиятлар билан ажралиб туради? Истиқлол талабларига жавоб бера оладиган баркамол авлод қачон шаклланади? Бу саволлар — оддий саволлар эмас. Уларнинг тўғри ечимини топиш учун бир неча йиллар давомида янги авлодни шакллантириш лозим бўлади. Лекин ҳозирги даврдаги туб ўзгаришлар жараёнининг таҳлили асосида ҳам бу жараённинг баъзи хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Мамлакатимиз бозор муносабатлари сари қадам қўйяётган бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзимизда юз бераётган салмоқли ўзгаришлар, шубҳасизки, малакали, етук маънавиятли, фидойи мутахассис кадрларни тайёрлашни талаб этмоқда. Тараққиётимиз тақдирини ана шундай кадрлар ҳал этади. Фалсафанинг янгиланиши ва ғоявий жараёнлар билан узвий боғлиқ. Мафкура жамиятдаги маънавий муҳит қандай эканини курсатиб турадиган энг асосий мезонлардан бири бўлса, фалсафа уни шакллантирадиган омиллар сирасига киради. Аммо эски қолипларга ўралган фалсафий дунёқараш асосида янги замоннинг мафкуравий талабларига жавоб бериб бўладими? Йўқ, албатта. Ҳар қандай мафкура жамиятсиз пайдо бўлмаганидек, ижтимоий-сиёсий ҳаётни ҳам ғоясиз, мафкурасиз тасаввур этиб бўлмайди. Мафкура ўз моҳияти, мақсади, ҳаракат йўналишлари билан жамият ғояларига хизмат қилади. У — жамият ҳаётининг таркибий қисми, бинобарин, унинг бағрида шаклланади, маданий мерос ва қадриятлар заминида фаолият кўрсатади. Аслида тарихда мафкурадан мутлақо холи даврлар кам бўлган. Шундай даврлар бўлган тақдирда ҳам, улардан сўнг албатта ҳар сафар мамлакатнинг ўзига хос ва ўзига мос мафкуравий муҳитини

қайта тиклаш ҳамда янгилаш жараёни бошланган. Ватанимизда кечаётган бугунги мафкуравий янгилашни соҳибқирон Амир Темур даврида мўғуллар империяси истилосига барҳам бериб, мустақиллик учун, миллий давлатчилик асосларини қайта тиклаш учун кураш йилларига қиёслаш мумкин. Мамлакатимизда миллий истиқлол ғоясини аҳоли онги ва қалбига сингдириш борасида ишлар амалга оширилмоқда. Бугун собиқ мустабид тузум мафкураси бутунлай ўтмишга айланди. Диёримизда миллий давлатчилик анъаналари қайта тикланди, маънавият, маданият ва маърифат янада юксакликка кўтарилмоқда. “Ана шу жараённинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?” “У ҳаётимизни қайси томонга элтади?”, “Биз бу жараёнда қандай иштирок этишимиз лозим?” деган саволларга жавоб топиш зарурати ижтимоий тафаккурни тубдан ўзгартириши талаб қилади. Мустақиллик миллий манфаатларимизга мос мафкурани шакллантиришни кун тартибига қўйган эди. Дунёқарашни янгилаш зарурати бир қатор ўзгартирнш зарурати йўналишларда намоён булади:

1. Аввало, бу келажаги буюк давлатни барпо этиш билан боғлиқ. Бунда ана шу яратилажак янги жамият ҳақида. бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёни, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг қарор топа бориши, ислохотларнинг инсон манфаатларига хизмат қилиши, миллий уйғониш ижтимоий тараққиёт тақозоси. комил инсонни вояга етказиш давр талаби экани каби дастурий вазифаларнинг ҳаётийлиги тўғрисидаги ғояларни одамлар дунёқарашда қарор топтириш зарур.

2. Фалсафий онгнинг янгилаши моҳият эътибори билан мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузи ва алоқаларининг ўсиб бориши, тинчлик, осойишталик, миллий тотувлик, баҳамжихатликка хизмат қилувчи ғояларга таянади. Унинг ҳаётийлиги халқ иродасига, руҳиятига, миллий туйғулари, орзуинтилишларига мослиги билан белгиланади.

3. Албатта, фалсафадаги янгилашиш миллат ва Ватан манфаатлари, истиқбол режалари, миллий кадриятларимиз руҳига мос ҳолда кечади. Бу эса, уз навбатида, юртимизда кечаётган ислохотлар жараёни, давлатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар тўғрисида халқимизда тўғри тасаввур ва тушунчаларни ҳосил қилиб бориш лозимлигини кўрсатади.

4. Фалсафий тафаккур янгилашиши тақозо этадиган энг муҳим вазифа покляниш жараёни одамлар руҳияти ва тафаккурида амалий тус олиши учун Ўзбекистон Конституциясида мужассам этилган мақсад ва ғояларни амалга ошириш йўлида хизмат қилишдир. Бу мақсад ва ғоялар омма манфаатларини акс эттиргани боис уларни маънавий ҳаёт тарзининг таркибий қисмига айлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда Ўзбекистонда қабул қилинаётган қонун ва бошқа ҳужжатларнинг асл моҳиятини, уларда баён қилинган ғоя, хулосалар, тақлифларни кенг халқ оммаси онгига етказиш бениҳоя муҳим ва долзарб эканини таъкидлаш жоиз. Чунки ҳуқуқий жамият ва маърифатли, баркамол инсон тушунчалари ўзаро боғлиқдир. Маданий бозорни ҳам, маънавий соғлом жамиятни ҳам ана шундай кишилар ярата олади. Уларни вояга етказмай туриб, жамиятдаги янгилашнининг асосий йўналишларини амалга ошириш тўғрисида фикр юритиш қийин. 5.

Мамлакатимиз мустақиллиги, тинчлиги, унинг фуқаролари тотувлиги, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг қадрига етиш, жамиятимиз ҳаёт тарзига хавф солиши мумкин бўлган таъдидларга қарши огоҳликни кучайтиришда фалсафа ва умуман, ижтимоий фанларнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис, ўз халқи тарихини, ўз миллий маданиятини, урф-одат ва анъаналарини яхши биладиган, миллий ғурури юксак авлодни тарбиялаш фалсафанинг муҳим вазифасидир. Бу эса жамият аъзоларида фикр эркинлигини тарбиялашни тақозо қилади. 6. Фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши, моҳият эътиборига кўра, инсондан, унинг ижтимоий хусусиятлари такомиллашувидан четда кечадиган жараён эмас. У нафақат умумжамият миқёсидаги, балки ҳар бир инсон камолоти учун ҳам зарур шарт-шароит яратадиган жараёндир. Шу маънода, у ҳам, жамиятдаги бошқа ўзгаришлар каби, аввало, инсон учун, унинг камоли ва ҳаёт фаровонлигини таъминлайдиган ислоҳотдир. Мамлакатимизда бу борада жуда кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Бугун ижтимоий фанлар ривожини замон талаблари даражасига етказиш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари, олим ва зиёлилар олдида ғоятда масъулиятли вазифалар турибди. Биргина “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга оширишнинг ўзи узоқ йилларга мўлжалланган кенг кўламли фаолият йўналишларини назарда тутди. Бугунги кунда сиёсий, мафкуравий ва маънавий соҳалардаги тараққиёт вазифалари ўзаро уйғунлашиб бормоқда, таъсир доираси кенгаймоқца. Айниқса, миллий истиклол ғояси борасидаги назарий фаолият, тарғибот ва ташвиқотни ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида аҳамият бериш заруратга айланиб бормоқда. www.ziyouz.com kutubxonasi Галдаги вазифалар эса, бу борадаги имкониятларни амалий ишга айлантиришда ҳар биримиз ўз масъулликимизни қай даражада сезишимиз ва қандай фаолият юритишимизга боғлиқ.

Назорат саволлари

1. Қандай муаммолар фалсафий муаммолар деб аталади?
2. Фалсафа нимани ўргатади?
3. Фалсафа ва фаннинг ўзаро нисбати қандай?
4. Дунёқарашнинг асосий тарихий шакллари таърифланг.
5. Фалсафа тарихини ўрганиш қандай мақсадни кўзлайди?
6. Нима учун фалсафа тарихида фикрлар ранг-баранглиги меъёр ҳисобланади?
7. Айрим инсоннинг яхлит фалсафий дунёқараши фалсафий плюрализм асосида қандай шаклланади?
8. Фалсафа тарихида «фалсафанинг асосий масаласи»га таъриф бериш қандай амалга оширилган?
9. Ҳозирги дунёда фалсафа қандай вазифаларни ҳал қилмоқда?
10. Мустақиллик давридаги “Фалсафанинг сиймоси”?

2-МАЪРУЗА: ДУНЁНИ ФАЛСАФИЙ ИДРОК ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ

Режа

1. Фалсафанинг предмети
2. Фалсафий билимнинг тузилиши
3. Фалсафанинг янги соҳалари
4. Фалсафани сиёсийлаштириш ва схемалаштиришнинг оқибатлари

Дунёни фалсафий идрок этишнинг ўзига хос хусусияти, унда дунёни билиш, сезиш, кўриш ва тушунишнинг бутунлай янги соҳаси – фалсафа вужудга келишида намоён бўлади. Дарҳақиқат фалсафа – бу нафақат у ёки бу одам дунёқарашининг шакли, балки ижтимоий онг шакли, одамлар борлиғи ва билишининг умумий тамойиллари, уларнинг дунёга муносабати акс этувчи, табиат, жамият ва тафаккурнинг энг умумий қонунлари кашф этилувчи ва таърифланувчи маънавий фаолиятдир. Яъни бу дунёга ва инсоннинг ундаги ўрнига нисбатан қарашларнинг умумий тизимидир.

Бундай қарашлар замирини саволлар ва инсоннинг уларга жавоб топиш истаги ётувчи оқилона йўл билан олинган билимлар мажмуини ташкил этади. Аммо билиш шундай бир табиатга эгаки, бир саволга жавоб кўпинча бошқа бир талай саволларни юзага келтиради ва баъзан муаммога нафақат ойдинлик киритмайди, балки уни янада чигаллаштириб, инсоннинг қизиқувчанлигини оширади ва янги тадқиқотларга даъват этади. Хуллас, бу ерда ижод, тинимсиз изланиш, янгиликка интилиш тўғрисида сўз юритилади.

Агар мифология ва динда жавобга урғу берилса, билишнинг бутун мазмуни унда мужассамлашса, фалсафада савол, масала биринчи ўринда туради. У тўғри ва яхши таърифланган бўлса, муаммонинг моҳияти аниқ акс этади. Савол, масала инсонни ижодга рағбатлантиради, токи унга қониқарли жавоб олиниб, ҳақиқатнинг тагига етилганига ишонч пайдо бўлмагунича инсонни изланишга даъват этади. Бунда саволнинг ўзи, муаммонинг қўйилиши жавобдан кам аҳамият касб этмайди, баъзан ундан ҳам муҳимроқ деб қаралади.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, фалсафа, гарчи муайян натижаларга, мукамал таърифларга, узил-кесил хулосаларга интилса-да, лекин шунинг ўзи билан кифояланмайди. Фалсафани аввало инсон маданияти соҳасида юз бераётган, турли қарама-қаршиликлар ва ўзаро таъсирлар билан узвий боғлиқ ва айни вақтда ўзга соҳаларга ўтиш ва уларда гавдаланиш қобилиятига эга бўлган маънавий жараён сифатида тушуниш лозим.

Бундан хулоса шуки, фалсафий мушоҳада юритиш савол бериш, шубҳа қилиш, жавоблар излаш ва куни кеча ечилган деб ҳисобланган, шак-шубҳасиз бўлиб туюлган масалаларга қайтиш демакдир. Фалсафа учун «боқий», узил-кесил аниқланган ҳақиқатлар, «ноқулай», «илмоқли» саволлар ёки ман этилган мавзулар мавжуд эмас. Фалсафа саволлар бериш, нарсалар ва ҳодисалар моҳиятини англашга уриниш орқали билиш доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилади.

Хуллас, фалсафа ҳақиқат қандай бўлса, уни шундай ифодалаб кўрсатишдир, дин эса –унинг рамзий, тимсолий акс этиши. Фалсафа асос ва моҳият бўлса, дин тимсол ва шакл. Диалектик мунозара усули жамиятнинг кам сонли аёнлари учун керак. Ваҳий йўлидаги ифода – халқ оммасининг идроки, тарбия ва таълими учун керак

Фалсафанинг предмети. Энди «Фалсафа нимани ўрганади?», деган саволни беришимиз мумкин. Инсонда билишга қизиқиш уйғотадиган, мифология, дин ёки фан жавобларидан қониқмаган инсоннинг ўзига маълум билимлар ва тажрибага, муайян эътиқод, ишонч ва интуицияга таянган ҳолда оқилона асосланган жавоблар беришга ҳаракат қиладиган, саволлар туғдирадиган ҳар қандай объектив ва субъектив борлиқ фалсафанинг предмети ҳисобланади. . Бошқача айтганда, инсон ўз қизиқиши объекти ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш мақсадида савол беришга асос бўлиши мумкин бўлган ҳамма нарса фалсафанинг предметиدير. Шу муносабат билан у ёки бу одамнинг фалсафий қарашлари ҳақида ва ҳатто унинг фалсафаси тўғрисида сўз юритиш мутлақо ўринли бўлади ва бунга биз кундалик ҳаётда тез-тез дуч келамиз.

Бироқ айти ҳолда бизни фан сифатидаги, айрим инсоннинг эмас, балки бутун жамиятнинг ривожланиш маҳсулига айланган ижтимоий ҳодиса сифатидаги фалсафа қизиқтиради ва айти шу сабабли юқорида келтирилган таърифда «инсон» тушунчаси йиғма маънода қўлланилган. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, гарчи фалсафанинг предметига биз умумий нуқтаи назардан анча кенг таъриф берган бўлсак-да, айрим тарихий даврларда одатда у ёки бу сабабларга кўра муайян масалалар доираси фалсафий тадқиқотларда биринчи ўринга чиқади.

Масалан, қадимги Юнонистонда космоцентризм илк фалсафий таълимотларнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, бунда асосий эътибор «космос», «табиат»ни англаб етишга қаратилган. Кейинчалик, қадимги юнон шаҳар-полислари раванқ топган даврда файласуфлар диққат марказидан ижтимоий муаммолар, ахлоқ, давлат қурилиши масалалари ўрин олди. Европада христианликнинг, Шарқда ислом динининг вужудга келиши ва мустаҳкамланиши натижасида ўрта асрлар фалсафаси теоцентриқ (юнон. theos – марказдан ўрин олган худо) хусусият касб этди, яъни Худо ва у яратган олам фалсафий қизиқишларнинг асосий предметига айланди. Уйғониш даврида фалсафа санъат (эстетика)га ва кўп жиҳатдан инсонга мурожаат қилинди. Янги давр деб номланувчи XVII-XVIII асрларда фалсафа тобора кучайиб бораётган фан билан узвий боғланди, натижада фалсафий тадқиқотларнинг диққат марказидан билиш ва илмий методлар масалалари ўрин олди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида юз берган «классик фалсафа» ва оқилоналиқ инқирози иррационаллик, интуитивлик, онгсизлик муаммоларини намоён этди, XX асрнинг биринчи ярмида улар «ноклассик фалсафа» таҳлилининг асосий предметига айланди, бу эса, ўз навбатида, матнлар мантиғи, тили, уларни талқин қилиш ва шарҳлашга алоҳида қизиқиш уйғонишига олиб келди. XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида ҳозирги маданиятдаги инқироз ҳодисаларини ва янги ахборот технологияларининг, шунингдек оммавий коммуникация воситаларининг жадал суръатларда ривожланиши билан белгиланган муаммоларни кун тартибига қўйган

постноклассик фалсафа шаклланди. Бу фалсафа вакиллари «тарихий ривожланишнинг тугалланганлиги», барча маънолар ва ғоялар «айтиб бўлинганлиги» ҳақида мушоҳада юритиб, инсон ўзига ёғилаётган ахборотга ишлов беришга қодир эмаслигига эътиборни қаратар экан, нотизимлилик, Европа анъанавий фалсафий билимининг негизлари, қадриятлари ва чегараларини ўзгартириш ғоясини илгари сурдилар.

Нихоят, XX-XXI аср чегарасида энг янги фалсафада биринчи ўринга чиққан ва энг муҳим мавзулар қаторидан ўрин олган яна бир мавзу глобаллашув жараёнларининг моҳиятини ва уларнинг ривожланиш йўналишини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу жараёнлар ҳозирги вақтда жамият ҳаётининг деярли барча жабҳаларини қамраб олди ва давримизнинг оламшумул муаммоларини юзага келтирдик, уларнинг назарий ва амалий ечимини топиш бу муаммоларни шу жумладан фалсафий даражада англаб етишни ҳам назарда тутди. Халқаро миқёсда алоҳида эътибор бериш ва келишилган ҳаракатларни тақозо этувчи энг муҳим муаммолар қаторига экология, демография, хавфсизлик, халқаро жиноятчилик, энергетика ресурслари, қашшоқликка чек қўйиш муаммоларини киритиш мумкин.

Кўриб турганимиздек, фалсафанинг предметини қандайдир битта, қатъий чекланган, муайян масалалар доираси билан боғлаш мумкин эмас. У вақт омилига ва объектив сабаблар тўпламига қараб, доим у ёки бу муаммо ёки уларнинг муайян мажмуи тарзида биринчи ўринга чиқади. Аммо бу бошқа мавзулар, масалалар ва муаммолар ўз аҳамиятини йўқотади ва фалсафа чегарасидан четга чиқади, унинг таҳлил предмети бўлмай қолади, деган маънони англамайди. Бош мавзуларни иккинчи, учинчи ёки ундан ҳам кейинги ўринга суриб қўяди, улар муайян даврда ва тегишли шароитда фалсафий диққат марказидан ўрин олиш ёки фалсафий муаммоларнинг устуворликлар йўналиши бўйлаб юқорига кўтарилиш учун ўз вақтини «кутиб», гўёки панада туради, десак, тўғрироқ бўлади. Айни шу сабабли биз фалсафа тарихида қизиқишлардаги устуворликларнинг муттасил ўзгаришини, у ёки бу масала бош масалага айланиши, фалсафий ҳамжамиятнинг асосий эътибори маълум вақт мобайнида унга қаратилишини кўраемиз.

Фалсафий билимнинг тузилиши. Фалсафа ўз шаклланиши ва ривожланишининг қадимги давридаёқ, табиат, инсон, жамият ва маънавиятни, шунингдек сабабий боғланишлар, қонунлар ва шу кабиларни билиш соҳасида юксак натижаларга эришди ва оқилоналик нуқтаи назаридан одамларнинг дунё ҳақидаги умумий тасаввурига айланди. Аммо оламнинг чексиз даражада ранг-баранглиги ва серқирралиги туфайли ўша даврдаёқ парчаланмаган фалсафий билимлар ва тасаввурлардан айрим бўлимлар ажралиб чиқа бошлади, вақт ўтиши билан ривожланиб, анча аниқ шакл-шамойил касб этди ва янги билимлар билан тўлдирилди. Пировард натижада улар фалсафий билимнинг тузилишини (структурасини) ташкил этди.

Қуйидагилар фалсафий билимнинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади:

- онтология – мавжудлик, борлик ҳақидаги билим;
- гносеология (бошқа бир терминологияга кўра – эпистемология) – билиш назарияси;

- ижтимоий фалсафа – жамият ҳақидаги таълимот;
- этика – ахлоқ ҳақидаги таълимот;
- аксиология - кадриятлар ҳақидаги таълимот;
- фалсафий антропология – инсон ҳақидаги таълимот ва бошқалар.

Фалсафий муаммолар моҳиятини тушуниб етиш, уларнинг энг муҳимларини аниқлаш ва ниҳоят, фалсафий билимлар билан ошно бўлиш – кўрсатилган бўлимларни синчиклаб ўрганиш, бунда уларга яхлит бир бутуннинг таркибий қисмлари сифатида ёндашиш демакдир. Пировардида биз фалсафанинг ўзига хос тили, ўз ёндашувлари ва методлари, ниҳоят, табиат, жамият ва тафаккурга оид энг муҳим алоқалар, хоссалар ва қонунларни ўзида акс эттирувчи умумий тушунчалар – категориялар тизими вужудга келганининг гувоҳи бўламиз. Бунда фалсафадаги ҳар бир бўлим ёки йўналиш ҳам ўз тушунчалар аппаратига, яъни билимнинг фақат шу соҳасига хос бўлган ва унинг асосий моҳиятини ёритиб берадиган категориялар тизимига эгадир.

Фалсафада кўриб чиқилган мавзулар билан бир қаторда шундай билим соҳалари ҳам мавжудки, улар қолган барча билим соҳаларига кириб боради, улар билан уйғунлашади ва уларни тўлдиради. Масалан, табиат, жамият, инсон ва унинг тафаккурида юз берувчи ҳаракат, ривожланиш ва ўзгаришлар ҳақидаги фалсафий таълимот – диалектика ана шундай билим соҳаларидан бири ҳисобланади.

Объектив сабабларга кўра фалсафий билимнинг айрим соҳалари сезиларли даражада ривожланиши ва вақт ўтиши билан мустақил фалсафий фанларга айланди. Бундай билим соҳалари қаторига, масалан, инсоннинг билишни амалга ошириш шакллари, қонунлари ва усулларини ўрганадиган фан - мантиқни; маънавият ва ахлоқ ҳақидаги таълимот – этикани; гўзаллик қонунларига мувофиқ ижоднинг моҳияти ва шакллари ҳақидаги фан – эстетикани киритиш мумкин.

Шу маънода фалсафа тарихи фани алоҳида диққатга сазовордир, зеро у, моҳият эътибори билан, нафақат фалсафий, балки тарихий фан ҳисобланади. Айни вақтда у фалсафий билим таркибига ҳам киради, чунки фалсафий тафаккурнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишини, фалсафий ғоялар эволюцияси ва хусусиятини турли файласуфлар, йўналишлар, оқимларнинг таълимотларида қандай тавсифлангани нуқтаи назардан ўрганади. Фалсафа тарихи фанида фалсафий таълимотларни тизимга солиш ва таснифлашга, матнлар, тарихий саналарни таҳлил қилишга, далилий материал, биографик маълумотлар йиғишга алоҳида эътибор берилади. Шу муносабат билан дунёқарашни кенгайтириш ва теранлаштиришга, ўз фалсафий ёндашувларини яратишга қаратилган фалсафани ўрганиш, унинг тарихи, асосий намояндалари ва энг муҳим фалсафий асарлари билан албатта танишишни назарда тутати.

Фалсафанинг янги соҳалари. Фалсафий билимнинг тузилиши ўзгармас, узил-кесил шаклланган эмас. Фалсафанинг ривожланиши ва у ҳал қилаётган муаммолар доираси кенгайишига қараб фалсафий билим тузилишида ҳам ўзгаришлар юз беради. Илмий назариялар ёки фалсафий ғоялар инқирозга учраган ёки ўзининг асосизлигини намоён этган тақдирда, уларнинг билим тизимидаги ўрни ва ролини қайта баҳолаш амалга оширилади, бу эса баъзан уларнинг назарий ва амалий аҳамияти йўқолишига олиб келади. Масалан, флогистон назарияси,

«фалсафа тоши»ни излаш, эмпириокритицизм фалсафаси ва ўз аҳамиятини йўқотиб, тарих мулкига айланган бошқа кўпгина ғоялар билан шундай бўлган. Бугунги кунда фалсафа билан ҳам шунга ўхшаш ҳодиса юз беряпти, деган фикр мавжуд. Ҳатто фалсафа ўляпти деб ҳисоблайдиганлар ҳам йўқ эмас.

Дарҳақиқат, ўзини оқламаган ғоялар, йўналишлар ва концепциялар бисёр, уларнинг аксарияти ҳозир жуда оғир аҳволда, айримлари эса кучли инқироз ҳолатини бошдан кечирмоқда. Аммо фалсафа ўзининг биринчи маъносида – «доноликни севиш» сифатида, ҳақиқатнинг тагига етиш усули сифатида, жон ҳолати сифатида ва ниҳоят, дунёқарашнинг алоҳида шакли сифатида инсоният тургунча мавжуд бўлади.

Буни фалсафий билимнинг айрим нисбатан янги соҳалари ҳам тасдиқлайди (баъзан улар мустақил фалсафий фанлар мақомига даъвогарлик қилади). Улар фалсафа ёндашувлари ва методлари жамият ҳаётининг айрим жабҳалари, мураккаб объектлар, муайян фанлар ва шу қабиларни ўрганишга нисбатан қўлланилиши натижасида юзага келди. Уларнинг аксарияти фалсафанинг энг янги тарихи билан боғлиқ бўлиб, асосан XX асрга тегишлидир. Бу ерда аввало табиат фалсафаси, ҳуқуқ, фан, тарих, сиёсат, санъат, дин, техника фалсафаси, танатология, геронтология ва бошқалар назарда тутилмоқда. Ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликларида тадқиқотнинг яна бир янги ва ўта муҳим соҳаси – глобаллашув ва у юзага келтираётган глобал муаммолар фалсафаси пайдо бўлдики, уни ўрганиш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Фалсафанинг асосий масалалари. Фалсафани ўрганаётган ҳар бир одамда фалсафада қолган барча муаммоларга нисбатан устунроқ аҳамият касб этадиган, яъни муҳимроқ, асосийроқ ҳисобланадиган масалалар, муаммолар мавжуд ёки мавжуд эмаслигига қизиқиш эртами, кечми албатта юзага келади. Бу мавзу нафақат бошловчи, балки профессионал файласуфлар учун ҳам диққатга сазовордир. Уларнинг орасида кимдир бу мавзуга жиддий эътибор беради, кимдир эса, аксинча, уни муҳим деб ҳисобламайди. Фалсафанинг узоқ тарихига умумий назар ташласак, олам ва инсоннинг келиб чиқиши, ривожланиши ва моҳиятига, шунингдек, ҳаётнинг маъноси, инсон билишининг табиатига тегишли «боқий» фалсафий муаммолар деярли барча фалсафий таълимотларда у ёки бу тарзда мавжудлигини, турли фалсафий асарларда, улар айнан кимга қарашлилиги ва қайси даврга мансублигидан қатъий назар, қисман ёки, аксинча, атрофлича муҳокама қилинишининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, онг, тафаккур, руҳ, идеаллик ва уларнинг материя, табиат, борлик билан ўзаро нисбати масалаларига ўз муносабатини билдирмаган ёки, айтайлик, ўз мулоҳазалари ва хулосаларида шубҳа қилмаган файласуфни топиш мушкул. Бу ҳол ўз вақтида олимлар томонидан «фалсафанинг асосий масаласи»ни таърифлашига туртки берган бўлиб, унда икки жиҳат алоҳида ажралиб туради.

Биринчи жиҳат моддийлик ва идеалликнинг ўзаро нисбатига тегишли. Савол шундай қўйилади: «Материя бирламчими ёки руҳ (онг)ми?» ёки, «Тафаккур ва борлиқнинг нисбати масаласи бутун, айниқса, энг янги фалсафанинг буюк асосий масаласидир».

Иккинчи жиҳат биринчи жиҳат билан узвий боғлиқ бўлиб, қуйидагича

таърифланади: «Дунёни билиш мумкинми?» Бошқача айтганда: «Биз ҳақиқий дунё ҳақидаги ўз тасаввурларимиз ва тушунчаларимизда борлиқни тўғри акс эттиришга қодирмизми?»

Материалистлар ва идеалистлар. У ёки бу файласуфлар саволнинг биринчи қисмига қандай жавоб беришига қараб, улар **материалистлар** -дунё азалдан моддий, онг эса бу материянинг маҳсулидир, деб ҳисобловчилар ва **идеалистлар** -дунё замирида материядан олдин пайдо бўлган ва уни яратувчи идеал нарсалар ва ҳодисалар ётади, деган фикрни ҳимоя қилувчиларга ажратилади.

Бунда идеализмнинг икки тури – объектив ва субъектив идеализм фарқланади. Қандайдир номоддий ва инсон онгига боғлиқ бўлмаган (яъни объектив мавжуд бўлган) нарсалар ва ҳодисаларни (Худо, дунёвий ақл, ғоя, руҳ ва шу кабилар) бутун борлиқнинг асоси деб эътироф этувчилар **объектив идеалистлар** ҳисобланади. Фалсафа тарихида Платон, Авлиё Августин, Фома Аквинский, Г.Гегель, , Н.Бердяев каби мутафаккирлар объектив идеализм намояндалари сифатида шакл-шубҳасиз эътироф этилади. Дунё фақат индивидуал (субъектив) онг нуқтаи назаридан қаралган ҳолда **субъектив идеализм** тўғрисида сўз юритилади. Ж.Беркли, Д.Юм, И.Г.Фихте субъектив идеализмнинг ёрқин намояндалари ҳисобланади.

Фалсафа тарихида материалистик йўналишлар ва оқимлар ҳам анчагинадир. Хусусан, материяни яратиш ва йўқ қилиш мумкин эмаслиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга илк файласуфларнинг асарларидаёқ дуч келиш мумкин. Мазкур **сода материализм** вакиллари :қадимги хитой файласуфлари – Лао цзи, Ян Чжу;

- Қадимги ҳинд файласуфлари – локаята йўналиши намояндалари;
- Қадимги даврнинг машҳур файласуфлари – Гераклит, Эмпедокл, Демокрит, Эпикур ва бошқалар.
- Қадимги Марказий Осиё файласуфлари- Зардўшт Сепитома кабилардир.

Классик механика вужудга келган ва фаол ривожланган Янги даврда **механистик материализм** (П.Гольбах, П.Гассенди, Ж.Ламетри) айниқса кенг тарқалди.

XVIII-XIX асрларда фалсафий материализмнинг йўналишлари:

- антропологик материализм (Л.Фейербах);
- вульгар материализм (Фогт, Бюхнер, Молешотт);
- диалектик материализм (К.Маркс, Ф.Энгельс) шаклланди.

Бироқ, яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, мазкур таснифга мувофиқ материалистлар ёки идеалистлар деб номланувчи у ёки бу файласуфлар бундай фарқлашга асоссиз схемалаштириш ва соддалаштириш деб қараб, ўзини бу йўналишларнинг бирортасига ҳам мансуб деб ҳисобламаслиги мумкин. Бундай қарашлар шу билан изоҳланадики, тўғридан-тўғри ва узил-кесил тарзда, бу муаммони тушунишга нисбатан бошқача ёндашувларни эътиборга олмасдан таърифланган «фалсафанинг асосий масаласи» муқаррар тарзда барча файласуфларни икки катта қарама-қарши лагерга – материалистлар ва идеалистларга ажратади ва бу ҳодисанинг айрим кўриниши сифатида фақат моддий ва маънавий субстанцияларни тенг ҳуқуқли асослар деб ҳисобловчи **дуалистлар**нигина (масалан, Р.Декарт) фарқлайди.

Аммо фалсафий тафаккур тарихида у ёки бу файласуфлар фикрига кўра энг муҳим деб қараладиган бошқа муаммолар ҳам мавжуд. Айни шу сабабли аксарият файласуфлар субстанция (дунёнинг биринчи асоси) ҳақида мулоҳаза юритар экан, мазкур масаланинг қўйилишини «фалсафанинг асосий масаласи» билан боғлашга мойил эмас. Масалан, илк **антик файласуфлар** учун фалсафанинг асосий муаммоси: «Дунё нимадан яратилган?», деган савол билан боғланган. Ўша даврда бу савол энг муҳим, асосий, биринчи даражали ҳисобланган.

Ўрта асрлар схоластикаси нуқтаи назаридан «фалсафанинг асосий масаласи» қуйидагича таърифланиши мумкин: «Худонинг борлигини қандай қилиб оқилона асослаш мумкин?» Ҳозирги диний фалсафий концепциялар, хусусан неотомизм учун у ҳозир ҳам бош масала бўлиб қолмоқда. Ибн Сино фикрича, фалсафанинг асосий масаласи – мавжудотни барча мавжуд нарсаларни келиб чиқиши, тарғиботи ўзаро муносабати, биридан-иккинчисига ўтишни ҳар томонлама текшириш учун зарурий имконият, воқелик сабаб тамойилларини асос қилиб олишдан иборат.

Янги даврда И.Кант ёндашуви диққатга сазовор бўлиб, у «Инсон нима?» деган саволни моҳият эътибори билан фалсафанинг асосий масаласи деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, инсон икки ҳар хил дунё – табиий зарурат ва маънавий эркинликка мансуб бўлиб, уларга мувофиқ одамзот, бир томондан, табиат маҳсули ҳисобланади, бошқа томондан эса, у «эркин ҳаракат қилувчи мавжудотнинг ўз-ўзидан яратиш» натижасидир¹.

Экзистенциализм фалсафасида эса ҳар бир индивид ўзи учун ўзи ҳал қилиши лозим бўлган «Ҳаёт яшашга арзийдими?», деган муаммо асосий масала сифатида эътироф этилади, зеро, мазкур йўналиш намояндаларининг фикрига кўра, бу саволга жавобсиз қолган ҳамма нарса ўз маъносини йўқотади. Француз экзистенциалист файласуфи А.Камю таъбири билан айтганда: «Ҳаёт яшашга арзиши ёки арзимаслиги масаласини ҳал қилиш, фалсафанинг асосий масаласига жавоб топиш демақдир».

Масалан, прагматизм асосий эътиборни ҳақиқат тушунчасига ва уни аниқлаш муаммосига қаратади. Бу йўналиш вакилларининг фикрига кўра, фалсафа аввало айни шу муаммо билан шуғулланиши ва инсонга амалда фойда келтириши лозим.

Фалсафани сиёсийлаштириш ва схемалаштиришнинг оқибатлари. Фалсафани ўта сиёсийлаштириш маълум маънода зарарлидир. Чунки собиқ совет тузуми даврида айни фалсафий билимни мутлақлаштириш, уни сиёсий билим доираси билан чегаралаш оқибатида фалсафа сийқалашди, унинг асл мазмунига путур етказилди. Шунингдек, фалсафанинг барча замонларда ва ҳар қандай шароитда ўз аҳамиятини сақлаб қолиши мумкин бўлган, қолган барча масалаларни истисно этадиган бирон-бир битта, бирдан-бир тўғри асосий масаласи борми? Бизнингча, мазкур узил-кесил таъриф контекстида бундай масала мавжуд эмас. Биринчидан, айни ҳолда тарихий даврни ҳам, фалсафий билимнинг плюралистик табиатини ҳам ҳисобга олиш талаб этилади. Иккинчидан, қандайдир битта

¹ Қаранг: Кант И. Соч. Т. 6. – М., 1966. – 351-б.

муаммони фақат у ёки бу муайян вазифани ечиш мақсадида мураккаб масалаларни схемалаштириш, атайлаб соддалаштириш тўғрисида сўз юритилаётганини тушунган ҳолда, маълум даражада шартлилик билан мутлақлаштириш мумкин.

Масалан, фалсафанинг «борлик» ва «субстанция» каби айниқса кенг тарқалган асосий категориялари ҳақида сўз юритар ва муайян файласуфларнинг уларга бўлган муносабатини аниқлашга ҳаракат қилар эканмиз, «фалсафанинг асосий масаласи»ни узил-кесил ечиш тарафдорлари илгари сурган мантиққа мувофиқ, барча файласуфларни маълум даражада шартлилик билан материалистлар, идеалистлар ва дуалистларга ажратишимиз мумкин. Умуман олганда, агар, фалсафада айниқса кўп муҳокама қилинадиган муаммолар доирасини аниқлашга ҳаракат қилинаётган ёки фалсафа тарихини, у ёки бу фалсафий ғоялар, йўналишлар, оқимларнинг ворисийлигини яхшироқ тушуниш вазифаси қўйилаётган бўлса, бундай ажратиш мутлақо ўринлидир.

Айни вақтда, муаммога нисбатан янгича ёндашувни ёки масаланинг янгича талқинини таклиф қилиши мумкин бўлган бошқача ёндашувлар пайдо бўлиши ва мавжудлигига йўлни беркитмаслик учун ҳар қандай схемалаштириш чекланган хусусиятга эга бўлишини унутмаслик керак.

Айни бир масалага бошқача нуқтаи назардан, ғайриоддий ёки мутлақо кутилмаган томондан ёндашиш таклиф қилинган, пировардида эса аввалги қарашлар нуқтаи назаридан эришиш мумкин бўлмаган кашфиётлар олинган ҳолларга тарихда мисоллар бисёр. Масалан, геоцентрик қарашлар ўрнини гелиоцентрик қарашлар эгаллаши, нисбийлик назариясининг пайдо бўлиши, Рим клубига тақдим этилган «Ўсиш чегаралари» маърузаси ва ҳоказолар кўпчилик учун табиий, ўз-ўзидан равшан бўлиб туюлган нарсаларга нисбатан ноанъанавий, ғайриоддий ёндашув маҳсулидир. Мазкур мисоллар фалсафада «қатъий», узил-кесил таърифларга нисбатан анча эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозим, зеро бу баъзан янглишишларнинг мустаҳкамланишига, охир-оқибатда эса – турғунлик ва догматизмга олиб келади, деган фикрни фақат тасдиқлайди.

Дунёни билиш мумкинми, деган саволга файласуфлар томонидан берилган жавоблар орасида ҳам икки қарама-қарши ёндашув ажралиб туради. Бу ёндашувлардан бири гносеологик оптимизм деб аталади. Унга мувофиқ инсоннинг билиш имкониятлари умуман олганда чекланмаган ва у ўзини қизиқтираётган табиат ва жамият қонунларини кашф этиш, нарсалар моҳиятини аниқлаш ва дунёнинг ҳақиқий манзарасини яратишга эртами, кечми албатта муваффақ бўлади, деб ҳисобланади. Бунда Г.Гегелни, ва у яратган таълимотнинг кўп сонли тарафдорларини тилга олиб ўтиш ўринли бўлади.

Иккинчи ёндашув агностицизм (юнон. а – инкор ва gnosis – билим) деб аталади. Бу ёндашув намоёндалари дунёни, нарсалар ва ҳодисалар моҳиятини тўла (ёки ҳатто қисман) билиш амалда мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Бундай қарашлар айниқса Д.Юмга хосдир. Одатда, агностицизм намоёндалари қаторига И.Кант ҳам киритилади, аммо бу ёндашув анча баҳсли бўлиб, файласуфлар орасида мунозараларга сабаб бўлиб келади.

Фалсафада шубҳанинг роли. Юқорида келтирилган иккала гносеологик ёндашувни таққослаш ва уларга баҳо беришда шубҳа муҳим рол ўйнайди. У

нафақат ўринли, балки ижодий йўналтирилган ҳар қандай билишнинг зарурий элементи ҳисобланади. Шунингдек, фалсафий мулоҳазалар ҳар қандай шак-шубҳадан холи бўлса, нотанқидий идрок этиладиган ўтмиш ва қадимда ўзлаштирилган қонун-қоидаларга сўзсиз бўйсуниб меъёрга айланиб қолса, бу, догматизм, турғунлик ва таназзулга элтади.

Бунга қадимдаёқ антик файласуфлар: элладалик Пиррон, Аркесилай, Секст Эмпирик ва шубҳани фикрлашнинг асосий тамойили, инсон билимини эса – нисбий деб эълон қилган фалсафий йўналиш – скептицизмнинг бошқа асосчилари эътиборни қаратган. Скептицизм ҳақиқатга шак-шубҳасиз эгалик ва нарсаларни тўғри тушунишга даъвогар бўлган фалсафий таълимотлар ҳукмронлигига муносабат сифатида вужудга келди ва шу маънода, ижобий рол ўйнади.

Назорат саволлари

1. Фалсафа тарихини ўрганиш қандай мақсадни кўзлайди?
2. Нима учун фалсафа тарихида фикрлар ранг-баранглиги меъёр ҳисобланади?
3. Кимнинг асосчиси асарларини аналитик фалсафанинг манбаи деб ҳисоблаш мумкин?
4. “Мантиқий атомизм” назарияси кимга тегишли?
5. Фалсафа тарихида «фалсафанинг асосий масаласи»га таъриф бериш қандай амалга оширилган?
6. Мантиқий-лингвистик таҳлил қайси файласуф таълимотида ифодаланган?
7. Томас Гоббс томонидан машҳур белгилар таснифининг асоси нима?
8. Кимнинг асарларида аналитик фалсафий тафаккур тарзи тўлиқ очиб берилган?
9. Антиқ фалсафада борлиқ тушунчаси.

3-МАЪРУЗА: БОРЛИҚ ФАЛСАФАСИ ВА УНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

Режа

- 1- Фалсафа тарихида «Борлиқ» категорияси
- 2- Борлиқ категорияси
- 3- Борлиққа ёндашувнинг асосий концепциялари
- 4- Ҳаракат – борлиқнинг асосий мавжудлик усули
- 5- Фазо ва вақт – борлиқнинг тузилиши сифатида
- 6- Материя (модда) фалсафа ва табиётшуносликнинг категорияси сифатида

1- Фалсафа тарихида «Борлиқ» категорияси

Фалсафа фанининг борлиқ ҳақидаги масалаларни ўрганувчи қисми *онтология* деб аталади. Онтология сўзи юнонча *ontos* (мавжудлик) ва *logos* (таълимот) сўзларининг бирикмасидан ташкил топган бўлиб, «мавжудлик

ҳақидаги таълимот», яъни борлиқ ҳақидаги фан маъносини ифодалайди.

Бу атама фан тарихида биринчи бор 1513 йил *Р.Гоклениуснинг* «Фалсафа луғати»да, сўнгра, *Х.Вольф* (1679 -1754)нинг фалсафага оид дарслигида қўлланилган бўлсада, улардан илгари қадимги юнон файласуфлари ҳам онтологиянинг мазмунини ифодаловчи турли фикрларни илгари суришган. Улар онтологияни «ҳақиқий борлиқни ноҳақиқий борлиқдан ажратиб олувчи борлиқ ҳақидаги таълимотдир» деб ҳисоблашган. *Элей мактаби* намоёндалари эса онтологияни мангу, ўзгармас, ягона, соф борлиқ ҳақидаги таълимот деб ҳисоблашган. *Милет* ва *Иония мактаби* вакиллари эса дастлабки борлиқнинг сифатий талқини ҳақида бош қотиришган. Улардан борлиқнинг бошланишида ётувчи бундай асосни *Эмпедокл* «стихия», *Демокрит* «атомлар», *Анаксимандр* «апейрон», *Анаксагор* «уруғ» деб атаган. *Афлотун* эса ғоялар онтологиясини яратган. Ғоялар онтологияси ақл билан эришиладиган моҳиятлар иерархиясини ташкил этиб, унинг юқори нуқтасида Фаровонлик ғояси, ундан кейин бетўхтов оқувчи хилма-хил ҳиссий дунёни акс эттирувчи идеал намуналар, сонлар, геометрик шакллар ётади. *Арасту* фикрича умумийлик айрим ҳолда якка нарсалардан четда мавжуд эмас. Биз оламда айрим нарсаларга дуч келамиз ва улардаги бир-бирига ўхшаш жиҳатларни умумлаштириб, абстракт ва идеал образ ҳосил қиламиз. Шу тариқа Арасту эмпиризм онтологтасини яратди.

Марказий Осиё Яқин ва Ўрта шарқида IX-X асрларда ижод қилган *Ал-Киндий*, *Закариё Розий*, *Форобий*, *Ибн Сино* сингари мутафаккирлар юнон файласуфларидан фарқли равишда онтологик таълимотни бутунлай янгича босқичга кўтаришди. Масалан, Форобий онтологияга ягона борлиқнинг моҳиятини очиб берувчи таълимот сифатида ёндашган.

Ўрта асрлар гарб фалсафасида эса онтология теология билан чамбарчас боғлаб тушунтирилади. Бу даврда абсолют борлиқ худо билан, «соф» моҳиятлар иерархияси билан, «яратилган» борлиқ эса моддий табиат билан айнанлаштириб талқин этилган. *Схоластик фалсафада* онтология субстанциал ва акциденциал, актуал ва потенциал, зарурий ва тасодифий, эҳтимолдаги ва имкониятдаги борлиқ даражаларини ифодаловчи таълимот сифатида қаралган. Бу даврда борлиқ концепциялари номинализм, реализм ва концептуализм намоёндаларининг универсалийларнинг онтологик моҳиятига муносабати тарзида намоён бўлади.

Шарқ фалсафасида онтология кўпроқ илоҳий борлиқнинг моҳиятини, худонинг моҳиятини акс эттирувчи таълимот тарзида, шарқ пантеистик фалсафасида эса *вахдату мавжуд* ва *вахдату вужуд* кўринишидаги таълимотлар шаклида вужудга келган.

Хуллас, борлиқ ҳақидаги муаммо фалсафада тарихан марказий ўрин эгаллайди. Фалсафа ўрганадиган қайси бир масалани олмайлик, у борлиқ муаммоси билан боғлиқ эканлигини кўрамиз. Ҳақиқатдан ҳам, борлиқ, унга муносабат масаласи фалсафий қарашларда муҳим аҳамиятга эгадир, чунки, борлиқ муаммоси фалсафадаги ҳар қандай дунёқараш гносеологик ва методологик муаммоларнинг асоси ҳисобланади.

2.-Борлиқ категорияси

Борлиқнинг ўзи нима? Бу саволга жавоб бериш учун борлиқнинг инсон ва инсонлар ҳаёти билан боғлиқ илдизларига назар ташлашга тўғри келади. Кишилар қадимдан ўзларини куршаб турган табиат ва жамият, инсон ва инсоният ҳақида ўйлар экан, атрофида содир бўлиб турган нарсалар ва ходисаларни, ўзгаришларни кузатишган. Баъзи нарсалар ҳозир мавжуд, кейинчалик эса йўқолиб кетади, кеча йўқ бўлган баъзи нарсалар эса бугун пайдо бўлади. Шулар асосида кишиларда *мавжудлик* ва йўқлик ҳақида тасаввурлар, қарашлар вужудга келган.

Кишилар ўзларининг ҳам дунёга келиши (туғилиши), яшаши ва ниҳоят вафот этиши (ўлиши), «йўқликка айланиши» ҳақида ўйлай бошлашади. Шу асосда кишиларнинг «бу дунё» ва «у дунё» (нариги дунё), яъни одамнинг вафотидан сўнг унинг руҳи кўчиб ўтадиган «дунёлар» ҳақидаги тасаввурлари пайдо бўлган. Кишилар ўзларининг кундалик тажрибалари асосида атрофидаги дунёнинг ҳозир мавжудлиги, ўзлари туғилмасдан илгари ҳам мавжуд бўлганлигига ва кейинчалик ҳам мавжуд бўлиб қолишига ишонишган. Шу тарзда уларда «борлиқ» ва «йўқлик» ҳақида тасаввурлар шаклланган.

Борлиқ турли концепцияларда турлича талқин этилади. Айрим тадқиқотчилар уни муайян моддий жисм, моддий борлиқ сифатида тушунтиришади, бошқалар эса уни ғоявий, маънавий, руҳий, илоҳий моҳият шаклида тушунишади. Абу Наср Форобий ягона борлиқни 6 босқичдан иборат деб ҳисоблаган: 1-илк сабаб (сабаби-аввал) - худо; 2-сабаб - (сабаби- соний) - самовий жисмлар борлиғи; 3-сабаб - фаол ақл (ал-ақл ал-фаол); 4-сабаб - жон (ан-нафс); 5-сабаб - шакл (ас-сурат); 6-сабаб - модда (ал-модда)¹. Бу босқичлар бир-бири билан сабабий боғланган бўлиб, улар барча мавжудликнинг бошланғичи ҳисобланади.

Борлиқ тушунчаси атрофида файласуфлар ҳар доим кескин мунозаралар, тортишувлар, баҳслар олиб боришган ва бу баҳслар ҳалигача давом этмоқда. Хуллас, «борлиқ» фалсафадаги энг умумий тушунчадир. Борлиққа аксил тушунча сифатида «йўқлик» тушунчасини ишлатишади. Йўқлик ҳеч нимани, яъни назарда тутилган жойда ҳеч нима мавжуд эмаслигини англатади.

Борлиқ илгари мавжуд бўлган, ҳозир мавжуд ва келажакда мавжуд бўладиган *объектив ҳамда субъектив реалликни* ҳам ўзига қамраб олади. Яъни табиат, инсон, фикрлар, ғоялар, жамият ҳаммаси турли шаклларда мавжуддир. Уларнинг барчаси мавжуд бўлганлиги учун ҳам яхлит ягона борлиқни ташкил этади.

Кўпинча борлиқни инсон онгидан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда *мавжуд бўлган реалликни* ифодаловчи фалсафий категория сифатида таърифлашади. Бундай таърифнинг камчилиги шундаки, бу таърифда борлиқ объектив реаллик тушунчаси билан айнанлашиб қолган.

¹ Очерки истории общественно-философской мысли в Узбекистане. Т.:Фан, 1977. 63-64-б.

Аслида эса борлиқ категорияси умумийлашган абстракция бўлиб мавжудлик белгиси бўйича турли хил ҳодисалар, предметлар ва жараёнларни ўзида бирлаштиради. Табиий объектлар, уларнинг хоссалари, алоқадорликлари ва муносабатлари, кишилар жамоаси ва айрим одамлар, ижтимоий ташкилотлар, инсон онгининг ҳолати ва бошқалар ҳам борлиқ тушунчасига киради. Борлиқ нафақат предметларни, жисмларни, объектив реалликни, балки, маънавий ҳодисаларни, руҳиятни, онг ва тасаввурни, *субъектив реалликни* ҳам ўзига қамраб олади.

Борлиқнинг асосий соҳаларига табиат, жамият ва онг киради. Бу соҳалар учун умумий жиҳат - уларнинг мавжудлигидадир. А.Г.Спиркин шундай ёзади «Барча мавжуд нарсалар борлиққа мансубдир. Уларга моддий жисмлар ҳам, барча (физик, химик, геологик, биологик, ижтимоий, психологик, маънавий) жараёнлар ҳам, уларнинг хоссалари, алоқалари ва муносабатлари ҳам киради. У чуқур ҳаёлотнинг меваси бўлган эртақ ва афсоналар, ҳатто беморнинг ҳаёлидаги алаҳсирашлар ҳам, борлиқнинг қисми бўлган маънавий реаллик сифатида мавжуддир»². Шундай қилиб «руҳ ва материя, ҳеч бўлмаганда мавжудлик сифатида умумийликка эгадир» (*И.Дицген*). Шубҳасиз, улар бир-бирларидан фарқ ҳам қилишади. Агар моддийлик ва маънавийликни бир-бирига таққосласак, моддийлик субъектдан мустақил равишда, маънавийлик эса унга боғлиқ равишда мавжуд бўлади. Шундай қилиб, борлиқ моҳият жиҳатидан *моддий борлиқ* ва *маънавий борлиққа* бўлинади.

Фалсафага оид бир дарсликда ҳақли равишда шундай деб ёзилган: «Борлиқ - бу тушунишни талаб қиладиган ва тушуниш асосида юзага чиқадиган, шаклланадиган нарса. Борлиқ - бу предметларнинг кўриниши ёки шаклларида бири эмас, предметлар синфининг умумий тушунчаси ҳам эмас, борлиқ - бу мавжудликнинг борлиғидир. Борлиқ - бу борлиқни англашда нима кутилаётган ва тушунилаётган бўлса, ўшанинг ўзидир»³. Бу таърифдан, борлиққа қайси жиҳатдан ёндашсак - у ўша хусусиятни ўзида мужассамлаштиради, нимаики воқий бўлса, борлиқ уларнинг ҳаммасини ўзига қамраб олади, деган маъно келиб чиқади. Шу жиҳатдан тадқиқотчилар борлиқни турли шаклларга бўлиб ўрганишади.

Борлиқни шаклларга ажратишда унинг асосида, моҳиятида нималар ётишига эътибор қаратиш лозим. Шу тариха фалсафада *субстанция* категорияси шаклланган. Субстанция (лотин. *substantia* - моҳият, асосида ётувчи нимадир) муайян нарсалар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар хилма-хиллигининг ички бирлигида намоён бўлувчи моҳият.

² Спиркин А.Г. Философия. М., 2000. 243-б.

³ Философия. Учебник. М., 1996. 139-б.

Субстанция дейилганда фалсафада дастлабки пайтларда борлиқ, табиат, жамият, инсон ва дунёдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг асосида ётувчи моддий ёки рухий моҳият англаган. Ўрта аср Шарқ фалсафаси намояндalари ал-Киндий, Закариё Розий, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд асарларида субстанция деб ҳамма нарсанинг моддий ёки маънавий асоси, моҳияти тушунилан. Субстанцияга қарама-қарши тушунча «акциденция» деб аталган. Акциденция (лот. *accidentia* - ўткинчи, тасодифий) нарса ва ҳодисаларнинг ўткинчи сифатларини ифодалайди. Форобийнинг ёзишича, «оламда субстанция ва акциденция ҳамда уларни яратувчи марҳаматли ижодкордан бошқа ҳеч нарса йўқдир»⁴; «Акциденцияни сезгилар оқрали ҳис этиш мумкин, субстанцияни эса фақат ақл англаб етади»⁵; «Масалан, олма - субстанция бўлса, унинг қизиллиги эса акциденциядир»⁶. Субстанцияни талқин этишда фалсафада икки хил - *онтологик ва гносеологик* йўналиш бор. Онтологик йўналиш бўйича Ф.Бэкон субстанция борлиқнинг энг туб асосида ётади деб ҳисоблаган ва субстанцияни муайян нарсаларнинг шакли билан айнанлаштирган. Р.Декарт борлиқнинг асосида икки хил мустақил субстанция: моддий ва маънавий субстанция ётади дейди. Моддий субстанция борлиқнинг кўлами билан, маънавий субстанция эса тафаккур билан белгиланади. Б.Спиноза эса тафаккур ва кўлам - икки хил мустақил субстанция эмас, балки ягона субстанциянинг икки хил атрибутидир (атрибут - ажралмас хусусияти дегани). Г.Лейбницнинг фикрича, оламнинг асосида кўплаб мустақил субстанциялар (монадалар) ётади.

Гносеологик йўналиш бўйича, субстанция оламнинг асосида ётувчи шартли ғоялардан иборатдир (Ж.Локк). Ж.Беркли эса ҳам моддий, ҳам маънавий субстанциянинг мавжудлигини инкор этган ва у субстанция деб дунёни идрок қилишнинг гипотетик ассоциациясини англаган. И.Кантнинг нуқтаи назарича, «у шундай бир доимий нарсаки, фақат унга нисбатангина ҳамма вақтинчалик, ўткинчи ҳодисаларни аниқлаш мумкин». Хегел «абсолют ғоя», «абсолют рух»ни субстанция деб қараб, уни нарсаларнинг муҳим, ўзгарувчан, ривожланувчи томонларининг яхлитлигидир, деб ҳисоблайди. Баъзи бир ҳозирги замон фалсафий концепцияларида субстанция категориясига нисбатан салбий муносабатларни кузатиш мумкин. Масалан, неопозитивистлар субстанция одамларнинг дунё тўғрисидаги тасаввурларини кўполлаштиради, деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрича, бу категория борлиқнинг моҳиятини содда ва жайдари кўринишда тушуниш натижасида пайдо бўлган.

Оламнинг тузилишини тушуниш яна бир тушунча «субстрат» категорияси билан ҳам боғлангандир. *Субстрат* (лот. *substratum* - асос, тўшама, таглик) нарса

⁴ Форобий. Рисолалар. Т.:Фан, 1975. 50-б.

⁵ Ўша асар. 50-б.

⁶ Ўша асар. 54-б.

ва ҳодисаларнинг умумий моддий асоси; нисбатан оддий ва сифат жиҳатдан элементар бўлган моддий ёки ғоявий тузилмалар мажмуаси. Айрим фалсафий концепцияларда субстрат деб дунёни ташкил этувчи мутлақ элементар ва бўлинмас асослар тушунилган. Масалан, қадимги Ҳинд фалсафасида оламнинг асосида тўртта бўлинмас унсур - сув, ҳаво, тупроқ ва олов ётади деб таълим берилади. Бундай қараш Марказий Осиёда яратилган «Авесто» да ҳам учрайди. Қадимги Юнон фалсафасида Левкипп, Демокрит, Эпикур, Лукреций фикрича, дунё атомлар ва бўшлиқдан ташкил топган, Анаксимандр - апейрондан, Афлотун - ғоя, руҳдан, Фалес - сувдан, Гераклит - оловдан иборат деб таълим берган. Форобийнинг ёзишича, қадимги юнон файласуфлари ҳар қандай нарса қандайдир бир субстратдан ташкил топганлигини уқтириш билан бир қаторда, унинг абсолют ва ўзгармаслигини таъкидлашган. Хуллас, ҳар қандай объектнинг нималардан ташкил топганлиги, системанинг асосида шу системани ташкил этувчи асосни ахтариш - субстратни ахтаришдир. Масалан, РНК, ДНК ва оқсиллар биологик организмлар учун субстрат бўлса, ЭҲМларнинг асосида ахборотлар алмашуви жараёни субстрат бўлиб келади. Борлиқнинг асосида ётувчи бирламчи моҳиятни ахтариш - *субстанциал ёндашув* бўлса, ҳар қандай системанинг, умуман борлиқнинг нималардан бунёд қилинганлигини, таркиб топганлигини, ташкил топганлигини, «қурилганлигини» ахтариш *субстракт ёндашувдир*.

Ҳар иккала ёндашувда ҳам бирмунча бирёқламалик, воқеликни субстанция ёки субстратга боғлаб қўйиш, унинг мураккаблиги ва хилма-хиллигини эътибордан четлаштириш кўзга ташланади. Аслида борлиққа янада кенгроқ, умумийроқ нуқтаи назардан ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндашиш борлиқни йўқлик, яъни «ҳеч нима» орқали ифодалаш билан боғлангандир.

Борлиқ тушунчасига қарама-қарши тушунча - бу *йўқлик*дир. Агар борлиқ тушунчаси *ниманингдир мавжудлигини* ифодаласа, йўқлик тушунчаси эса ўша жойда ниманингдир *мавжуд эмаслигини* англатиб, «*нима*»нинг акси бўлган «*ҳеч нима*»ни акс эттиради. Борлиқ, юқорида қайд этганимиздек, абсолют мазмунга эга бўлиб, муайян (конкрет) нарсалар шаклида ва нисбатан муайян сифатий ҳолда мавжуд бўлган яхлит объектив ва субъектив реалликни ўзига қамраб олади.

Йўқлик эса нисбий мазмундаги тушунча бўлиб, қаердадир ёки нимададир, ниманингдир айна пайтда мавжуд эмаслигини ифодалайди. Масалан, йўқлик деб ўтмишдаги ва келажакдаги ҳодисаларнинг ҳозирги замонда (айни шу вақтда) йўқлигини айтишади. Бугунги ҳодиса кеча ҳали йўқ эди, аммо потенциал (имкониятдаги) борлиқ сифатида мавжуд эди. Эртанги ҳодиса ҳам ҳозирча йўқлик, аммо потенциал борлиқдир. Биз ўтмишни бугунги кунда қолдирган

изига қараб, келажакни эса бугунги ҳодисалардаги ўзгариш суръати (темп) ва тенденцияларига қараб баҳолаймиз. Бугунги воқелик эртага йўқликка айланади, кўпгина тирик жониворлар эртага ўлик бўлади, яъни ҳаёт ўлимга айланади. Ўлим - бу ҳаётнинг йўқлигидир. Олинган индивиднинг ҳаётий борлиги у ўлгач, йўқликка айланади. Аммо, унинг қолдиқлари, танаси бирдан йўқолмаслиги мумкин. Улар ҳам йўқолгач, одамлар хотирасида унинг сиймоси қолиши мумкин. Хуллас, абсолют (мутлақ) йўқликнинг ўзи йўқдир. *Йўқлик* шу маънода *нисбий* мазмун касб этади.

Йўқлик(ҳеч нима)ни *гносеологик маънода* ҳам тушуниш мумкин. Биз йўқ деб ҳисоблаган объектлар ҳозирча бизнинг фикр доирамиздан (билиш чегарасидан) четда қолган бўлиши ҳам мумкин. Воқеликнинг муайян жойида маълум бир синфга мансуб объектлар, уларнинг муносабат ва алоқадорликларининг учрамаслигини ҳам йўқлик дейиш мумкин. Масалан, физик вакуумда бизга маълум бўлган бирор физик объект учрамайди. Аслида, у жойида ҳам биз ҳали билмайдиган шаклдаги гипотетик оламлар ва уларнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари, қонуниятлари мавжуддир. Ўтган асрларда электромагнит майдони, кўпгина элементар заррачаларнинг мавжудлиги ҳақидаги тасаввурлар йўқ эди. Аниқроғи, биз уларнинг мавжудлигини билмас эдик. Улар биз учун «йўқлик» ҳисобланар эди. Мана шунга «борлик ва йўқликни гносеологик тушуниш» дейилади.

Борлик воқеликнинг энг умумий, ички ва ташқи, моҳияти ва мазмунига алоқадор барча жиҳатларини акс эттирса, *мавжудлик* эса воқеликнинг ташқи, кўзга ташланадиган, шаклига алоқадор ва тажриба воситасида билиб олинадиган томонини ифодалайди. Борлик эса воқеликнинг чуқур моҳиятини ҳам қамраб олиб, ақл воситасидагина билиб олинади, дейилади. *Мавжудлик* сўзи лотинчада *ex(s)istentia* деб аталиб, бу сўз лотинча - *ex(s)isto* дан олинган бўлиб - мавжудман деган маънони англатади. Экзистенциализм – мавжудлик фалсафаси шу сўздан олинган. *Реаллик* эса борлиқнинг муайян объектда мавжуд бўлган мужассамлашган қисмини ифодалайди. Реаллик борлиқнинг айна пайтдаги мавжуд қисмидир.

Моддий ва ғоявий борлиқ. Атрофимизни ўраб турган дунё икки хил реалликдан ташкил топгандир. Объектив реаллик ва субъектив реаллик. Онгимиздан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган реаллик *объектив реаллик* дейилади. Бу тушунчани материалистлар материя тушунчаси билан айнан бир маънода ишлатишади. Реалликнинг инсон онги билан боғлиқ бўлган ва оннинг маҳсули ҳисобланган қисми *субъектив реаллик* дейилади. Объектив реаллик моддий борлиқ тушунчасига мос келса, субъектив реаллик эса борлиқнинг ғоявий шаклига мувофиқ келади. Материализм вакиллари

борлиқнинг ғоявий шакли моддий шаклининг махсули, деб ҳисоблашади. Идеализм вакиллари эса моддийлик ғоявийликнинг ижоди ёки ғоявийликнинг намоён бўлиш шаклидир.

Актуал ва потенциал борлиқ. Актуал борлиқ борлиқнинг айна пайтда ва шу жойдаги воқеликда намоён бўлиб турган ва шу воқелик билан алоқадорликдаги қисми. Бу объектив реаллик тушунчасига мос келади, чунки объектив реаллик борлиқнинг шу жойда берилган ва шу онда амал қилаётган қисмидир. Дунёнинг ҳамма томони бирдан берилган эмас. Биз борлиқнинг ҳозирги замонга тегишли қисми билангина алоқадамиз. Бу қисми ўтмишга айланиб, унинг ўрнини келажакдаги қисми эгаллайди. Ҳозирги замонда келгуси воқеликнинг куртаклари мужассамлашган бўлади. Актуал борлиқнинг ҳали воқеликка айланмаган ва келгусида воқеликка айланадиган муртак ҳолидаги қисми потенциал борлиқ дейилади. Потенциал борлиқ ҳали воқеликка айланишга улгурмаган, салоҳиётдаги актуал борлиқдир.

Реал ва виртуал борлиқ. Борлиқнинг биз учун мавжуд қисми реал борлиқ дейилади. Реал борлиқни нақд борлиқ ҳам дейиш мумкин. Аммо борлиқнинг шундай қисми ҳам борки, унинг бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Борлиқнинг бундай қисми эҳтимолий мазмунга эга. У ҳали реалликдан узоқда. Мана шундай мазмундаги борлиқ виртуал (лот. *virtuales* - эҳтимол) борлиқ дейилади.

Табиий ва ижтимоий борлиқ. Табиий борлиқ деганда одатда атрофимиздаги жисмоний нарсалар (жисмлар), жараёнлар, табиатнинг ҳолатлари назарда тутилади. Табиий борлиқ икки қисмга ажралади: биринчиси - азалий табиий борлиқ, яъни табиатнинг табиий борлиғи. У инсондан илгари инсоннинг иштирокисиз мавжуд бўлган. Буни *бирламчи табиат* деб ҳам аташади; иккинчиси - инсон иштироки билан вужудга келган нарсалар (жисмлар), ҳодиса ва жараёнларни ўз ичига олувчи хосилавий табиий борлиқ. Уни *иккиламчи табиат* деб ҳам аташ мумкин.

Иккиламчи табиат доирасида борлиқнинг қуйидаги кўринишларини кузатиш мумкин:

- инсон борлиғи - инсоннинг нарсалар дунёсидаги борлиғи ва махсус инсоний борлиқдан иборат;

- маънавий борлиқ - индивидуаллашган ва объективлашган (индивидуалликдан ташқаридаги) маънавий борлиқдан иборат;

- социал борлиқ - айрим одамнинг жамиятдаги ва тарих жараёнидаги борлиғи ҳамда жамиятнинг борлиғи - ижтимоий борлиқ.

Оламда нимаики мавжуд бўлса, уларнинг ҳаммаси биргаликда кенг маънода «*яхлит дунё*»ни ташкил этади ва уни баъзан «*ҳақиқий борлиқ*» деб ҳам аташади.

Форобий барча мавжуд нарсаларнинг йиғиндиси дунёни ташкил қилади, «хамма нарсанинг умумий жинси оламдир»⁷ ва «оламдан ташқарида ҳеч нима йўқдир»⁸ деб ҳисоблаган. Яхлит ҳолда бутун дунёнинг асосида нима ётади? Бу саволга жавоб беришда файласуфлар турли хил концепцияларда фикр юритишади. Бу жойда асосан уч хил муҳим концепцияни кўрсатиш мумкин. Уларга *монистик*, *дуалистик* ва *плюралистик* концепциялар киради.

3- Борлиққа ёндашувнинг асосий концепциялари

Монизм (юнон. *monos* - битта) концепцияси вакиллари дунёнинг асосида битта манба (битта субстанция) ётади деб ҳисоблашади. Материалистик монизм тарафдорлари бу манба моддий манбадир деб айтишса, идеалистик монизм тарафдорлари дунёнинг асосида битта ғоявий негиз, ғоявий, маънавий, илоҳий субстанция ётади дейишади.

Дуализм (лот. *dualis* - иккиланган) вакилларининг фикрича, дунёнинг асосида иккита мустақил негиз: ҳам моддий, ҳам ғоявий (маънавий, илоҳий) негиз ётади, деб ҳисоблашади. Арасту дуалист бўлган, унинг фикрича, дунёнинг асосида материя ва шакл ётади, материя пассив ва инерт негиз бўлса, шакл эса фаол, актив, яратувчан негиздир.

Плюрализм (лот. *pluralis* - кўпчилик) вакилларининг айтишича, борлиқнинг асосида кўплаб, бир-биридан мустақил моддий ва ғоявий негизлар ётади. Айрим плюралистлар моддий негизларга урғу беришади. Уларни материалистик плюрализм вакиллари дейиш мумкин. Масалан, қадимги хитой, қадимги ҳинд, қадимги юнон материалистлари борлиқ олов, сув, ҳаво ва тупроқдан ташкил топган дейишган. Бошқа йўналишдаги плюралистлар эса маънавий, ғоявий субстанцияларга устуворлик беришган (уларни идеалистик плюрализм вакиллари дейишади). Масалан, Мах ва Авенариус дунёнинг асосида ётувчи элементлар турли шаклдаги сезгилардан иборатдир, деб ҳисоблайди. Шунингдек, дунёнинг асосида кўплаб ҳам моддий, ҳам маънавий (бир хил даражада) элементлар ётади (Демокритда бу элементлар атомлар, Лейбницада ғоявий монадалар) деб ҳисобловчи плюралистлар ҳам бор.

4-Ҳаракат – борлиқнинг асосий мавжудлик усули

Борлиқнинг мавжудлиги ундаги ўзгаришлар билан белгиланади. Агар ўзгариш бўлмаса, борлиқнинг бор ёки йўқлиги номаълумлигича қоларди. Ҳар

⁷ Форобий. Рисола ат таҳсил ас саодат\| Хайруллаев М. Форобий. Т.,1963.60-б.

⁸ Ўша асар. 60 б.

қандай ўзгариш - ҳаракатдир. Ўзгаришлар на фақат моддий объектларга, балки маънавий, ғоявий объектларга ҳам хосдир. Ҳар қандай (моддий ёки ғоявий) объектнинг мавжудлиги ундаги ҳаракат ва ўзгаришлар туфайли намоён бўлади. Шу сабабли *ҳаракат борлиқнинг асосий мавжудлик усулидир*. Фалсафий адабиётларда моддий борлиқнинг қуйидаги ҳаракат шакллари ажратиб кўрсатилади: 1) моддий ҳаракатнинг энг содда шакли - *механик ҳаракат* (уни моддий нукталарнинг фазодаги силжиши деб таърифлашади); 2) *физик ҳаракат* (элементар зарчалар, атом ядроси ва атомнинг ҳаракатидан тортиб, оламнинг фундаментал кучлари, иссиқлик, электр ва майдон ҳаракатигача, ёруғликдан тортиб коинотнинг гравитация кучигача барчаси шу ҳаракат шаклига мансубдир); 3) *химиявий ҳаракат* (бунга молекулаларнинг ассоциацияси ва диссоциацияси, ионлар ҳаракати, модданинг музлаши ва кристалланиш жараёнлари, химиявий реакциялар, химиявий синтез ва парчаланиш, ёниш ва оксидланиш ва бошқа химиявий жараёнлар киради); 4) биологик ҳаракат (ҳаётий жараёнлар); 5) *социал (ёки ижтимоий) ҳаракат* (жамиятдаги ижтимоий жараёнларнинг намоён бўлиши). Булардан ташқари, инсон ақл-заковати ҳамда ахборот жараёнлари билан боғлиқ бўлган идеал, ғоявий, маънавий кўринишдаги ҳаракат шакллари ҳам мавжуддир.

Ҳаракатнинг энг содда шакли механик ҳаракат бўлиб, унинг манбаи ташқи таъсирда, ҳаракатнинг мураккаб шакллари унинг манбаи эса ички алоқадорликларда. Файласуфлар қадимдан ҳаракат ва унинг манбалари ҳақида хилма-хил концепцияларни илгари суриб келишади. Айрим файласуфлар ҳатто ҳаракатнинг мавжудлигини ҳам инкор этган. Иония мактабига мансуб файласуфлардан Элейлик Зенон ҳаракатнинг йўқлигини ўзининг «Ахилл ва тошбақа», «Дихатомия», «Учаётган камон ўқи» каби машҳур *апория* (юнон. *aporia* - иложсиз вазият)ларида ҳаракатнинг йўқлигини исботлашга уринган. Буни дастлаб, Арасту яхши тушуниб етди. Шарқ фалсафасида эса Фөробийнинг фалсафий рисолаларида бу муаммо яхши асослаб берилган. Янги давр фалсафасида Г.Хегел ҳаракатнинг моҳиятини формал мантиқ воситасида ифодалаш мумкин эмаслиги, уни фақатгина диалектик мантиқ доирасидагина асослаш мумкинлигини таъкидлаган.

5- Фазо ва вақт – борлиқнинг тузилиши сифатида

Борлиқ тузилишга эга, яъни у структурали. Борлиқнинг асосий тузилиши шакли (структуравий шакли) унинг фазо ва вақтда мавжудлиги билан изоҳланади.

Инсон ўзининг кундалик ҳаётида «масофа», «узунлик», «жой», «ўрни», «кўлами», «миқёси», «макони», «баладлиги», «эни», «бўйи», «балад», «паст», «юқори», «қуйи», «ичи», «ташқариси», «ўнг», «чап», «олди», «орқаси», «ўнги»,

«тескариси», «чуқур», «саёз», «туби», «юзаси», «сатхи», «ости», «усти», «ёни», «теварак атрофи», «яқин», «узоқ» сингари *фазога оид*, «лаҳза», «пайт», «давр», «замон», «фасл», «кеча», «бугун», «эртага», «индин», «ўтган пайт», «олдин», «ҳозир», «шу пайт», «шу он», «кейин», «энди», «ўтмиш», «келажак», «давомийлик», «эрта», «кеч», «азалийлик», «абადийлик», «мангулик» каби *вақтга оид* тушунчаларга дуч келади. Бу тушунчалар воқеа ва ҳодисаларга нисбатан қўлланилади. Фанда *ҳодиса* деб фазо ва вақт нуқтасига, яъни «шу он» ва «шу жой»га айтилади. Шу жиҳатдан дунё «шу жой» ва «шу он»лар мажмуасидан иборат. *Фазо* - вақтнинг муайян лаҳзасида бу дунёни ташкил этган нуқталарнинг ўзаро жойлашиш тартибини ифодаласа, *вақт* эса - фазонинг ҳар бир нуқтасида рўй берувчи ҳодисаларнинг кетма-кетлиги, давомийлиги тартибини ифодалайди⁹. Шу тарзда фазони вақт билан, вақтни фазо билан белгилаш мумкин.

Фазо ва вақт - борлиқнинг умумий яшаш шакллари бўлиб, фазо дунёни ташкил этувчи объектлар ва уларнинг таркибий нуқталарининг ўзаро жойлашиш тартиби, қўлами ва миқёсини ифода этади, вақт эса дунёда содир бўлувчи ҳодиса ва жараёнларнинг рўй бериш кетма-кетлиги тартиби ва давомийлигини ифодалайди. Ўзбек тилидаги адабиётларда араб тилидан кирган макон ва замон атамалари ҳам ишлатилади. Фазо ва вақтнинг табиати ва моҳияти ҳақида қадимдан файласуфлар хилма-хил нуқтаи назарларни илгари суриб келишади. Уларни умумлаштириб, икки йирик концепцияга ажратиш мумкин. Бу концепциялар *субстанциал* ва *реляцион* концепциялар деб аталади.

*Субстанциал концепция*да фазо ва вақтнинг абсолют жиҳатлари, реляцион концепцияда эса уларнинг нисбий жиҳатлари абсолютлаштирилади. Субстанциал концепция тарафдорлари (*Демокрит, Афлотун, Эроншаҳри, Закариё ар Розий, Беруний, Патриций, Кампанелла, Гассенди, Ньютон, Эйлер, Мопертюи ва бошқалар*) фикрича, фазо - материя ва моддий алоқадорликлардан ташқарида, уларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган мустақил субстанциядир; фазо - моддий объектлар учун жойлашиш макони, у абсолютдир. Вақт эса борлиққа, фазо ва ҳаракатга жиддий таъсир кўрсатади; вақт муносабатлари абсолютдир, яъни вақт ҳамма ҳисоб системаларида бир хилда ўтади. Фазо ва вақтни улар мустақил субстанция деб ҳисоблаганликлари туфайли бундай ёндашув *субстанциал концепция* деб фанга кирган.

Реляцион концепция вакиллари (*Арасту, Августин, ал-Киндий, Ибн Сино, Носири Хисров, Фахриддин Розий, Насриддин Тусий, Декарт, Лейбниц, Толанд, Бошкович, Юм, Фихте, Кант, Хегел*)нинг фикрича, фазо - моддий дунёнинг таркибий тузилиши тартибининг намоён бўлиши, жисмларнинг ўзаро жойлашиш

⁹ Тураев Б.О. Пространство. Время. Развитие. Т.: Фан, 1992. 20-29-б.

Ўринлари ва моддий нарсаларнинг мавжудлиги тартибини ифодалайди. Фазо - жузъий ҳолда ҳам, умумий ҳолда ҳам моддий дунёнинг ҳолатига боғлиқдир; материя фазонинг мавжудлиги учун асосий воситадир; фазо - нисбийдир. Вақт эса материянинг атрибути (ажралмас хусусияти), у материядан ташқарида мавжуд бўлиши мумкин эмас, вақт муносабатлари нисбийдир, вақтнинг давомийлиги моддий объектларнинг ўзаро алоқадорлигига, ҳисоб системасига боғлиқдир. Ҳозирги замонда борлиқнинг турли ташкилий структура даражаларига алоқадор бўлган физик, химиявий, геологик, биологик, физиологик, ижтимоий (социологик), психологик фазо ва вақт ҳақидаги концепциялар ҳам яратилмоқда. Бундай концепцияларда оламнинг тузилиши жиҳатдан хилма-хиллиги ва бирлиги, кўп қирралилиги ва чексизлиги, мураккаблиги ва ниҳоясизлиги асосланмоқда. XX аср охири ва XIX асрнинг бошларида назарий физика, топология, чизиқли алгебра, квант физикаси, қора туйнуклар физикаси, релятивистик космология фанларининг ривожланиши фазо ва вақт ҳақидаги тасаввурларни жиддий ўзгартирди. Айниқса, концептуал фазо (вақт)ни информацион технология воситаларида моделлаштириш йўллари осонлашгач, фазо ва вақтнинг турли-туман моделларини тадқиқ этиш имкониятига кенг йўл очилди. Бу тадқиқотлар оламдаги ягона, энг умумий, универсал ва фундаментал алоқадорлик - бу фазо - вақт алоқадорлигидир деб ҳулоса чиқаришга тўлиқ асос берди.

6-. Материя (модда) фалсафа ва табиётшуносликнинг категорияси сифатида

Кишилар дастлаб воқеликнинг моддий шакллариغا дуч келдилар. Илк материализм тарафдорлари оламда ҳамма нарсанинг бошида турган ва ҳамма нарсаларни келтириб чиқарган, ҳамма нарсанинг таркибига кирувчи бош сабаб «праматерия»ни, яъни материянинг бобокалонини излашган. Р.Декартнинг фикрича, бундай «праматерия» ролини эфир эгаллайди. Шарқ фалсафасида материя дунёнинг асосида ётувчи моддий сабаб, илоҳий сабабнинг ҳосиласи сифатида қаралади. Ал-Киндий фикрича материя Аллоҳнинг амри билан йўқдан бунёд бўлган¹⁰. Форобий, Ибн Сино, Тусий ва бошқалар материяни ҳар доим бўлган (дахр - мангу) деб ҳисоблаган. Ислом фалсафасида мангулик сифати фақатгина Аллоҳгагина хос сифатдир деб ҳисобланади. Жисм, модда ўткинчидир. Бир пайт пайдо бўлади ва бошқа пайтда йўқолади. Руҳ яратилган, аммо у абадий яшайди деб талқин этилади. Шу сабабли ислом фалсафасида материянинг мангулигини исботлашга уринувчи файласуфларни дахрийлар

¹⁰ Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока . М., 1961. 47-6.

(дахр - мангулик) деб аташган.

Материя моддий объектларни бирлаштирувчи тушунча. Хусусан олинганда материянинг ўзи йўқ, балки дунёда материянинг айрим предмет ёки бирор конкрет буюм шаклидаги кўринишлари учрайди. Материя эса материянинг ҳамма конкрет кўринишларига хос бўлган барча универсал хусусиятларини акс эттирувчи умумий тушунчадир. Бу дунёда «умуман одам» бўлмасдан, айрим одамлар учрашига ўхшаш фикрдир. Умуман одам - бу айрим одамларга хос умумий белгиларни акс эттирувчи абстракциядир. Шунга ўхшаш материя тушунчаси ҳам абстракциядир. У мавжуд бўлган бутун объектив реалликни қамраб олувчи фалсафий категориядир. Материя онгдан мустақил равишда ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлади. *Материянинг фалсафий тушунчаси барча нарсалар воқелиги, моддий воқеликни ўзига қамраб олувчи, ялпи умумийлик (универсаллик) белгиларига эгаллик қилувчи, бутун объектив реалликни ифодаловчи категориядир.*

Материя тўғрисидаги фалсафий таълимотнинг асосий томонлари куйидагилардан иборатдир:

- материя категориясининг универсаллигини, ялпи умумийлигини тан олиш;
- материя категориясининг фалсафий абстракция эканлигини тан олиш;
- материя ва моддий системаларнинг объективлигини тан олиш;
- материянинг ривожланишини ва моддий системаларнинг эволюциясини тан олиш;
- материя ва моддий системаларнинг ниҳоясизлигини, битмас-туганмаслигини, чексизлигини тан олиш.

Материя ва моддий объектлар хилма-хил кўринишларда ва шаклларда учрайди. Моддий системалар тузилишга эга, яъни у структурали - турли хил структуравий элементлардан ташкил топган бўлади. Бундай элементлар ва улардан ташкил топган моддий объектлар ривожланишга эгадир.

Материя ва моддий системалар, объектив дунёнинг тузилиши хусусиятларига кўра, турли хил структуравий даражалардан ташкил топган бўлади. Бундай даражаларни моддий системаларнинг ташкилий тузилиши ва миқёсий тузилишига қараб: а) *ташкилий-структура* даражалари ва б) *миқёсий-структура* даражаларига ажратиш мумкин.

Материянинг ташкилий-структура даражалари. Материянинг ташкилий-структура даражалари моддий системаларнинг ташкилий жиҳатдан уюшганлиги ва фаоллигига қараб бир-биридан фарқ қилади. Бу даражалар фазо-вақт структурасининг сифатий хусусиятлари билан ажралиб туради. Улар: *ноорганик* даража («*нотирик табиат*»), *органик* даража («*тирик табиат*») ва *социал* даража («*жамият*») деб аталади. Сифатий жиҳатдан энг куйи даражада уюшган

ва энг пассив (инерт) даража *ноорганик* даражадир. Бу даражада атом ядроси, ядро, атом ва молекулалар мажмуаси, молекуляр бирикмалар, жисмлар, ер шари, осмон жисмлари, Қуёш системаси ва бошқа планетар системалар, юлдузлар тўпи, Галлактика, метagalactика ва коинотнинг куйи даражада уюшган фазо-вақт алоқадорликлари намоён бўлади. Бунга нисбатан уюшганроқ ва фаолроқ фазо-вақт системаси *органик* даража дейилади. Унга органик молекуляр системалар, тирик организмларнинг хилма-хил кўринишлари, бир хужайрали сув ўтлари ва содда жониворлардан тортиб, мураккаб тузилган умиртқалиларгача, содда ҳайвонлардан то маймунлар ва одамларгача киради.

Одамлардан ташкил топган турли мураккабликдаги ижтимоий системалар *социал* даражага мансубдир. Бу даражада онгга, фикрга эга бўлган инсонлар фаолият кўрсатганлиги сабабли у энг уюшган ва фаол даража ҳисобланади. Юқорида айтилган ташкилий-структура (тузилиш) даражалари бир-биридан моддий алоқадорликлар сифати ва миқдорига кўра, унда етакчилик қилувчи ҳаракат шаклига кўра бир-биридан фарқ қилади. Масалан, ноорганик даражада механик, физик, химиявий ва геологик ҳаракат шакллари фаолият кўрсатса, органик даражада юқоридаги ҳаракат шаклларига биологик ҳаракат қўшилади ва у мазкур даражада етакчилик қилади, социал даражада яна бир ҳаракат шакли ижтимоий ҳаракат фаолият кўрсатиб, у ушбу даражада етакчилик қилади¹¹.

Материянинг миқёсий-структура даражалари. Бу моддий системаларнинг бир-биридан мазкур системада ҳукмронлик қилувчи фундаментал кучлар билан фарқ қилувчи даражалардир. Улар: *микродунё, макродунё ва мегадунё* дейилади.

*Микродунёда кучли ва кучсиз ядровий ўзаротаъсир кучлари ҳукмронлик қилади*¹². Бу кучларнинг таъсир доираси атом ядроси ва атом ўлчови билан чегаралангандир. Кучли ядровий ўзаротаъсирлар атом ядросининг таркибий қисмлари бўлган протон ва нейтронларнинг яхлитлигини, кучсиз ядровий ўзаротаъсир кучлари эса атом структурасининг яхлитлигини таъминлайди. Бу кучлар туфайли микродунё ўзининг структуравий яхлитлигини сақлайди. *Макродунёнинг структуравий яхлитлиги эса электромагнит ўзаротаъсирлари билан сақланади.* Электромагнит ўзаротаъсир кучлари атомлар ва молекуляр бирикмаларнинг, моддий жисмларнинг структуравий яхлитлигини таъминлайди. Шу куч туфайли Ерда ҳаёт мавжуд, ёруғлик мавжуд. *Мегадунё - бу гравитацион ўзаротаъсирлар кучи билан чегараланган энг катта моддий объект - коинотдир.* Ер шари ва унинг атрофида Ойнинг айланиши, сайёраларнинг Қуёш атрофида айланишини таъминловчи, Галлактикамизнинг муайян тузилишга эгаллигига, бутун Коинотнинг фазо-вақт структураси тартибининг мавжудлигига

¹¹Каримов Б.Р., Тураев Б.О. Развитие форм пространства и времени. Т.: Фан, 1992. С.14.

¹² Тураев Б.О. Пространство. Время. Развитие. Т.: Фан, 1992. С.47.

гравитацион ўзаротаъсир кучлари масъулдир. Бу кучлар бўлмаганда эди дунёдаги ҳозирги тартиб ва муносабатлар ҳам бўлмаган, микро-, макро- ва мегадунёлар ҳам шаклланмаган бўлар эди.

Хуллас, материя ва моддий объектларнинг структуравий яхлитликка эга бўлишида ҳаракат ва фазо-вақт шаклларининг, уларнинг асосида ётувчи ўзароалоқадорлик кучларининг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги замон табиётшунослик фанлари оламнинг тузилишининг ўта мураккаблигини, дунёнинг хилма-хиллигини таъкидлаш билан бир қаторда, объектив дунёдаги моддий объектларнинг ҳам хилма-хиллигини, турлича кўринишларда учрашини исботламоқда. Ҳозирги пайтда материянинг моддасимон ва номоддасимон кўринишларининг мавжудлиги аниқланган¹³. Объектив реалликнинг бутун бизга кўринадиган қисмидаги Коинот қаъридан тортиб, то митти элементар заррачалар ва антизаррачаларгача (электронлар, позитронлар, протонлар, антипротонлар, нейтронлар ва ҳакозо) материянинг моддасимон кўринишига мансубдир. Электрон ва протон модда ҳисобланса, позитрон ва антипротон антимодда ҳисобланади. Ҳамма заррачалар - модда, ҳамма антизаррачалар - антимоддадир. Материянинг номоддасимон кўринишига турли хил физик майдон ва нурланишлар киради. Модда билан антимодда тўқнашганда материянинг аннигиляция (лот. *annihilatio* - йўқолиши, ҳеч нимага айланиши) ҳодисаси содир бўлади, яъни материя моддасимон кўринишдан номодда кўринишига – майдон ва нурланишга айланади. Физик вакуумдаги электромагнит майдонини муайян интенсивликдаги нурланишлар билан бомбардимон қилинганда мазкур вакуумда заррача ва антизаррачалар ҳосил бўлади, яъни материянинг майдон кўриниши модда кўринишига айланади. Бу ҳодисаларнинг моҳиятини механистик дунёқараш асосида изоҳлашнинг иложи йўқ, бунинг учун янгича логика ва диалектик дунёқараш лозим бўлади.

Назорат саволлари

1. Онтология нимани ўрганади?
2. Нима учун «борлик» фалсафанинг асосий категорияси ҳисобланади?
3. Фалсафа тарихида борлик муаммоси қандай ечилган?
4. Борликнинг асосий шакллари қайсилар?
5. Виртула борликва гуманизм муаммоси?
6. Борлик муаммосининг фалсафий маъноси.
7. Антик фалсафада борлик тушунчаси.
8. Форобий борликни қандай тушунган?
9. Ижтимоий борлик ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
10. Ҳозирги даврда борлик муаммосига турли ёндошувлар.

¹³ Физический энциклопедический словарь. М.,1984. 23-24, 29-б.

4-МАЪРУЗА: АНАЛИТИК ФАЛСАФАНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Аналитик фалсафа (Англо-саксон фалсафаси, Англо-Америка фалсафаси) - XX аср фалсафий тафаккуридаги йўналиш бўлиб, асосан инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда ривожланади ва кўплаб турли тушунча ва мактабларни бирлаштиради. Аналитик фалсафа учун қуйидаги фикрлар кенг тарқалган: лингвистик бурилиш-фалсафий муаммолар тил соҳасида ётади, шунинг учун уларнинг ечими тил ифодаларини таҳлил қилиш билан боғлиқ; семантик диққат-маъно муаммоларига қаратилган; аналитик усул-фалсафий акс эттиришнинг бошқа барча турларига таҳлил қилиш афзал.

Ҳозирги замон фалсафаси бу XX аср ва XXI аср бошларида мавжуд бўлган фалсафий таълимотлар ва уларнинг хил-хил кўринишлари билан ифодаланади XX аср Европа фалсафаси ўша даврнинг иқтисодий сиёсий, социал, мафкуравий, илмий-техникавий ўзгаришларининг таъсири остида ривожланган.

Фалсафа табиий равишда социал эҳтиёжлар, манфаатлар, мақсадлар ва давлат буюртмаларини қондирилишига кўмакдош бўлган, XX аср Европа фалсафаси хилма-хил йўналишларга эга бўлган, уларни жамиятни маънавий ҳаётига таъсир этиши ҳам ижобий, ҳам салбий, ҳам реакцион, ҳам прогрессив, антимистик ва пессимистик руҳда бўлган, XX аср биринчи ярмида Европада содир бўлган жаҳон урушлари, ижтимоий силкинишлар ва бошқа сиёсий ҳодисалар инсонларни келажакка бўлган муносабатларини, ўзгартириб юборди. Маълум маънода Европа халқлари маънавий тушкунлик ҳолатига, тушиб қолдилар. Баъзи фалсафий таълимотлар инсонларни тушкунлик ҳолатидан чиқаришларга ҳаракат қилдилар. Инсонларда келажакка умид учкунларини, пайдо қилишга уринишлар бўлди XX аср Европа фалсафаси ўша даврда ҳукумрон мафкуравий ғояларни илмий асослигига ва амалда тадбиқ этилишига хизмат қилган. Европада ҳукумрон бўлган фашизм мафкураси, коммунистик мафкура ва ирқчилик ғоялари, билан суғорилган, баъзи, ўта реакцион диний, мафкуралари фалсафа хизмат қилди, уни апологетларига айланди.

XX асрда фалсафий фикр тараққиётининг асосий хусусиятлари нималарда намоён бўлди.

Биринчидан, фалсафий фикр муайян мафкурага хизмат қилганлигида. Фалсафани ўта идеологиялашуви ва сиёсийлашувига олиб келганлигида. Бунинг асосий сабаби икки система социалистик лагер билан капиталистик лагер ўртасидаги совуқ уруш фикримизни далили бўла олади, Иккинчидан, фалсафа икки жаҳон уруши туфайли келиб чиқаан фандаги, техникадаги ва ҳарбий саноатдаги жадал суратлардаги ўзгаришларга ҳозир жавоб бўлолмаганлигида. Яъни классик фалсафа эскириб қолган. Дунёни ʼилмий манзараси орқали

тушунтира олмади,

Учинчидан., XX аср Европа фалсафий фикрида классик ва ноклассик фалсафалар ўртасида тафовут ва кураш вужудга келган. Кураш фалсафанинг абадий муаммоларига бўлган муносабатдан уни эскича ва янгича ҳал этиш фикрлаш услуби ҳаётда борди.

Классик фалсафа инсон ақлига ишонч билдирган ҳолда муносабат билдирди. Ноклассик фалсафа бўйича шубҳа., билан қаради.

Натижада фалсафада рационализм ва иррационализм йўналишлари келиб чиқди.

Тўртинчидан, классик фалсафа турли ғоявий тизимларга бўлинишига қарамай муҳим муаммоларни ҳал этишда маълум бир умумийлик мавжуд. Хозирги замон фалсафасида хилма-хил мустақил оқимлар мавжуд бўлиб, улар асосан табиатшунослик ва гуманитар фанларга интеграциялашиш тенденцияси мавжуд.

Бешинчидан, хозирги замон фалсафий таълимотларини нисбатан икки йўналишга бўлиш улардан биринчиси стептизм, яъни фан ёрдамида инсониятни барча муаммоларини ҳал этиш мумкин деб эътироф этувчи қарашлар.

Фан ижобий ҳодисани Сциентизм ғоялари тюзивизм фалсафаси, технологик теоризм, фан методологияси, каби таълимотларда ўз аксини топган. Иккинчиси антисцептизм аксинча фанни салоҳиятлигини эътироф этган ҳолда унга пессимистик муносабат билдирган. Буларга экзистенциализм., франкфурт мактаби., неотомизм, персонализм фалсафалари дахлдордир0, Умуман олганда XX аср фалсафасида., бир-бирига муқобил бўлган йўналишлар рационализм ва иррационализм, идеализм ва материализм ўртасидаги кураш ва муайян фалсафани яқка ҳокимликка интилиши характерли белгиси бўлиб ҳисобланган.,

Экзистенциализм (яшаш фалсафаси маъносида) хозирги замон философиясининг асосий оқимларидан бири ҳисобланади.

Экзистенциализм ва фундаментал онтология XX асрнинг 30-йилларига келиб ҳаёт фалсафаси аста-секинлик билан йўқолиб, ўз ўрнини экзистенциализмга бўшатиб беради. Бу энди ҳаёт фалсафасига қараганда анча кучлироқ фалсафа бўлиб, унда дунёда яшаётган инсон турмушининг хилма - хил томонлари баён этилади. Экзистенциалистлар ҳаёт фалсафасини психологизмлар билан тўлиб - тошган деб ҳисоблайдилар. Экзистенция сўнги лотин тилида сўзма-сўз олганда, «мавжудлик» деган маънони англатади. Мана шу мавжудликнинг ўзи эса экзистенциализмда субъект билан объектнинг бевосита бирикиб, бирлашиб кетиши тарзида тушунилади. Бунда субъектнинг бошқалар учун очиклиги, ўзгаларнинг у учун очиклиги, уларнинг бир-бирига ўтиши бу жараённинг бир бутунлиги мавжудлик моҳиятини ташкил этади. Экзистенциализмнинг диний вариантида (Ясперс, Марсель) ушбу ўзга нарса Худодир, озод шахс мана шу худога томон ҳаракат қилиб бораверади. Экзистенциализмнинг атеистик вариантида (Сартр,

Камю) ўзга объект ҳеч нарса сифатида, талқин этилади. Бунинг маъноси шуки, одам ўз озодлигини амалга ошириб ўзини-ўзи тўсатдан яратади. Одам тубсиз оқибатлар силсиласига дуч келади, энди у мазкур силсиладан ўз йўлини танлаб олиши керак бўлади. Мана шу йўлни танлаб амалга ошириш жараёнида у ўз эркинлигини топади. Ушбу танлов учун у энг аввало ўз-ўзи олдида масъулдир. Бу жуда оғир масъулият. У ўзи ўзлигини яратиши билан, ўзгаларни, бора-бора бутун дунёни кашф этади. Инсон ўзининг чинакам мавжудлиги ҳолатида у муттасил келажак рўпарасида, шу жумладан, ўлим қаршисида, ўз қилмишлари учун жавобгарлик вазиятида туради. Экзистенция худди кўрқув, экзистенционал даҳшат, ташвишли кутиш сингари намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда бунда худди чегарадаги экзистенционал вазиятга ўхшаган ҳолат содир бўлади. Бундай ҳолатда, Камю фикри билан айтганда, асосий фалсафий масала - бу ўз-ўзини ўлдириш масаласи ҳисобланади. Яшаш кўрқинчли, зерикарли, ҳам бемаъни бўлган бир шароитда яшаш керакми ёки йўқми? Экзистенциализм – бу онтология, борлик, мавжудлик ҳақидаги таълимот. Экзистенциалист учун одамнинг дунёда мавжудлиги муҳим ҳисобланиб, табиатнинг мустақил равишда мавжудлиги тўғрисидаги масала эса уни унчалик қизиқтирмайди. Табиат инсонга азал-азалдан ато этилган. Бунда дастлабки реаллик яхлит бўлиб, у субъект ва объектларга бўлинмайди. Фан дунёни объект ва субъектга ажратади. Шу сабабли фан уларнинг борлигини ифодалаб беришга қодир эмас. Бунга эса фақат экзистенциянинг алоҳида акти - ҳаракати орқали эришилади. Экзистенция – бу шунчаки бир ҳис-ҳаяжон эмас, балки оламда мавжудлик ҳис-ҳаяжонидир. Экзистенцияда инсоннинг озод эканлиги юқорида таъкидлаб ўтилган эди. Озод эркин бўлиш, бу ўзинг ўзинг билан бўлишлигинг, бегона кишиларнинг таъсиридан ҳалос бўлишдир.

Назорат саволлари

1. Аналитик фалсафага қадар қайси фалсафа кучли мавқега эга эди?
2. Аналитик методга изох беринг.
3. Кимнинг асосчиси асарларини аналитик фалсафанинг манбаи деб ҳисоблаш мумкин?
4. “Мантиқий атомизм” назарияси кимга тегишли?
5. Б. Рассел ибораларнинг неча хилини ажаратади?
6. "Муаммони ҳал қилишнинг Расселча усули" таърифини қандай тушунасиш?
7. Фактнинг асосий хусусиятин айтиш?
8. Г. Фреге ва Б. Рассел ғоялари ўртасида зиддият нимада кўринади?
9. Лингвистик таҳлил фалсафаси нимадан иборат?
10. Л.Витгенштейн таълимотининг ўзига хослиги нимада?

5-МАЪРУЗА. АНАЛИТИК ФАЛСАФАНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ. АНАЛИТИК ЭПИСТЕМОЛОГИЯ.

Фалсафанинг ноқлассик ривожланиш босқичи ўз ичига нафақат унинг илмийликка кўра йўналтирилган фалсафани (масалан, ҳаёт фалсафаси ва экзистенциализм) олади. Фан эришган ғоят улкан ютуқлар, айниқса, XX аср бошларида математика ва физикадаги муваффақиятлар файласуфлар эътиборини ўзига тортди. Немис математиги Готтлоб Фреге мантиқ фани воситалари билан математикани такомиллаштиришга интилган жуда кўп тадқиқотчилардан бири эди. Фреге айниқса ҳар хил, яъни зиддиятли соғлом ақлга зид бўлган фикрларга бой математик исбот соҳасини мукаммаллаштириш устида кўп ишларди, лекин ўз ёндашувларида битта ғоят муҳим ўзига хос хусусият бўлган: унинг интуициясига мувофиқ, мантиқ фанининг ўзини янада ривожлантириш зарур бўлган. У жуда кўп сонли камчиликлари бўлган табиий тилнинг ўрнига уни муносиб даражада алмаштирадиган бир тилни-формаллаштирилган тилни яратиш керак, деган фикр билан чиққан. Фрегенинг фикрича, ўша вақтдаги формал мантиқ билан табиий тил бир хил камчиликка эга бўлган-яъни улардаги барча тузилган гаплар субъект-предикат шаклига эга бўлган. Субъект ва предикатга ажратиш фақат «Эргаш ухляпти» каби энг содда гапларгагина тўғри келади. Бу ерда «Эргаш»-субъект, «ухляпти» эса-предикат. Лекин бироз мураккаброқ бўлган, масалан, «Эргаш Лола билан ўйнапти» деган гапни олиб кўрадиган бўлсак, уни субъект ва предикат қисмларга ажратиш қийинроқ кечади. Ахир бу ерда Эргаш ҳам, Лола ҳам бир хил даражага эга бўлиб, уларнинг ҳар иккаласини ҳам субъект деб аташ мумкин. Бундай ҳолатдан чиқиш йўлини Фреге аргумент билан функцияни бир-биридан фарқ қила билишда кўрган. «Эргаш» ва «Лола» - булар аргумент ифодалари, «билан ўйнапти» эса-функцияни ифодалайди. Мазкур мисолда «билан ўйнапти» биринчи тартибдаги функционал ифода ҳисобланади. Фреге яна ўзгарувчи иккинчи тартибдаги функционал ифодани ҳам истемолга киритади. Мантиққа киритишни талаб қилувчи «ҳамма», «ҳеч ким», «баъзи бир» сингари сўзлардан иборат Фреге ихтиролари мантиқни анча ўзгартириб юборади. У фақат математикага ва формаллашган тарздаги турли тилларгагина эмас, балки табиий тилларга ҳам, бинобарин, фалсафага ҳам кириб борди. < > Англиялик мантиқшунос, математик, файласуф Бертран Рассел янги мантиқ илгаригига қараганда яқуний фалсафий ҳақиқатларга келишда, реалликнинг асосий элементлари табиатини аниқлашда энг қулай дастак эканлигига ишонч билан қараган. Бу билан у идеалистлар (Лейбниц., Гегель) қарашларидан анча илгарилаб кетди. Рассел бунда учта ғояга амал қилган. Биринчидан, соғлом фалсафанинг ўзи мантиқ ҳисобланади, чунки у рост ёки ёлғон бўлиши мумкин бўлган фикрни тушунтиришдан бошланади. Бу эса мантиқнинг вазифасидир. Иккинчидан, биз энг ишончли билимга энг аввало ҳис-туйғулар

орқали эга бўламиз. Реалликнинг энг кичик элементлари редукциялаш сохта таассуротлардан сақлайди. Учинчидан, бунда фикр мазмунини унинг дастлабки моҳиятидан келтириб чиқарилади. Бирор термин билан ифодалаб бўлмайдиган атаманинг предметлиги Рассел учун фалсафа фанига, яъни кишининг бошини айлантириб ташлайдиган эски метафизикага мутлақо ўхшамайдиган фан билан мувофиқ келади. Кембрижлик файласуф Людвиг Витгенштейннинг «Мантиқий-фалсафий трактат» деган китоби аналитик фалсафа ривожланиши биринчи босқичининг кульминацион нуқтаси бўлди. Ушбу китоб 1921 йилда Германияда, 1922 йилда Англияда, 1958 йилда Россияда босилиб чиққан. Витгенштейн Расселга қараганда кўпроқ даражада қатъият билан ўз диққат-эътиборини тилга қаратди. Фикр тилда ифодаланади, демак, айнан мана шу тил тафаккурнинг чегараси ҳисобланади. Фақат барча табиий фанлар орқали баён этиладиган биргина олам-фактлар олами, воқеалар олами мавжуд. Гап – бу олам манзарасидир. У олам билан бир ҳил мантиқий шаклга эга. Башарти олам мантиқсиз бўлганда эди, уни гап шаклида тасаввур қилиб бўлмас эди. Гапнинг маъносини фактлар ифода этади. Барча гаплар элементар гапларнинг умумлашмаси ҳисобланади. Бу гаплар моделлар сифатида бевосита фактларга мувофиқлашади. Демак, «умуман айтиш мумкин бўлган гапни аниқ қилиб айтиш ҳам мумкин». қолган бошқа ҳамма нарсалар тўғрисида, масалан, мистик нарсалар тўғрисида, яхшиси-индамаслик керак. Шунинг учун индамаслик керакки, мистик фикрларни, худди этик фикрлар сингари яққол - мантиқан аниқ ифодалаб бўлмайди. Бундай айтилган фикрларнинг рост ёки ёлғонлигини текшириб ҳам бўлмайди. Агар кимдир бирор жойи оғриётганини айтса, ўша кишининг ўзидан бошқа ҳеч ким ушбу оғриқнинг ҳақиқийлигини исботлаб бера олмайди. Фалсафа илмий таърифлар, гаплардан иборат эмас, чунки у фандан фарқли ўлароқ фактлар билан ишламайди. Бинобарин, фалсафий гаплар рост ҳам эмас ва ёлғон ҳам эмас: улар маъносиздирлар. Фалсафанинг мақсади фикрларнинг фалсафий гаплар тузишдан иборат эмас, балки фикрларнинг мантиқий маносини тушунтириб беришдан иборат. Шунинг учун ҳам фалсафа бу таълимот эмас, балки фаолиятдир. Шундай қилиб, мантиқий-лингвистик аҳамиятлилик аналитик фалсафанинг биринчи босқичи учун характерли хусусият, ўзига хос бурилиш нуқтасидир. Шунингдек у қатъий мантиқий лингвистик синонга дуч келган фалсафа статусини қайтадан кўриб чиқадиган босқичдир. Бунга кўра эски фалсафий тизимларнинг тўғри эканлиги шубҳа остида қолади. Фалсафа ё фан сифатида тушунилади (Рассел), ёки фанга кириш йўли, фикрларни аниқлаштириш бўйича олиб бориладиган бир фаолият деб қаралди. (Витгенштейннинг дастлабки қарашлари.) Неопозитивизм Агар аналитик йўналиш оёққа турган жой Рассел ва Витгенштейнлар иш олиб борган Англия деб ҳақли равишда ҳисоблаш мумкин бўлса, кейинчалик унинг ҳаракат маркази Вена

ва Берлинга кўчади. «Файласуфларнинг Венадаги тўғарагига» М.Шлик, Ф.Франк, О.Нейрат, Р.Карнап, К.Гегель кирганлар. Берлиндаги «Илмий фалсафа жамиятини» Г.Рейхенбах ва К.Гемпель сингари биринчи даражали файласуфлар гуллантишган. Мана шу иккала гуруҳ вакиллари ўзаро келишилган фалсафий позицияда турмаган бўлсалар - да, барибир уларнинг барчасини дунёни математика, мантиқ ва физика фанлари ютуқлари асосида илмий англаш манфаатлари бирлаштириб турган. Айниқса, Витгенштейннинг «Мантикий-фалсафий трактати»га кўп этибор берилган эди. Иккинчи жаҳон уруши минтақадаги файласуфларнинг мутлақ кўпчилигини АҚШга эмиграция қилинишига мажбур этди. Бу ерда улар ўз ишларини ғоят самарали тарзда давом эттирдилар. Эмиграция аналитик фалсафани англосаксон қадриятига айланиб кетишига сабабчи бўлди. Энди мантикий позитивизмнинг асосий ғояларини кўриб чиқамиз. Улар метафизикани фалсафанинг дастлабки принциплари тўғрисидаги таълимот сифатида рад этдилар. Вена тўғарагининг вакиллари метафизиканинг аҳамиятини инкор этадилар. Чунончи, Карнап метафизиканинг хизматини тилни мантикий таҳлил қилиш натижасида фанлар бажара оладилар деб ҳисоблаган. Бир томондан, мантикий позитивистлар Витгенштейн томонидан олға сурилган фалсафий гапларни маъносиз гаплар сифатида тушуниш лозим деган фикрига таянсалар, бошқа томондан - улар XIX аср позитивизм анъаналарини, энг аввало француз олими О.Конт ва австрия олими Э.Махларнинг анъанасини давом эттирадилар. Позитивизм ўзини ижобий таълимот, яъни фан сифатида тан олиншини талаб қилади. Воқеликнинг ҳар бир соҳаси муайян бир фан орқали ўрганилади. ўз кучини ишга солиш учун метафизика майдоннинг ўзи қолмайди. Гапларни аналитик ва синтетик гапларга бўлиш фанни неопозитив тарзда тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Аналитик гап-бу шундай гапки, унинг ҳаққонийлиги унинг ўз мазмунидан келиб чиққан ҳолда белгиланади, синтетик гапда эса биз уни кўрмаймиз. Аналитик гапларга мисоллар келтирамиз: «Квадратнинг барча бурчаклари тўғри бурчаклидир», «Тўғри бурчак қаршисида тенг томонлар ётади, бурчак ва томонлар мос келади». Таъриф бўйича квадратдаги барча бурчаклар тўғри бурчак, жисмлар эса аллақандай чўзилган ҳолатни эслатади. Синтетик мазмундаги гапга мисоллар келтирамиз: «Стул устида китоб ётибди», «Талабалар кулишни яхши кўришади». Таърифга кўра стул, унда китоб ётиши албатта шарт бўлган аллақандай бир нарса ҳисобланмайди. Синтетик гапларнинг ҳақиқийлиги эмпирик йўллар билан аниқланади. Неопозитивистлар фандаги барча гаплар ё аналитик гаплар ёхуд синтетик гаплар бўлади, деб ҳисоблайдилар. Аналитик гаплар априор - яъни азалдан маълум гаплар бўлиб, улар мантиқан зарур бўлади, синтетик гаплар эса - эмпирик гаплар бўлиб, улар мантиқан олганда зарур бўлмайди. Шунга мувофиқ барча фанларни экспериментал (физика, кимё,

психология, тарих, социология) ҳамда ноэкспериментал (мантиқ ва математика) фанларга ажратиш мумкин. Фалсафанинг гаплари аналитик гаплар ҳам эмас, ва синтетик гаплар ҳам эмас, улар уларнинг фикрича маъносиздир. Айтайлик, мен куйидаги фалсафий бир гапни қараб чиқаётган бўлай: «Материя бирламчи, онг иккиламчидир». Материя тушунчасидан онгни чиқариб ташлаб бўлмайди, шунинг учун бизнинг гапимиз аналитик гап ҳисобланмайди. Айтиб бир вақтда мен экспериментал тарзда материя билан ишлай олмайман, бинобарин бизнинг гапимизни эмпирик тарзда текшириб бўлмайди, яъни у синтетик гап ҳисобланади. Шундай қилиб, қараб чиқиладиган фалсафий гап маъносиз гап бўлиб чиқади. Неопозитивистларнинг танқидчилари, айниқса, америкалик файласуф Куайн, уларнинг аналитик ва синтетик гапларни бир-бирдан ажратилишини абсолютлаштиришда айблайди. Ҳақиқатда эса уларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқ эканлигини ҳисобга олиш лозим. Бунинг маъноси шуки, эксперимент вақтида умуман, назария, шу жумладан, аналитик гапларнинг ҳаққонийлиги текшириб чиқилади, уларни ҳам худди фалсафий гапларни текширгандай текшириб чиқилади: Агар фалсафий гаплар ҳақиқатдан ҳам фойдали бўлса, у ҳолда улар ҳақиқий, яъни ҳақиқатни ифодалаган гаплар ҳисобланади. Куайннинг танқидини кўпчилик неопозитивистлар тан олиб, уни қўллабқувватлайдилар. Бироқ файласуф Карнап унга қарши эътироз билдириб, кўп ҳолларда гапларнинг аналитик ва синтетик гапларга бўлиниши сақланиб қолади, деб тасдиқлайди. Масалан, сунъий тилларни конструкция қилиш вақтида фақат аналитик гаплар билан ишлаш асосий вазифа ҳисобланади.

Эпистемология – луғавий маъноси: грекча “илмий билим, фан”, “ишончли билим”. У фалсафанинг шундай соҳасики, унда билим табиати ва имкониятлари, чегараси ва ишончлилик шартлари таҳлил қилинади. 1832 йилдан илмий атама сифатида қўлланила бошлаган.

Классик ва ноклассик эпистемология фарқланади.

Классик эпистемологиянинг ўзига хосликлари

- 1) танқидийлик -критицизм;
- 2) фундаментализм ва нормативизм;
- 3) субъектни марказлаштириш;
- 4) фанни марказлаштириш.

Ноклассик эпистемология

- 1) пост–критицизм;
- 2) фундаментализмни рад этиш;
- 3) субъектни марказлаштиришни рад этиш;
- 4) фанни марказлаштиришни рад этишда намоён бўлади.

Эпистемологиянинг тушунчалари: билим, билиш, онг, сезги, ақл, идрок,

ҳақиқат. Асосий саволи: Дунёни билиш мумкинми?

Эпистемологиянинг асосий муаммолари:

- 1) ҳақиқат ва маъно;
- 2) метод муаммоси;
- 3) билиш моҳияти;
- 4) билим шакллари;
- 5) билишнинг эмпирик ва назарий даражалари;
- 6) билиш тамойиллари;
- 7) ишонч (интуиция) ва билиш;
- 8) тажриба структураси ва шакллари;
- 9) илмий билиш хусусиятлари ва меъёрлари;
- 10) тушуниш ва тушунтириш.

Эволюцион эпистемология – эпистемологиянинг билимни биологик эволюциянинг натижаси деб қаровчи бўлими. Эволюцион эпистемология билимни ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидаги каби оддийликдан мураккабликка, ноаниқликдан аниқликка қараб ўсиб боровчи кумулятив жараён натижаси сифатида баҳолайди.

Генетик эпистемология – (юнонча *genetikos* – туғилишга, келиб чиқишга оид; *episteme* – билим; *logos* – таълимот) швейцар психологи Ж.Пиаженинг ўтган аср йигирманчи ва қирқинчи йилларидаги психология ва мантикий тафаккур соҳасини ўрганишга оид изланишлари натижасида 50-йилларнинг бошларида ишлаб чиқилган. Айрим манбаларда когнитив психология деб ҳам номланади. Биринчи марта ушбу концепция ҳақидаги тўлиқ қарашлар олимнинг уч жилдлик “Генетик эпистемологияга кириш” асарида баён этилган.). Генетик эпистемологияга кўра, ҳақиқий билимга тарихий-танқидий ва генетик (психологик) ёндашув орқали эришиш мумкин: билим босқичма-босқич ривожланади, бу жараён индивидни реал воқеликнинг аниқ вазиятларига мослашиши билан боғлиқ; вазиятларга фаол мослаша олиш индивиднинг туғма эҳтиёжи бўлиб, билимнинг бойиб бориши воқелик ва мавжуд ахборотларнинг орасида зиддиятнинг камайиши билан боғлиқ.

Натураллашган эпистемология – эмпирик психологиянинг таркибий қисми, яъни табиий фан қисми сифатида қаралади. Асосчиси У.Куайн.

Назорат саволлари

1. Кенг маънода аналитик фалсафани қандай ифодалаш мумкин?
2. Аналитик фалсафада таркибида қанча йўналишнинг бор?
3. Аналитик фалсафасининг бошловчилари кимлар?
4. Аналитик фалсафа қандай билим ва йўналиш билан боғлиқ?
5. Аналитик фалсафада қандай қарашлар таҳрирга мухтождир?

6. “Тил ўйинлар” тушунчасини моҳиятини тушунтиринг.
7. Мантиқий-лингвистик таҳлил қайси файласуф таълимотида ифодаланган?
8. Томас Гоббс томонидан машҳур белгилар таснифининг асоси нима?
9. Кимнинг асарларида аналитик фалсафий тафаккур тарзи тўлиқ очиб берилган?
10. Аналитик фалсафанинг илмий аҳамияти нимада?

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

(жами 10 соат)

Амалий машғулотлар ижтимоий фан йўналиши бўлганлиги сабабли семинар тарзида ўтказилади ҳамда қуйида бериладиган саволлар ва уларнинг жавобларини замонавий педагогик технологияларини қўллаган ҳолда бажаришни тақозо этади.

1-амалий машғулот

Истиклол Фалсафий тафаккур ривожини инсоният тараққиёти билан узвий боғлиқ жараёндир. Маълумки, ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларнинг барчаси ижтимоий онда акс этади. Тараққиёт жараёнида даврлар ўзгариши билан унга хос маънавий, ҳуқуқий, сиёсий ва фалсафий мезонлар ҳам шакллана бошлайди. Аммо бу ўз-ўзидан юз бермайди. Айниқса, инсон тафаккурининг ўзгариши, дунёқарашнинг янгича тамойилларга эга бўлиши узоқдавом этадиган мураккаб жараёндир. Бу ҳол бизнинг кунларимизда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Ҳозирги кунда жамиятимизда истиқлол ғояларига асосланадиган янги дунёқарашни шакллантириш асосий вазифа бўлиб турибди. Зеро, инсон дунёқарашини, унинг асосий тамойилларини ўзгартирмасдан, янги жамиятни қуриш қийин. Бу жараённинг қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятлари Биринчи Президент Ислам Каримовнинг асарларида асослаб берилган эди.

Истиклол талаблари даражасида фалсафий тафаккурни янгилаш вазифаларини бажариш ғоят мураккаб бўлиб, қуйидаги қатор муаммоларни ҳал қилишни тақозо этмоқда:

— мустабид тузум мафкурасининг ижтимоий, маънавий ва фалсафий соҳалардаги асоратларини бартараф этиш;

— кишилар онги ва турмуш тарзидан собиқ тузумга хос ғайриинсоний тамойилларни сиқиб чиқариш;

— Ўзбекистон фалсафасида жаҳон фалсафий тафаккури ютуқларидан янада кенгрок, фойдаланиш;

— бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнида нафақат оддий фуқаро, балки зиёли ва фалсафа мутахассисларининг онгида ҳамон сақланиб келаётган лоқайдлик ва мутелик каби кайфиятларга барҳам бериш; — маънавий меросимизни қайта тиклаш ва ижодий ривожлантириш жараёнида буюк аждодларимиз фалсафий меросини янада кенг ва чуқурроқ ўрганиш;

— фалсафий адабиётларни миллий манфаатларимизга янада кўпроқ мослаш, қўлланма ва дарсликларимизда миллий ғоя ва истиқол мафкураси тамойилларини акс эттириш;

— истиқлол талабларига мос келувчи соғлом ғояли маънавий баркамол авлодни тарбиялаш заруратига мос тадқиқотлар олиб бориш, улар асосида таълим-тарбиянинг самарали усул ва имкониятларини излаб топиш;

— жаҳон, Шарқ, халқлари фалсафий меросини пухта ва чуқур ўрганиш, бу жараёнда турли ғоя, мафкураларнинг давлатлар ҳамда халқлар тақдирига таъсирини аниқ кўрсатиш ва шу асосда истиқлол мафкурасининг тамойилларини кишилар онгига сингдириш. Ана шу масалаларни уйғун ҳолда ҳал қилиш фалсафий дунёқарашимизни янгилашга ёрдам беради. Истиклолга эришганимиздан буён тарихан М устакиллик — қисқа давр ўтган бўлса-да, мустақил тараққ алсаф а қиёт

мамлакатдаги улкан имкониятларни янгиланишининг асоси рўёбга чиқаришнинг ягона ва муҳим омили экани ўзининг тўлиқ исботини топди. Зеро, фақат мустақилликкина ҳар бир халққа ўз фалсафасини эркин ривожлантириш, такомиллаштириш имконини беради. Бугунги кунда мустақилликни мустаҳкамлаш жараёни моҳиятини ва фалсафий асосларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмокда. Бунда асосий масала шундан иборатки, мустақдллик одамлар дунёқарашининг мазмун-моҳияти ва асосий йўналишларига янгича нуқтаи назардан қарашни тақозо этади. Уларни янги мазмун билан бойитишни, истиқлол талаблари асосида ўрганишни заруратга айлантиради. Шу сабабдан ҳам, бугунги кунда кўп қиррали ва мураккаб ҳодиса бўлган фалсафий дунёқарашнинг миллий давлатчилик ҳамда кишиларнинг ғоявий етуклигини таъминлаш эҳтиёжига хизмат қиладиган жиҳатларига эътибор кучаймокда. Шу билан бирга, мустабидлик замонидаги тафаккур куллиги, доимий тазйиқ, халқнинг ўз тарихий илдизларидан ажратиб қўйилгани билан боғлиқ ҳолатларнинг ҳозирги дунёқарашдаги ўзгаришлар жараёнларига таъсирига ҳам эътибор бериш лозим. Илм-фан соҳасидаги туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёни тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Айнан мустақдллик дунёқарашимизни мустабидлик сиртмоқларидан халос этди. Аслини олганда, ушбу мавзунини ўрганиш ҳам истиъуюл шарофатидир. Мустақил тараққиёт маънавий янгиланиш борасидаги асосий омил экани ҳар қандай мамлакат, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам тарихий қонуниятдир. Шу билан бирга, истиқлолнинг маъно-моҳиятини кишиларга тўғри аңлатиш, уларни мустақиллик берган имкониятларни амалга оширишга жалб этиш билан боғлиқ назарий ва амалий фаолият ҳам ниҳоятда муҳим. Мустақиллик йилларида фалсафанинг янгиланиши учун зарур асослар шаклланди. М оддий-иқтисодий асослар. Эски, собиқиттифоқдавридаги иқтисодиёт янги мазмундаги фалсафани шакллантириш учун асос бўла олмас эди. Истиқлол йилларида бу соҳада ниҳоятда катта ўзгариш рўй берди, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари вужудга келди. Иқтисодий плюрализм ва бозор муносабатлари бунда бош йўналиш қилиб олинган бўлса-да, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш устувор жиҳат сифатида белгиланди. Ана шуларнинг барчаси мамлакатимизда маънавий, жумладан фалсафий янгиланиш борасида ҳам туб ўзгаришларнинг иқтисод билан боғлиқ асосларини яратиш имконини берди. И ж тим оий-сиёсий асослар. Фалсафанинг сиёсий асослари мустаҳкам бўлиши зарурлиги тарихий тараққиёт жараёнида кўп бор исботланган ижтимоий ҳақиқатдир. Ҳар қандай жамият ва мамлакатда давлат халқнинг турли қатламлари, партиялар, миллий-этник бирликларнинг ижтимоий онгини ўзгартира олмаса, ўзининг пировард мақсадларини амалга ошириши қийин. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқди аъзосига айланган Ўзбекистонда янги мазмун ва шаклдаги сиёсий тизим ҳамда тузилмалар вужудга келди. Ана шуларнинг барчаси янги мазмундаги фалсафани шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий асосларини яратиш имкониятини очди. М аънавий асослар фалсафанинг янгиланишида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Чунки бундай фалсафанинг шаклланиши мамлакатда амалга ошаётган маънавий соҳадаги ўзгаришларнинг таркибий қисмидир. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқ маънавиятининг тозаланиши, асрлар давомида яратилган кадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш, келажакка етказиш билан боғлиқ саъй - ҳаракатлар катта аҳамиятга

эга. Бунда, айниқса, тарих фалсафаси, халқимизнинг хотираси, ўтмишдаги авлодлар яратган бой маданий меросдан тўла - тўқис фойдаланиш имконияти яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Фалсафий тафаккур янгиланишининг мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган туб ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқлиги қуйидаги масалаларни фалсафий таҳлил этишни заруратга айлантиради: — бугунги кунда рўй бераётган дунёқарашни янгилаш жараёнининг тарихий илдизларини ўрганиш ва фалсафий таҳлил этиш; — собиқ иттифокдаги ижтимоий таназул ва унинг халқимиз тафаккуридаги оқибатларини тугатиш; — истиқлолнинг фалсафий тафаккурни ўзгартириш учун янги даврни бошлаб бергани; — мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнида дунёқарашнинг ўзгаришида қандай асосий тамойил ва йўналишлар кўзга ташлангани; — бугунги кунда фалсафий дунёқарашнинг янгиланишига таъсир кўрсатаётган замонавий омиллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Фалсафий онгнинг Фалсафий онгнинг янгиланиши - серқирра жараён. У жуда кенг ижтимоий мазмунга эга бўлиш хусусиятлари бўлиб, жамият маънавий ҳаёти, мафқураси, маданияти ва таълими тизимидаги янги гиланиш, одамларнинг руҳий покланиши, собиқ иттифокдан қолган қарамлик кайфиятидан халос бўлиш жараёнининг таркибий қисмидир. Фалсафий дунёқараш ўзгаришининг муҳим жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади: Биринчидан, фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши ижтимоий жараёндир. Яъни у, аввало, тараққиётнинг бир босқичидан иккинчисига ўтаётган мамлакатдаги ижтимоий муносабатлардаги узлуксиз ўзгаришнинг таркибий қисмидир. Фалсафадаги янгиланиш жана www.ziyouz.com kutubxonasi миятдан, ўз давридан, рўй бераётган ижтимоий жараёнлардан ташқарида содир бўладиган ҳодисалар йиғиндиси эмас. Балки у ўзида ана шу ижтимоий жараёнларнинг барча асосий хусусиятларини акс эттиради. Иккинчидан, мустақилликка эришган ва уни мустақкамлашга ҳаракат қилаётган мамлакатимиз учун бу тарихий заруратдир. Яъни, у тасодифий намоён бўладиган ўткинчи ҳодиса эмас. Балки ўтиш даврнинг зарурияти, жамиятни тубдан ислох қилиш, одамларда янгича тафаккурни шакллантиришдаги асосий йўналишлардан биридир. Учинчидан, фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши нафақат умумий маънавий муҳитнинг, балки ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир. Шу маънода, у буюк аллома бобомиз Абу Наср Форобий орзу қилган фозил одамларнинг комил фазилатларини шакллантирадиган ва такомиллаштирадиган жараёндир. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, у ғоят мураккаб руҳий ўзгаришлар, одамларнинг қулик психологияси ва мустабид тузумга хос мафқуравий асоратлардан халос бўлиш жараёни ҳамдир. Тўртинчидан, фалсафий онгнинг янгиланиши муайян бир даврда амалга ошади. Бу жараён бизнинг мамлакатда ўтиш даврига тўғри келмоқда. Ана шу даврда ижтимоий муҳитда янги жиҳатлар вужудга келади, одамларнинг руҳияти, қарашларида туб ўзгаришлар рўй беради. Беш инчидан, фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши инкор ва ворислик жараёни ҳамдир. Унда, бир томондан, ўзбек фалсафасида азалдан мавжуд бўлган, ҳатто собиқ мустабид тузум ҳам йўқота олмаган кўп жиҳатларнинг сақутниб қолиши кузатилади. Иккинчи томондан, яқингинада устувор бўлган кўпгина синфий-партиявий тамойиллар ўтмишга айланади, инкор этилади. Учинчи томондан эса, фалсафий тафаккурда янги йўналишлар ўз ўрнини топади. Фалсафа янгиланиш

хусусиятлари ўзига хос намоён бўлади. Дунёқарашнинг янгиланиши кенг қамровли тушунча сифатида хилмавил хусусият ва йўналишларга эга. Аввало, унинг ҳар бир кишига хос индивидуал онг билан узвий алоқадорлиги ва унга таянишини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу жиҳатдан у инсоннинг инсонийлик билан боғлиқ хусусиятларини такомиллаштиришни англаувчи куч ва имкониятни белгилайди. Сирасини айтганда, дунёқараш ижтимоий куч даражасига кўтарилиши учун муайян фаолият орқали амалиётга айланиши лозим. Чунки дунёқараш ҳаёт тажрибалари туфайли эътиқодга айланади ва фаолият мезони бўлиши мумкин. Бир томондан, одамзод учун туғма, наслий хусусият булган дунёқараш ирсият асосида авлоддан авлодга ўтади. Шу билан бирга, у ижтимоий муҳит таъсирида ривожланади. Ижтимоий муносабатларга киришган кишилар эса, бир-биридан маънавий мезонларни ўрганади, уларнинг таъсирида ўсиб-улғаяди. Аммо, айнан ана шу жараёнда улар субъектив омил сифатида тараққиётга таъсир кўрсатадилар, муайян мақсадга қаратилган фаолиятлари орқали бу борада бирор натижага эришадилар. Фалсафий тафаккур янгиланишини ҳаракатлантирувчи куч нима, деган саволга жавоб излар эканмиз, шахснинг жамиятдаги ўрни ва фаолиятига эътибор бермаслик мумкин эмас. Бу жараённинг умумий ҳамда хусусий жиҳатларига эътибор қаратганда, унинг алоҳида шахс ва жамият аъзоси, яъни оддий фуқаро ҳаётидаги ана шундай хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талқин қилган маъқул. Масалан, энг умумий маънода, фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши, асосан, жамиятдаги мана шу соҳада рўй берган ўзгаришларни ифодалайди ҳамда ўз хусусияти ва аҳамияти кенглиги билан ажралиб туради. Бунда ҳам бир қанча жиҳатларга эътиборни қаратишга тўғри келади. Мустақиллик одимлари ва фалсафанинг янгиланиш и узвий боғлиқ жараёндир. Мамлакатнинг ривожланиш суръати янгича, мустақил фикрлайдиган, ижтимоий фаол, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук мутахассисларга бўлган талабни алоҳида босқичга олиб чиқди. Мулк шаклининг хилма-хиллиги, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга эҳтиёж, бозор муносабатлари шароитида тадбиркорликнинг кучайиши. ишлаб чиқаришга янгидан-янги технологияларнинг кириб келиши жараёни юқори даражада тарбияланган ва юксак малакага эга бўлган мутахассисни тақозо этаяпти. Зеро, юксак малака айна пайтда ақлий-руҳий ва жисмоний салоҳиятлар уйғунлашган тақдирдагина кўнгилдагидек самара беради. Мустақил давлатнинг олий мақсадларини амалга ошира оладиган мутахассисларни шакллантириш учун уларнинг шахсияти ижтимоий талабларга жавоб бера оладиган тарзда камолга етган бўлиши лозим. Тўғри, инсон жамиятдаги ўз ўрни, Оллоҳ раво кўрган тақдири ҳақида ўйлаши, ўз Ватанини севиши, ўз миллати шаънини улуғлаш учун елиб-югуриши мумкин. Бироқ улар аниқ натижа берадиган фаолиятга айлансагина ижтимоий мазмун касб этади. Муайян киши жамиятдаги ўз ўрни ҳақида ўйласа-ю, жамият олдидаги бурчини англаб етмаса, амалда бурчига содиқ эканини намоён этмаса ёки Ватанни севиш билан чекланиб, унинг равнақи учун курашмаса, миллатига муносиб бўлиш ҳақида ўйласа, елиб югурса-ю, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларининг амалдаги исботини намоён эта олмаса, бундан на жамият, на Ватан, на миллат наф топади. Бундай кишининг шахсиятида ижтимоий бурч, ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор туйғулари заиф ҳамда фаолиятсиз бўлиб қолаверади. Бундай шахслар мустақиллик талабларига ҳозиржавоблик билан майдонга чиқа

олмайди. Маънавий-ахлоқий, руҳий-жисмоний етук ва фаол шахсина жамият тараққиёти мазмунини, давлатнинг истиқбол йўлини, шахс — жамият — давлат манфаатларининг уйғунлигини тўғри тушунади, шу йўлда қормай-толмай меҳнат қилади. Албатта, маънавий-ахлоқий, руҳий-жисмоний соғлом ва етук кишиларни вояга етказиш осон эмас. Бунинг учун йиллар мобайнида тер тўкишга тўғри келади. Бунда, аввало, одамлар тафаккурини янгилаш, уларда истиқлол дунёқарашини шакллантириш зарур. Бинобарин, давр тақозо этаётган кенг камровли билимга эга бўлиш миллий ва умуминсоний маданиятлардан, бой тарихдан, бугунги кундаги улуғвор бунёдкорлик ишларидан баҳрамандлик уларнинг қалбида Ватанга садоқат ва ифтихор туйғулари камол топишига хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий фан соҳасидаги ислохотларнинг тезкор амалга оширилишини талаб этиши шубҳасиз. Тафаккури истиқлол талаблари даражасида янгиланган инсон ким? У қандай эзгу ва олижаноб хусусиятлар билан ажралиб туради? Истиқлол талабларига жавоб бера оладиган баркамол авлод қачон шаклланади? Бу саволлар — оддий саволлар эмас. Уларнинг тўғри ечимини топиш учун бир неча йиллар давомида янги авлодни шакллантириш лозим бўлади. Лекин ҳозирги даврдаги туб ўзгаришлар жараёнининг таҳлили асосида ҳам бу жараённинг баъзи хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Мамлакатимиз бозор муносабатлари сари қадам қўйяётган бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзимизда юз бераётган салмоқли ўзгаришлар, шубҳасизки, малакали, етук маънавиятли, фидойи мутахассис кадрларни тайёрлашни талаб этмоқда. Тараққиётимиз тақдирини ана шундай кадрлар ҳал этади. Фалсафанинг янгилиниши ва ғоявий жараёнлар билан узвий боғлиқ. Мафкура жамиятдаги маънавий муҳит қандай эканини курсатиб турадиган энг асосий мезонлардан бири бўлса, фалсафа уни шакллантирадиган омиллар сирасига киради. Аммо эски қолипларга ўралган фалсафий дунёқараш асосида янги замоннинг мафкуравий талабларига жавоб бериб бўладими? Йўқ, албатта. Ҳар қандай мафкура жамиятсиз пайдо бўлмаганидек, ижтимоий-сиёсий ҳаётни ҳам ғоясиз, мафкурасиз тасаввур этиб бўлмайди. Мафкура ўз моҳияти, мақсади, ҳаракат йўналишлари билан жамият ғояларига хизмат қилади. У — жамият ҳаётининг таркибий қисми, бинобарин, унинг бағрида шаклланади, маданий мерос ва қадриятлар заминида фаолият кўрсатади. Аслида тарихда мафкурадан мутлақо холи даврлар кам бўлган. Шундай даврлар бўлган тақдирда ҳам, улардан сўнг албатта ҳар сафар мамлакатнинг ўзига хос ва ўзига мос мафкуравий муҳитини қайта тиклаш ҳамда янгилаш жараёни бошланган. Ватанимизда кечаётган бугунги мафкуравий янгилинишни соҳибқирон Амир Темур даврида мўғуллар империяси истилосига барҳам бериб, мустақиллик учун, миллий давлатчилик асосларини қайта тиклаш учун кураш йилларига қиёслаш мумкин. Мамлакатимизда миллий истиқлол ғоясини аҳоли онги ва қалбига сингдириш борасида ишлар амалга оширилмоқда. Бугун собиқ мустабид тузум мафкураси бутунлай ўтмишга айланди. Диёримизда миллий давлатчилик анъаналари қайта тикланди, маънавият, маданият ва маърифат янада юксакликка кўтарилмоқда. “Ана шу жараённинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?” “У ҳаётимизни қайси томонга элтади?”, “Биз бу жараёнда қандай иштирок этишимиз лозим?” деган саволларга жавоб топиш зарурати ижтимоий тафаккурни тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Мустақиллик миллий манфаатларимизга мос мафкурани шакллантиришни

кун тартибига қўйган эди.

Берилган матндан қўйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Қандай муаммолар фалсафий муаммолар деб аталади?
2. Фалсафа нимани ўргатади?
3. Фалсафа ва фаннинг ўзаро нисбати қандай?
4. Дунёқарашнинг асосий тарихий шакллари таърифланг.
5. Фалсафа тарихини ўрганиш қандай мақсадни кўзлайди?
6. Нима учун фалсафа тарихида фикрлар ранг-баранглиги меъёр ҳисобланади?
7. Айрим инсоннинг яхлит фалсафий дунёқараши фалсафий плюрализм асосида қандай шаклланади?
8. Фалсафа тарихида «фалсафанинг асосий масаласи»га таъриф бериш қандай амалга оширилган?
9. Ҳозирги дунёда фалсафа қандай вазифаларни ҳал қилмоқда?
10. Мустақиллик давридаги “Фалсафанинг сиймоси”?

Амалий машғулоти ўтказиш тартиби:

1. Тингловчи берилган ҳар бир савол бўйича ўз фикрини баён қилади;
2. Қўйилган саволни қандай қилиб қулай ўқитиш методлари ҳақида таклиф беради;
3. Берилган таклиф бўйича бир нечта мисоллар кўрсатади;
4. Таклиф қилинаётган замонавий таълим методининг самарадорлигини исботлайди.

2-амалий машғулоти.

Дунёни фалсафий идрок этишнинг ўзига хос хусусияти, унда дунёни билиш, сезиш, кўриш ва тушунишнинг бутунлай янги соҳаси – фалсафа вужудга келишида намоён бўлади. Дарҳақиқат фалсафа – бу нафақат у ёки бу одам дунёқарашининг шакли, балки ижтимоий онг шакли, одамлар борлиги ва билишининг умумий тамойиллари, уларнинг дунёга муносабати акс этувчи, табиат, жамият ва тафаккурнинг энг умумий қонунлари кашф этилувчи ва таърифланувчи маънавий фаолиятдир. Яъни бу дунёга ва инсоннинг ундаги ўрнига нисбатан қарашларнинг умумий тизимидир.

Бундай қарашлар замирини саволлар ва инсоннинг уларга жавоб топиш истаги ётувчи оқилона йўл билан олинган билимлар мажмуини ташкил этади. Аммо билиш шундай бир табиатга эгаки, бир саволга жавоб кўпинча бошқа бир талай саволларни юзага келтиради ва баъзан муаммога нафақат ойдинлик киритмайди, балки уни янада чигаллаштириб, инсоннинг қизиқувчанлигини оширади ва янги тадқиқотларга даъват этади. Хуллас, бу ерда ижод, тинимсиз изланиш, янгиликка интилиш тўғрисида сўз юритилади.

Агар мифология ва динда жавобга урғу берилса, билишнинг бутун мазмуни унда мужассамлашса, фалсафада савол, масала биринчи ўринда туради. У тўғри ва яхши таърифланган бўлса, муаммонинг моҳияти аниқ акс этади. Савол,

масала инсонни ижодга рағбатлантиради, токи унга қониқарли жавоб олиниб, ҳақиқатнинг тагига етилганига ишонч пайдо бўлмагунича инсонни изланишга даъват этади. Бунда саволнинг ўзи, муаммонинг қўйилиши жавобдан кам аҳамият касб этмайди, баъзан ундан ҳам муҳимроқ деб қаралади.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, фалсафа, гарчи муайян натижаларга, мукамал таърифларга, узил-кесил хулосаларга интилса-да, лекин шунинг ўзи билан кифояланмайди. Фалсафани аввало инсон маданияти соҳасида юз бераётган, турли қарама-қаршилиқлар ва ўзаро таъсирлар билан узвий боғлиқ ва айни вақтда ўзга соҳаларга ўтиш ва уларда гавдаланиш қобилиятига эга бўлган маънавий жараён сифатида тушуниш лозим.

Бундан хулоса шуки, фалсафий мушоҳада юритиш савол бериш, шубҳа қилиш, жавоблар излаш ва куни кеча ечилган деб ҳисобланган, шак-шубҳасиз бўлиб туюлган масалаларга қайтиш демакдир. Фалсафа учун «боқий», узил-кесил аниқланган ҳақиқатлар, «ноқулай», «илмоқли» саволлар ёки ман этилган мавзулар мавжуд эмас. Фалсафа саволлар бериш, нарсалар ва ҳодисалар моҳиятини англашга уриниш орқали билиш доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилади.

Хуллас, фалсафа ҳақиқат қандай бўлса, уни шундай ифодалаб кўрсатишдир, дин эса –унинг рамзий, тимсолий акс этиши. Фалсафа асос ва моҳият бўлса, дин тимсол ва шакл. Диалектик мунозара усули жамиятнинг кам сонли аёнлари учун керак. Ваҳий йўлидаги ифода – халқ оммасининг идроки, тарбия ва таълими учун керак

Фалсафанинг предмети. Энди «Фалсафа нимани ўрганади?», деган саволни беришимиз мумкин. Инсонда билишга қизиқиш уйғотадиган, мифология, дин ёки фан жавобларидан қониқмаган инсоннинг ўзига маълум билимлар ва тажрибага, муайян эътиқод, ишонч ва интуицияга таянган ҳолда оқилона асосланган жавоблар беришга ҳаракат қиладиган, саволлар туғдирадиган ҳар қандай объектив ва субъектив борлиқ фалсафанинг предмети ҳисобланади. . Бошқача айтганда, инсон ўз қизиқиши объекти ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш мақсадида савол беришга асос бўлиши мумкин бўлган ҳамма нарса фалсафанинг предметиدير. Шу муносабат билан у ёки бу одамнинг фалсафий қарашлари ҳақида ва ҳатто унинг фалсафаси тўғрисида сўз юритиш мутлақо ўринли бўлади ва бунга биз кундалик ҳаётда тез-тез дуч келамиз.

Бироқ айни ҳолда бизни фан сифатидаги, айрим инсоннинг эмас, балки бутун жамиятнинг ривожланиш маҳсулига айланган ижтимоий ҳодиса сифатидаги фалсафа қизиқтиради ва айни шу сабабли юқорида келтирилган таърифда «инсон» тушунчаси йиғма маънода қўлланилган. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, гарчи фалсафанинг предметига биз умумий нуқтаи назардан анча кенг таъриф берган бўлсак-да, айрим тарихий даврларда одатда у ёки бу сабабларга кўра муайян масалалар доираси фалсафий тадқиқотларда биринчи ўринга чиқади.

Масалан, қадимги Юнонистонда космоцентризм илк фалсафий таълимотларнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, бунда асосий эътибор «космос», «табиат»ни англаб етишга қаратилган. Кейинчалик, қадимги юнон шаҳар-полислари раванқ топган даврда файласуфлар диққат марказидан ижтимоий муаммолар, ахлоқ, давлат қурилиши масалалари ўрин олди. Европада христианликнинг, Шарқда ислом динининг вужудга келиши ва мустаҳкамланиши натижасида ўрта асрлар фалсафаси

теоцентрик (юнон. theos – марказдан ўрин олган худо) хусусият касб этди, яъни Худо ва у яратган олам фалсафий қизиқишларнинг асосий предметиға айланди. Уйғониш даврида фалсафа санъат (эстетика)ға ва кўп жиҳатдан инсонға мурожаат қилинди.. Янги давр деб номланувчи XVII-XVIII асрларда фалсафа тобора кучайиб бораётган фан билан узвий боғланди, натижада фалсафий тадқиқотларнинг диққат марказидан билиш ва илмий методлар масалалари ўрин олди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида юз берган «классик фалсафа» ва оқилоналик инқирози иррационаллик, интуитивлик, онгсизлик муаммоларини намоён этди, XX асрнинг биринчи ярмида улар «ноклассик фалсафа» таҳлилининг асосий предметиға айланди, бу эса, ўз навбатида, матнлар мантиғи, тили, уларни талқин қилиш ва шарҳлашға алоҳида қизиқиш уйғонишиға олиб келди. XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида ҳозирги маданиятдаги инқироз ҳодисаларини ва янги ахборот технологияларининг, шунингдек оммавий коммуникация воситаларининг жадал суръатларда ривожланиши билан белгиланган муаммоларни кун тартибига қўйган постноклассик фалсафа шаклланди. Бу фалсафа вакиллари «тарихий ривожланишнинг тугалланганлиги», барча маънолар ва ғоялар «айтиб бўлинганлиги» ҳақида мушоҳада юритиб, инсон ўзига ёғилаётган ахборотға ишлов беришға кодир эмаслиғига эътиборни қаратар экан, нотизимлилик, Европа анъанавий фалсафий билимининг негизлари, қадриятлари ва чегараларини ўзгартириш ғоясини илгари сурдилар.

Ниҳоят, XX-XXI аср чегарасида энг янги фалсафада биринчи ўринға чиққан ва энг муҳим мавзулар қаторидан ўрин олган яна бир мавзу глобаллашув жараёнларининг моҳиятини ва уларнинг ривожланиш йўналишини аниқлашға алоҳида эътибор қаратилди. Бу жараёнлар ҳозирги вақтда жамият ҳаётининг деярли барча жабҳаларини қамраб олди ва давримизнинг оламшумул муаммоларини юзага келтирдик, уларнинг назарий ва амалий ечимини топиш бу муаммоларни шу жумладан фалсафий даражада англаб етишни ҳам назарда тутди. Халқаро миқёсда алоҳида эътибор бериш ва келишилган ҳаракатларни тақозо этувчи энг муҳим муаммолар қаторига экология, демография, хавфсизлик, халқаро жинойтчилик, энергетика ресурслари, қашшоқликка чек қўйиш муаммоларини киритиш мумкин.

Кўриб турганимиздек, фалсафанинг предмети қандайдир битта, қатъий чекланган, муайян масалалар доираси билан боғлаш мумкин эмас. У вақт омилиға ва объектив сабаблар тўпламиға қараб, доим у ёки бу муаммо ёки уларнинг муайян мажмуи тарзида биринчи ўринға чиқади. Аммо бу бошқа мавзулар, масалалар ва муаммолар ўз аҳамиятини йўқотади ва фалсафа чегарасидан четға чиқади, унинг таҳлил предмети бўлмай қолади, деган маънони англамайди. Бош мавзуларни иккинчи, учинчи ёки ундан ҳам кейинги ўринға суриб қўяди, улар муайян даврда ва тегишли шароитда фалсафий диққат марказидан ўрин олиш ёки фалсафий муаммоларнинг устуворликлар йўналиши бўйлаб юқорига кўтарилиш учун ўз вақтини «кутиб», гўёки панада туради, десак, тўғрироқ бўлади. Айни шу сабабли биз фалсафа тарихида қизиқишлардаги устуворликларнинг муттасил ўзгаришини, у ёки бу масала бош масалаға айланиши, фалсафий ҳамжамиятнинг асосий эътибори маълум вақт мобайнида унга қаратилишини кўраимиз.

Фалсафий билимнинг тузилиши. Фалсафа ўз шаклланиши ва

ривожланишининг қадимги давридаёқ, табиат, инсон, жамият ва маънавиятни, шунингдек сабабий боғланишлар, қонунлар ва шу кабиларни билиш соҳасида юксак натижаларга эришди ва оқилоналик нуқтаи назаридан одамларнинг дунё ҳақидаги умумий тасаввурига айланди. Аммо оламнинг чексиз даражада ранг-баранглиги ва серкирралиги туфайли ўша давридаёқ парчаланмаган фалсафий билимлар ва тасаввурлардан айрим бўлимлар ажралиб чиқа бошлади, вақт ўтиши билан ривожланиб, анча аниқ шакл-шамойил касб этди ва янги билимлар билан тўлдирилди. Пировард натижада улар фалсафий билимнинг тузилишини (структурасини) ташкил этди.

Қуйидагилар фалсафий билимнинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади:

- онтология – мавжудлик, борлик ҳақидаги билим;
- гносеология (бошқа бир терминологияга кўра – эпистемология) – билиш назарияси;
- ижтимоий фалсафа – жамият ҳақидаги таълимот;
- этика – ахлоқ ҳақидаги таълимот;
- аксиология - қадриятлар ҳақидаги таълимот;
- фалсафий антропология – инсон ҳақидаги таълимот ва бошқалар.

Фалсафий муаммолар моҳиятини тушуниб етиш, уларнинг энг муҳимларини аниқлаш ва ниҳоят, фалсафий билимлар билан ошно бўлиш – кўрсатилган бўлимларни синчиклаб ўрганиш, бунда уларга яхлит бир бутуннинг таркибий қисмлари сифатида ёндашиш демакдир. Пировардида биз фалсафанинг ўзига хос тили, ўз ёндашувлари ва методлари, ниҳоят, табиат, жамият ва тафаккурга оид энг муҳим алоқалар, хоссалар ва қонунларни ўзида акс эттирувчи умумий тушунчалар – категориялар тизими вужудга келганининг гувоҳи бўламиз. Бунда фалсафадаги ҳар бир бўлим ёки йўналиш ҳам ўз тушунчалар аппаратига, яъни билимнинг фақат шу соҳасига хос бўлган ва унинг асосий моҳиятини ёритиб берадиган категориялар тизимига эгадир.

Фалсафада кўриб чиқилган мавзулар билан бир қаторда шундай билим соҳалари ҳам мавжудки, улар қолган барча билим соҳаларига кириб боради, улар билан уйғунлашади ва уларни тўлдиради. Масалан, табиат, жамият, инсон ва унинг тафаккурида юз берувчи ҳаракат, ривожланиш ва ўзгаришлар ҳақидаги фалсафий таълимот – диалектика ана шундай билим соҳаларидан бири ҳисобланади.

Объектив сабабларга кўра фалсафий билимнинг айрим соҳалари сезиларли даражада ривожланди ва вақт ўтиши билан мустақил фалсафий фанларга айланди. Бундай билим соҳалари қаторига, масалан, инсоннинг билишни амалга ошириш шакллари, қонунлари ва усулларини ўрганадиган фан - мантиқни; маънавият ва ахлоқ ҳақидаги таълимот – этикани; гўзаллик қонунларига мувофиқ ижоднинг моҳияти ва шакллари ҳақидаги фан – эстетикани киритиш мумкин.

Шу маънода фалсафа тарихи фани алоҳида диққатга сазовордир, зеро у, моҳият эътибори билан, нафақат фалсафий, балки тарихий фан ҳисобланади. Айни вақтда у фалсафий билим таркибига ҳам киради, чунки фалсафий тафаккурнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишини, фалсафий ғоялар эволюцияси ва хусусиятини турли файласуфлар, йўналишлар, оқимларнинг таълимотларида қандай тавсифлангани нуқтаи назаридан ўрганади. Фалсафа тарихи фанида фалсафий

таълимотларни тизимга солиш ва таснифлашга, матнлар, тарихий саналарни таҳлил қилишга, далилий материал, биографик маълумотлар йиғишга алоҳида эътибор берилади. Шу муносабат билан дунёқарашни кенгайтириш ва теранлаштиришга, ўз фалсафий ёндашувларини яратишга қаратилган фалсафани ўрганиш, унинг тарихи, асосий намоёндалари ва энг муҳим фалсафий асарлари билан албатта танишишни назарда тутати.

Берилган матндан қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Фалсафа тарихини ўрганиш қандай мақсадни кўзлайди?
2. Нима учун фалсафа тарихида фикрлар ранг-баранглиги меъёр ҳисобланади?
3. Кимнинг асосчиси асарларини аналитик фалсафанинг манбаи деб ҳисоблаш мумкин?
4. “Мантиқий атомизм” назарияси кимга тегишли?
5. Фалсафа тарихида «фалсафанинг асосий масаласи»га таъриф бериш қандай амалга оширилган?
6. Мантиқий-лингвистик таҳлил қайси файласуф таълимотида ифодаланган?
7. Томас Гоббс томонидан машҳур белгилар таснифининг асоси нима?
8. Кимнинг асарларида аналитик фалсафий тафаккур тарзи тўлиқ очиб берилган?
9. Антик фалсафада борлиқ тушунчаси.

Амалий машғулотни ўтказиш тартиби:

5. Тингловчи берилган ҳар бир савол бўйича ўз фикрини баён қилади;
6. Қўйилган саволни қандай қилиб қулай ўқитиш методлари ҳақида таклиф беради;
7. Берилган таклиф бўйича бир нечта мисоллар кўрсатади;
8. Таклиф қилинаётган замонавий таълим методининг самарадорлигини исботлайди.

3-амалий машғулот

Фалсафа фанининг борлиқ ҳақидаги масалаларни ўрганувчи қисми *онтология* деб аталади. Онтология сўзи юнонча *ontos* (мавжудлик) ва *logos* (таълимот) сўзларининг бирикмасидан ташкил топган бўлиб, «мавжудлик ҳақидаги таълимот», яъни борлиқ ҳақидаги фан маъносини ифодалайди.

Бу атама фан тарихида биринчи бор 1513 йил *Р.Гоклениуснинг* «Фалсафа луғати»да, сўнгра, *Х.Вольф* (1679 -1754)нинг фалсафага оид дарслигида қўлланилган бўлсада, улардан илгари қадимги юнон файласуфлари ҳам онтологиянинг мазмунини ифодаловчи турли фикрларни илгари суришган. Улар онтологияни «ҳақиқий борлиқни ноҳақиқий борлиқдан ажратиб олувчи борлиқ ҳақидаги таълимотдир» деб ҳисоблашган. *Элей мактаби* намоёндалари эса онтологияни мангу, ўзгармас, ягона, соф борлиқ ҳақидаги таълимот деб ҳисоблашган. *Милет* ва *Иония мактаби*

вакиллари эса дастлабки борлиқнинг сифатий талқини ҳақида бош қотиришган. Улардан борлиқнинг бошланишида ётувчи бундай асосни *Эмпедокл* «стихия», *Демокрит* «атомлар», *Анаксимандр* «апейрон», *Анаксагор* «уруғ» деб атаган. *Афлотун* эса ғоялар онтологиясини яратган. Ғоялар онтологияси ақл билан эришиладиган моҳиятлар иерархиясини ташкил этиб, унинг юқори нуқтасида Фаровонлик ғояси, ундан кейин бетўхтов оқувчи хилма-хил ҳиссий дунёни акс эттирувчи идеал намуналар, сонлар, геометрик шакллар ётади. *Арасту* фикрича умумийлик айрим ҳолда якка нарсалардан четда мавжуд эмас. Биз оламда айрим нарсаларга дуч келамиз ва улардаги бир-бирига ўхшаш жиҳатларни умумлаштириб, абстракт ва идеал образ ҳосил қиламиз. Шу тариқа Арасту эмпиризм онтологиясини яратди.

Марказий Осиё Яқин ва Ўрта шарқда IX-X асрларда ижод қилган *Ал-Киндий*, *Закарий Розий*, *Форобий*, *Ибн Сино* сингари мутафаккирлар юнон файласуфларидан фарқли равишда онтологик таълимотни бутунлай янгича бошқичга кўтаришди. Масалан, Форобий онтологияга ягона борлиқнинг моҳиятини очиб берувчи таълимот сифатида ёндашган.

Ўрта асрлар гарб фалсафасида эса онтология теология билан чамбарчас боғлаб тушунтирилади. Бу даврда абсолют борлиқ худо билан, «соф» моҳиятлар иерархияси билан, «яратилган» борлиқ эса моддий табиат билан айнанлаштириб талқин этилган. *Схоластик фалсафада* онтология субстанциал ва акциденциал, актуал ва потенциал, зарурий ва тасодифий, эҳтимолдаги ва имкониятдаги борлиқ даражаларини ифодаловчи таълимот сифатида қаралган. Бу даврда борлиқ концепциялари номинализм, реализм ва концептуализм намоёндаларининг универсалийларнинг онтологик моҳиятига муносабати тарзида намоён бўлади.

Шарқ фалсафасида онтология кўпроқ илоҳий борлиқнинг моҳиятини, худонинг моҳиятини акс эттирувчи таълимот тарзида, шарқ пантеистик фалсафасида эса *ваҳдату мавжуд* ва *ваҳдату вужуд* кўринишидаги таълимотлар шаклида вужудга келган.

Хуллас, борлиқ ҳақидаги муаммо фалсафада тарихан марказий ўрин эгаллайди. Фалсафа ўрганадиган қайси бир масалани олмайлик, у борлиқ муаммоси билан боғлиқ эканлигини кўрамиз. Ҳақиқатдан ҳам, борлиқ, унга муносабат масаласи фалсафий қарашларда муҳим аҳамиятга эгадир, чунки, борлиқ муаммоси фалсафадаги ҳар қандай дунёқараш гносеологик ва методологик муаммоларнинг асоси ҳисобланади.

2-.Борлиқ категорияси

Борлиқнинг ўзи нима? Бу саволга жавоб бериш учун борлиқнинг инсон ва инсонлар ҳаёти билан боғлиқ илдизларига назар ташлашга тўғри келади. Кишилар қадимдан ўзларини қуршаб турган табиат ва жамият, инсон ва инсоният ҳақида ўйлар экан, атрофида содир бўлиб турган нарсалар ва ҳодисаларни, ўзгаришларни кузатишган. Баъзи нарсалар ҳозир мавжуд, кейинчалик эса йўқолиб кетади, кеча йўқ бўлган баъзи нарсалар эса бугун пайдо бўлади. Шулар асосида кишиларда *мавжудлик* ва *йўқлик* ҳақида тасаввурлар, қарашлар вужудга келган.

Кишилар ўзларининг ҳам дунёга келиши (туғилиши), яшаши ва ниҳоят вафот этиши (ўлиши), «йўқликка айланиши» ҳақида ўйлай бошлашади. Шу асосда кишиларнинг «бу дунё» ва «у дунё» (нариги дунё), яъни одамнинг вафотидан сўнг унинг руҳи кўчиб ўтадиган «дунёлар» ҳақидаги тасаввурлари пайдо бўлган. Кишилар ўзларининг кундалик тажрибалари асосида атрофидаги дунёнинг ҳозир мавжудлиги, ўзлари туғилмасдан илгари ҳам мавжуд бўлганлигига ва кейинчалик ҳам мавжуд бўлиб қолишига ишонишган. Шу тарзда уларда «борлик» ва «йўқлик» ҳақида тасаввурлар шаклланган.

Борлик турли концепцияларда турлича талқин этилади. Айрим тадқиқотчилар уни муайян моддий жисм, моддий борлик сифатида тушунтиришади, бошқалар эса уни ғоявий, маънавий, руҳий, илоҳий моҳият шаклида тушунишади. Абу Наср Форобий ягона борлиқни 6 босқичдан иборат деб ҳисоблаган: 1-илк сабаб (сабаби-аввал) - худо; 2-сабаб - (сабаби-соний) - самовий жисмлар борлиғи; 3-сабаб - фаол ақл (ал-ақл ал-фаол); 4-сабаб - жон (ан-нафс); 5-сабаб - шакл (ас-сурат); 6-сабаб - модда (ал-модда)¹⁴. Бу босқичлар бир-бири билан сабабий боғланган бўлиб, улар барча мавжудликнинг бошланғичи ҳисобланади.

Борлик тушунчаси атрофида файласуфлар ҳар доим кескин мунозаралар, тортишувлар, баҳслар олиб боришган ва бу баҳслар ҳалигача давом этмоқда. Хуллас, «борлик» фалсафадаги энг умумий тушунчадир. Борлиққа аксил тушунча сифатида «йўқлик» тушунчасини ишлатишади. Йўқлик ҳеч нимани, яъни назарда тутилган жойда ҳеч нима мавжуд эмаслигини англатади.

Борлик илгари мавжуд бўлган, ҳозир мавжуд ва келажакда мавжуд бўладиган *объектив ҳамда субъектив реалликни* ҳам ўзига қамраб олади. Яъни табиат, инсон, фикрлар, ғоялар, жамият ҳаммаси турли шаклларда мавжуддир. Уларнинг барчаси мавжуд бўлганлиги учун ҳам яхлит ягона борлиқни ташкил этади.

Кўпинча борлиқни инсон онгидан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда *мавжуд бўлган реалликни* ифодаловчи фалсафий категория сифатида таърифлашади. Бундай таърифнинг камчилиги шундаки, бу таърифда борлик объектив реаллик тушунчаси билан айнанлашиб қолган.

Аслида эса борлик категорияси умумийлашган абстракция бўлиб мавжудлик белгиси бўйича турли хил ҳодисалар, предметлар ва жараёнларни ўзида бирлаштиради. Табиий объектлар, уларнинг хоссалари, алоқадорликлари ва муносабатлари, кишилар жамоаси ва айрим одамлар, ижтимоий ташкилотлар, инсон онгининг ҳолати ва бошқалар ҳам борлик тушунчасига киради. Борлик нафақат предметларни, жисмларни, объектив реалликни, балки, маънавий ҳодисаларни, руҳиятни, онг ва тасаввурни, *субъектив реалликни* ҳам ўзига қамраб олади.

¹⁴ Очерки истории общественно-философской мысли в Узбекистане. Т.:Фан, 1977. 63-64-б.

Борлиқнинг асосий соҳаларига табиат, жамият ва онг киради. Бу соҳалар учун умумий жиҳат - уларнинг мавжудлигидадир. А.Г.Спиркин шундай ёзади «Барча мавжуд нарсалар борлиққа мансубдир. Уларга моддий жисмлар ҳам, барча (физик, химик, геологик, биологик, ижтимоий, психологик, маънавий) жараёнлар ҳам, уларнинг хоссалари, алоқалари ва муносабатлари ҳам киради. У чуқур ҳаёлотнинг меваси бўлган эртақ ва афсоналар, ҳатто беморнинг хаёлидаги алахсирашлар ҳам, борлиқнинг қисми бўлган маънавий реаллик сифатида мавжуддир»¹⁵. Шундай қилиб «руҳ ва материя, ҳеч бўлмаганда мавжудлик сифатида умумийликка эгадир» (И.Дицген). Шубҳасиз, улар бир-бирларидан фарқ ҳам қилишади. Агар моддийлик ва маънавийликни бир-бирига таққосласак, моддийлик субъектдан мустақил равишда, маънавийлик эса унга боғлиқ равишда мавжуд бўлади. Шундай қилиб, борлиқ моҳият жиҳатидан *моддий борлиқ* ва *маънавий борлиққа* бўлинади.

Фалсафага оид бир дарсликда ҳақли равишда шундай деб ёзилган: «Борлиқ - бу тушунишни талаб қиладиган ва тушуниш асосида юзага чиқадиган, шаклланадиган нарса. Борлиқ - бу предметларнинг кўриниши ёки шаклларида бири эмас, предметлар синфининг умумий тушунчаси ҳам эмас, борлиқ - бу мавжудликнинг борлиғидир. Борлиқ - бу борлиқни англашда нима кутилаётган ва тушунилаётган бўлса, ўшанинг ўзидир»¹⁶. Бу таърифдан, борлиққа қайси жиҳатдан ёндашсак - у ўша хусусиятни ўзида мужассамлаштиради, нимаики воқий бўлса, борлиқ уларнинг ҳаммасини ўзига қамраб олади, деган маъно келиб чиқади. Шу жиҳатдан тадқиқотчилар борлиқни турли шаклларга бўлиб ўрганишади.

Борлиқни шаклларга ажратишда унинг асосида, моҳиятида нималар ётишига эътибор қаратиш лозим. Шу тариқа фалсафада *субстанция* категорияси шаклланган. Субстанция (лотин. *substantia* - моҳият, асосида ётувчи нимадир) муайян нарсалар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар хилма-хиллигининг ички бирлигида намоён бўлувчи моҳият.

Субстанция дейилганда фалсафада дастлабки пайтларда борлиқ, табиат, жамият, инсон ва дунёдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг асосида ётувчи моддий ёки руҳий моҳият анланган. Ўрта аср Шарқ фалсафаси намояндалари ал-Киндий, Закариё Розий, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд асарларида субстанция деб ҳамма нарсанинг моддий ёки маънавий асоси, моҳияти тушуниланган. Субстанцияга қарама-қарши тушунча «*акциденция*» деб аталган. Акциденция (лот. *accidentia* - ўткинчи, тасодифий) нарса ва ҳодисаларнинг ўткинчи сифатларини ифодалайди. Форобийнинг ёзишича, «оламда субстанция ва акциденция ҳамда уларни яратувчи марҳаматли ижодкордан бошқа ҳеч нарса йўқдир»¹⁷; «Акциденцияни сезгилар

¹⁵ Спиркин А.Г. Философия. М., 2000. 243-б.

¹⁶ Философия. Учебник. М., 1996. 139-б.

¹⁷ Форобий. Рисолалар. Т.:Фан, 1975. 50-б.

оқрали ҳис этиш мумкин, субстанцияни эса фақат ақл англаб етади»¹⁸; «Масалан, олма - субстанция бўлса, унинг қизиллиги эса акциденциядир»¹⁹. Субстанцияни талқин этишда фалсафада икки хил - *онтологик ва гносеологик* йўналиш бор. Онтологик йўналиш бўйича Ф.Бэкон субстанция борлиқнинг энг туб асосида ётади деб ҳисоблаган ва субстанцияни муайян нарсаларнинг шакли билан айнанлаштирган. Р.Декарт борлиқнинг асосида икки хил мустақил субстанция: моддий ва маънавий субстанция ётади дейди. Моддий субстанция борлиқнинг кўлами билан, маънавий субстанция эса тафаккур билан белгиланади. Б.Спиноза эса тафаккур ва кўлам - икки хил мустақил субстанция эмас, балки ягона субстанциянинг икки хил атрибутидир (атрибут - ажралмас хусусияти дегани). Г.Лейбницнинг фикрича, оламнинг асосида кўплаб мустақил субстанциялар (монадалар) ётади.

Берилган матндан қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Онтология нимани ўрганади?
2. Нима учун «борлиқ» фалсафанинг асосий категорияси ҳисобланади?
3. Фалсафа тарихида борлиқ муаммоси қандай ечилган?
4. Борлиқнинг асосий шакллари қайсилар?
5. Виртула борлиқва гуманизм муаамоси?
6. Борлиқ муаммосининг фалсафий маъноси.
7. Антик фалсафада борлиқ тушунчаси.
8. Форобий борлиқни қандай тушунган?
9. Ижтимоий борлиқ ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
10. Ҳозирги даврда борлиқ муаммосига турли ёндошувлар.

Амалий машғулотни ўтказиш тартиби:

9. Тингловчи берилган ҳар бир савол бўйича ўз фикрини баён қилади;
10. Қўйилган саволни қандай қилиб қулай ўқитиш методлари ҳақида таклиф беради;
11. Берилган таклиф бўйича бир нечта мисоллар кўрсатади;
12. Таклиф қилинаётган замонавий таълим методининг самарадорлигини исботлайди.

4-амалий машғулот

Аналитик фалсафа (Англо-саксон фалсафаси, Англо-Америка фалсафаси) - XX аср фалсафий тафаккуридаги йўналиш бўлиб, асосан инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда ривожланади ва кўплаб турли тушунча ва мактабларни бирлаштиради. Аналитик фалсафа учун қуйидаги фикрлар кенг тарқалган: лингвистик бурилиш-фалсафий муаммолар тил соҳасида ётади, шунинг учун уларнинг ечими тил

¹⁸ Ўша асар. 50-б.

¹⁹ Ўша асар. 54-б.

ифодаларини таҳлил қилиш билан боғлиқ; семантик диққат-маъно муаммоларига қаратилган; аналитик усул-фалсафий акс эттиришнинг бошқа барча турларига таҳлил қилиш афзал.

Ҳозирги замон фалсафаси бу XX аср ва XXI аср бошларида мавжуд бўлган фалсафий таълимотлар ва уларнинг хил-хил кўринишлари билан ифодаланади XX аср Европа фалсафаси ўша даврнинг иқтисодий сиёсий, социал, мафкуравий, илмий-техникавий ўзгаришларининг таъсири остида ривожланган.

Фалсафа табиий равишда социал эҳтиёжлар, манфаатлар, мақсадлар ва давлат буюртмаларини қондирилишига кўмакдош бўлган, XX аср Европа фалсафаси хилма-хил йўналишларга эга бўюган, уларни жамиятни маънавий ҳаётига таъсир этиши ҳам ижобий, ҳам салбий, ҳам реакцион, ҳам прогрессив, антимистик ва пессимистик руҳда бўлган, XX аср биринчи ярмида Европада содир бўлган жаҳон урушлари, ижтимоий силкинишлар ва бошқа сиёсий ҳодисалар инсонларни келажакка бўлган муносабатларини, ўзгартириб юборди. Маълум маънода Европа халқлари маънавий тушкунлик ҳолатига, тушиб қолдилар. Баъзи фалсафий таълимотлар инсонларни тушкунлик ҳолатидан чиқаришларга ҳаракат қилдилар. Инсонларда келажакка умид учкунларини, пайдо қилишга уринишлар бўлди XX аср Европа фалсафаси ўша даврда ҳукумрон мафкуравий ғояларни илмий асослигига ва амалда тадбиқ этилишига хизмат қилган. Европада ҳукумрон бўлган фашизм мафкураси, коммунистик мафкура ва ирқчилик ғоялари, билан суғорилган, баъзи, ўта реакцион диний, мафкуралари фалсафа хизмат қилди, уни апологетларига айланди.

XX асрда фалсафий фикр тараққиётининг асосий хусусиятлари нималарда намоён бўлди.

Биринчидан, фалсафий фикр муайян мафкурага хизмат қилганлигида. Фалсафани ўта идеологиялашуви ва сиёсийлашувига олиб келганлигида. Бунинг асосий сабаби икки система социалистик лагер билан капиталистик лагер ўртасидаги совуқ уруш фикримизни далили бўла олади, Иккинчидан, фалсафа икки жаҳон уруши туфайли келиб чиқаан фандаги, техникадаги ва ҳарбий саноатдаги жадал суратлардаги ўзгаришларга ҳозир жавоб бўлолмаганлигида. Яъни классик фалсафа эскириб қолган. Дунёни ʼилмий манзараси орқали тушунтира олмади,

Учинчидан, XX аср Европа фалсафий фикрида классик ва ноклассик фалсафалар ўртасида тафовут ва кураш вужудга келган. Кураш фалсафанинг абадий муаммоларига бўлган муносабатдан уни эскича ва янгича хал этиш фикрлаш услуби ҳаётда борди.

Классик фалсафа инсон ақлига ишонч билдирган ҳолда муносабат билдирди. Ноклассик фалсафа бўйича шубҳа, билан қаради.

Натижада фалсафада рационализм ва иррационализм йўналишлари келиб чиқди.

Тўртинчидан, классик фалсафа турли ғоявий тизимларга бўлинишига қарамай муҳим муаммоларни ҳал этишда маълум бир умумийлик мавжуд. Хозирги замон фалсафасида хилма-хил мустақил оқимлар мавжуд бўлиб, улар асосан табиатшунослик ва гуманитар фанларга интеграциялашиш тенденцияси мавжуд.

Бешинчидан, хозирги замон фалсафий таълимотларини нисбатан икки йўналишга бўлиш улардан биринчиси стептизм, яъни фан ёрдамида инсониятни барча муаммоларини ҳал этиш мумкин деб эътироф этувчи қарашлар.

Фан ижобий ҳодисани Сциентизм ғоялари тюзивизм фалсафаси, технологик теоризм, фан методологияси, каби таълимотларда ўз аксини топган. Иккинчиси антисцептизм аксинча фанни салохиятлигини эътироф этган ҳолда унга пессимистик муносабат билдирган. Буларга экзистенциализм., франкфурт мактаби., неотомизм, персонализм фалсафалари дахлдордир⁰, Умуман олганда ХХ аср фалсафасида,, бир-бирига муқобил бўлган йўналишлар рационализм ва иррационализм, идеализм ва материализм ўртасидаги кураш ва муайян фалсафани яқка ҳокимликка интилиши характерли белгиси бўлиб ҳисобланган,,

Экзистенциализм (яшаш фалсафаси маъносида) хозирги замон философиясининг асосий оқимларидан бири ҳисобланади.

Экзистенциализм ва фундаментал онтология ХХ асрнинг 30-йилларига келиб ҳаёт фалсафаси аста-секинлик билан йўқолиб, ўз ўрнини экзистенциализмга бўшатиб беради. Бу энди ҳаёт фалсафасига қараганда анча кучлироқ фалсафа бўлиб, унда дунёда яшаётган инсон турмушининг хилма - хил томонлари баён этилади. Экзистенциалистлар ҳаёт фалсафасини психологизмлар билан тўлиб - тошган деб ҳисоблайдилар. Экзистенция сўнги лотин тилида сўзма-сўз олганда, «мавжудлик» деган маънони англатади. Мана шу мавжудликнинг ўзи эса экзистенциализмда субъект билан объектнинг бевосита бирикиб, бирлашиб кетиши тарзида тушунилади. Бунда субъектнинг бошқалар учун очиқлиги, ўзгаларнинг у учун очиқлиги, уларнинг бир-бирига ўтиши бу жараённинг бир бутунлиги мавжудлик моҳиятини ташкил этади. Экзистенциализмнинг диний вариантыда (Ясперс, Марсель) ушбу ўзга нарса Худодир, озод шахс мана шу худога томон ҳаракат қилиб бораверади. Экзистенциализмнинг атеистик вариантыда (Сартр, Камю) ўзга объект ҳеч нарса сифатида, талқин этилади. Бунинг маъноси шуки, одам ўз озодлигини амалга ошириб ўзини-ўзи тўсатдан яратади. Одам тубсиз оқибатлар силсиласига дуч келади, энди у мазкур силсиладан ўз йўлини танлаб олиши керак бўлади. Мана шу йўлни танлаб амалга ошириш жараёнида у ўз эркинлигини топади. Ушбу танлов учун у энг аввало ўз-ўзи олдида масъулдир. Бу жуда оғир масъулият. У ўзи ўзлигини яратиши билан, ўзгаларни, бора-бора бутун дунёни кашф этади. Инсон ўзининг чинакам мавжудлиги ҳолатида у муттасил келажак рўпарасида, шу жумладан, ўлим қаршисида, ўз қилмишлари учун жавобгарлик вазиятида туради. Экзистенция худди кўрқув,

экзистенционал даҳшат, ташвишли кутиш сингари намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда бунда худди чегарадаги экзистенционал вазиятга ўхшаган ҳолат содир бўлади. Бундай ҳолатда, Камю фикри билан айтганда, асосий фалсафий масала - бу ўз-ўзини ўлдириш масаласи ҳисобланади. Яшаш кўрқинчли, зерикарли, ҳам бемаъни бўлган бир шароитда яшаш керакми ёки йўқми? Экзистенциализм – бу онтология, борлик, мавжудлик ҳақидаги таълимот. Экзистенциалист учун одамнинг дунёда мавжудлиги муҳим ҳисобланиб, табиатнинг мустақил равишда мавжудлиги тўғрисидаги масала эса уни унчалик қизиқтирмайди. Табиат инсонга азал-азалдан ато этилган. Бунда дастлабки реаллик яхлит бўлиб, у субъект ва объектларга бўлинмайди. Фан дунёни объект ва субъектга ажратади. Шу сабабли фан уларнинг борлигини ифодалаб беришга қодир эмас. Бунга эса фақат экзистенциянинг алоҳида акти - ҳаракати орқали эришилади. Экзистенция – бу шунчаки бир ҳис-ҳаяжон эмас, балки оламда мавжудлик ҳис-ҳаяжонидир. Экзистенцияда инсоннинг озод эканлиги юқорида таъкидлаб ўтилган эди. Озод эркин бўлиш, бу ўзинг ўзинг билан бўлишлигинг, бегона кишиларнинг таъсиридан ҳалос бўлишдир.

Берилган матндан қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Аналитик фалсафага қадар қайси фалсафа кучли мавқега эга эди?
2. Аналитик методга изох беринг.
3. Кимнинг асосчиси асарларини аналитик фалсафанинг манбаи деб ҳисоблаш мумкин?
4. “Мантиқий атомизм” назарияси кимга тегишли?
5. Б. Рассел ибораларнинг неча хилини ажаратади?
6. "Муаммони ҳал қилишнинг Расселча усули" таърифини қандай тушунасиз?
7. Фактнинг асосий хусуяитин айтинг?
8. Г. Фреге ва Б. Рассел ғоялари ўртасида зиддият нимада кўринади?
9. Лингвистик таҳлил фалсафаси нимадан иборат?
10. Л. Витгенштейн таълимотининг ўзига хослиги нимада?

Амалий машғулотни ўтказиш тартиби:

1. Тингловчи берилган ҳар бир савол бўйича ўз фикрини баён қилади;
2. Қўйилган саволни қандай қилиб қулай ўқитиш методлари ҳақида таклиф беради;
3. Берилган таклиф бўйича бир нечта мисоллар кўрсатади;
4. Таклиф қилинаётган замонавий таълим методининг самарадорлигини исботлайди.

5-амалий машғулот

Фалсафанинг ноклассик ривожланиш босқичи ўз ичига нафақат унинг илмийликка кўра йўналтирилган фалсафани (масалан, ҳаёт фалсафаси ва

экзистенциализм) олади. Фан эришган ғоят улкан ютуқлар, айниқса, XX аср бошларида математика ва физикадаги муваффақиятлар файласуфлар эътиборини ўзига тортди. Немис математиги Готтлоб Фреге мантиқ фани воситалари билан математикани такомиллаштиришга интилган жуда кўп тадқиқотчилардан бири эди. Фреге айниқса ҳар хил, яъни зиддиятли соғлом ақлга зид бўлган фикрларга бой математик исбот соҳасини мукамаллаштириш устида кўп ишларди, лекин ўз ёндашувларида битта ғоят муҳим ўзига хос хусусият бўлган: унинг интуициясига мувофиқ, мантиқ фанининг ўзини янада ривожлантириш зарур бўлган. У жуда кўп сонли камчиликлари бўлган табиий тилнинг ўрнига уни муносиб даражада алмаштирадиган бир тилни-формаллаштирилган тилни яратиш керак, деган фикр билан чиққан. Фрегенинг фикрича, ўша вақтдаги формал мантиқ билан табиий тил бир хил камчиликка эга бўлган-яъни улардаги барча тузилган гаплар субъект-предикат шаклига эга бўлган. Субъект ва предикатга ажратиш фақат «Эргаш ухляпти» каби энг содда гапларгагина тўғри келади. Бу ерда «Эргаш»-субъект, «ухляпти» эса-предикат. Лекин бироз мураккаброқ бўлган, масалан, «Эргаш Лола билан ўйнапти» деган гапни олиб кўрадиган бўлсак, уни субъект ва предикат қисмларга ажратиш қийинроқ кечади. Ахир бу ерда Эргаш ҳам, Лола ҳам бир хил даражага эга бўлиб, уларнинг ҳар иккаласини ҳам субъект деб аташ мумкин. Бундай ҳолатдан чиқиш йўлини Фреге аргумент билан функцияни бир-биридан фарқ қила билишда кўрган. «Эргаш» ва «Лола» - булар аргумент ифодалари, «билан ўйнапти» эса-функцияни ифодалайди. Мазкур мисолда «билан ўйнапти» биринчи тартибдаги функционал ифода ҳисобланади. Фреге яна ўзгарувчи иккинчи тартибдаги функционал ифодани ҳам истъомолга киритади. Мантиққа киритишни талаб қилувчи «ҳамма», «ҳеч ким», «баъзи бир» сингари сўзлардан иборат Фреге ихтиролари мантиқни анча ўзгартириб юборади. У фақат математикага ва формаллашган тарздаги турли тилларгагина эмас, балки табиий тилларга ҳам, бинобарин, фалсафага ҳам кириб борди. < > Англиялик мантиқшунос, математик, файласуф Бертран Рассел янги мантиқ илгаригига қараганда яқуний фалсафий ҳақиқатларга келишда, реалликнинг асосий элементлари табиатини аниқлашда энг қулай дастак эканлигига ишонч билан қараган. Бу билан у идеалистлар (Лейбниц., Гегель) қарашларидан анча илгарилаб кетди. Рассел бунда учта ғояга амал қилган. Биринчидан, соғлом фалсафанинг ўзи мантиқ ҳисобланади, чунки у рост ёки ёлғон бўлиши мумкин бўлган фикрни тушунтиришдан бошланади. Бу эса мантиқнинг вазифасидир. Иккинчидан, биз энг ишончли билимга энг аввало ҳис-туйғулар орқали эга бўламиз. Реалликнинг энг кичик элементлари редукциялаш сохта таассуротлардан сақлайди. Учтинчидан, бунда фикр мазмунини унинг дастлабки моҳиятидан келтириб чиқарилади. Бирор термин билан ифодалаб бўлмайдиган атаманинг предметлиги Рассел учун фалсафа фанига, яъни кишининг бошини айланттириб ташлайдиган эски метафизикага мутлақо ўхшамайдиган фан билан мувофиқ келади. Кембрижлик файласуф Людвиг Витгенштейннинг «Мантиқий-фалсафий трактат» деган китоби аналитик фалсафа ривожланиши биринчи босқичининг кульминацион нуқтаси бўлди. Ушбу китоб 1921 йилда

Германияда, 1922 йилда Англияда, 1958 йилда Россияда босилиб чиққан. Витгенштейн Расселга қараганда кўпроқ даражада қатъият билан ўз диққат-этиборини тилга қаратди. Фикр тилда ифодаланади, демак, айнан мана шу тил тафаккурнинг чегараси ҳисобланади. Фақат барча табиий фанлар орқали баён этиладиган биргина олам-фактлар олами, воқеалар олами мавжуд. Гап – бу олам манзарасидир. У олам билан бир ҳил мантиқий шаклга эга. Башарти олам мантиқсиз бўлганда эди, уни гап шаклида тасаввур қилиб бўлмас эди. Гапнинг маъносини фактлар ифода этади. Барча гаплар элементар гапларнинг умумлашмаси ҳисобланади. Бу гаплар моделлар сифатида бевосита фактларга мувофиқлашади. Демак, «умуман айтиш мумкин бўлган гапни аниқ қилиб айтиш ҳам мумкин». қолган бошқа ҳамма нарсалар тўғрисида, масалан, мистик нарсалар тўғрисида, яхшиси-индамаслик керак. Шунинг учун индамаслик керакки, мистик фикрларни, худди этик фикрлар сингари яққол - мантиқан аниқ ифодалаб бўлмайди. Бундай айтилган фикрларнинг рост ёки ёлғонлигини текшириб ҳам бўлмайди. Агар кимдир бирор жойи оғриётганини айтса, ўша кишининг ўзидан бошқа ҳеч ким ушбу оғриқнинг ҳақиқийлигини исботлаб бера олмайди. Фалсафа илмий таърифлар, гаплардан иборат эмас, чунки у фандан фарқли ўлароқ фактлар билан ишламайди. Бинобарин, фалсафий гаплар рост ҳам эмас ва ёлғон ҳам эмас: улар маъносиздирлар. Фалсафанинг мақсади фикрларнинг фалсафий гаплар тузишдан иборат эмас, балки фикрларнинг мантиқий маносини тушунтириб беришдан иборат. Шунинг учун ҳам фалсафа бу таълимот эмас, балки фаолиятдир. Шундай қилиб, мантиқий-лингвистик аҳамиятлилик аналитик фалсафанинг биринчи босқичи учун характерли хусусият, ўзига хос бурилиш нуқтасидир. Шунингдек у қатъий мантиқий лингвистик синовга дуч келган фалсафа статусини қайтадан кўриб чиқадиган босқичдир. Бунга кўра эски фалсафий тизимларнинг тўғри эканлиги шубҳа остида қолади. Фалсафа ё фан сифатида тушунилади (Рассел), ёки фанга кириш йўли, фикрларни аниқлаштириш бўйича олиб бориладиган бир фаолият деб қаралди. (Витгенштейннинг дастлабки қарашлари.) Неопозитивизм Агар аналитик йўналиш оёққа турган жой Рассел ва Витгенштейнлар иш олиб борган Англия деб ҳақли равишда ҳисоблаш мумкин бўлса, кейинчалик унинг ҳаракат маркази Вена ва Берлинга кўчади. «Файласуфларнинг Венадаги тўғарагига» М.Шлик, Ф.Франк, О.Нейрат, Р.Карнап, К.Гегель кирганлар. Берлиндаги «Илмий фалсафа жамиятини» Г.Рейхенбах ва К.Гемпель сингари биринчи даражали файласуфлар гуллантишган. Мана шу иккала гуруҳ вакиллари ўзаро келишилган фалсафий позицияда турмаган бўлсалар - да, барибир уларнинг барчасини дунёни математика, мантиқ ва физика фанлари ютуқлари асосида илмий англаш манфаатлари бирлаштириб турган. Айниқса, Витгенштейннинг «Мантиқий-фалсафий трактати»га кўп этибор берилган эди. Иккинчи жаҳон уруши минтақадаги файласуфларнинг мутлақ кўпчилигини АҚШга эмиграция қилинишига мажбур этди. Бу ерда улар ўз ишларини ғоят самарали тарзда давом эттирдилар. Эмиграция аналитик фалсафани англосаксон қадриятига айланиб кетишига сабабчи бўлди. Энди мантиқий позитивизмнинг асосий ғояларини кўриб чиқамиз. Улар метафизикани фалсафанинг дастлабки

принциплари тўғрисидаги таълимот сифатида рад этдилар. Вена тўғарагининг вакиллари метафизиканинг аҳамиятини инкор этадилар. Чунончи, Карнап метафизиканинг хизматини тилни мантиқий таҳлил қилиш натижасида фанлар бажара оладилар деб ҳисоблаган. Бир томондан, мантиқий позитивистлар Витгенштейн томонидан олға сурилган фалсафий гапларни маъносиз гаплар сифатида тушуниш лозим деган фикрига таянсалар, бошқа томондан - улар XIX аср позитивизм анъаналарини, энг аввало француз олими О.Конт ва австрия олими Э.Махларнинг анъанасини давом эттирадилар. Позитивизм ўзини ижобий таълимот, яъни фан сифатида тан олиншини талаб қилади. Воқеликнинг ҳар бир соҳаси муайян бир фан орқали ўрганилади. ўз кучини ишга солиш учун метафизика майдоннинг ўзи қолмайди. Гапларни аналитик ва синтетик гапларга бўлиш фанни неопозитив тарзда тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Аналитик гап-бу шундай гапки, унинг ҳаққонийлиги унинг ўз мазмунидан келиб чиққан ҳолда белгиланади, синтетик гапда эса биз уни кўрмаймиз. Аналитик гапларга мисоллар келтирамиз: «Квадратнинг барча бурчаклари тўғри бурчаклидир», «Тўғри бурчак қаршисида тенг томонлар ётади, бурчак ва томонлар мос келади». Таъриф бўйича квадратдаги барча бурчаклар тўғри бурчак, жисмлар эса аллақандай чўзилган ҳолатни эслатади. Синтетик мазмундаги гапга мисоллар келтирамиз: «Стул устида китоб ётибди», «Талабалар кулишни яхши кўришади». Таърифга кўра стул, унда китоб ётиши албатта шарт бўлган аллақандай бир нарса ҳисобланмайди. Синтетик гапларнинг ҳақиқийлиги эмпирик йўллар билан аниқланади. Неопозитивистлар фандаги барча гаплар аналитик гаплар ёхуд синтетик гаплар бўлади, деб ҳисоблайдилар.

Берилган матндан қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Кенг маънода аналитик фалсафани қандай ифодалаш мумкин?
2. Аналитик фалсафада таркибида қанча йўналишнинг бор?
3. Аналитик фалсафасининг бошловчилари кимлар?
4. Аналитик фалсафа қандай билим ва йўналиш билан боғлиқ?
5. Аналитик фалсафада қандай қарашлар таҳрирга мухтождир?
6. “Тил ўйинлар” тушунчасини моҳиятини тушунтиринг.
7. Мантиқий-лингвистик таҳлил қайси файласуф таълимотида ифодаланган?
8. Томас Гоббс томонидан машҳур белгилар таснифининг асоси нима?
9. Кимнинг асарларида аналитик фалсафий тафаккур тарзи тўлиқ очиб берилган?
10. Аналитик фалсафанинг илмий аҳамияти нимада?

Амалий машғулотни ўтказиш тартиби:

1. Тингловчи берилган ҳар бир савол бўйича ўз фикрини баён қилади;
2. Қўйилган саволни қандай қилиб қулай ўқитиш методлари ҳақида таклиф беради;

3. Берилган таклиф бўйича бир нечта мисоллар кўрсатади;
4. Таклиф қилинаётган замонавий таълим методининг самарадорлигини исботлайди.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ БАЖАРИШ НАМУНАСИ

мавзу бўйича топшириқлар

3 гуруҳга бўлининг ва берилган саволлар бўйича фикрингизни билдилинг.

1- гуруҳ учун:

- А) Фалсафа фани бўйича малака талаблари ва уларни такомиллаштириш йўналишлари;
- Б) Фалсафанинг бошқа фанлар билан узвийлиги ва узлуксизлиги ҳолати;
- В) "Муаммони ҳал қилишнинг Расселча усули" таърифини қандай тушунаси?

2- гуруҳ учун:

- А) Фалсафа фани бўйича малака талаблари ва уларни такомиллаштириш йўналишлари;
- Б) Фалсафанинг бошқа фанлар билан узвийлиги ва узлуксизлиги ҳолати;
- В) "Муаммони ҳал қилишнинг Расселча усули" таърифини қандай тушунаси?

3- гуруҳ учун:

- А) Фалсафа фани бўйича малака талаблари ва уларни такомиллаштириш йўналишлари;
- Б) Фалсафанинг бошқа фанлар билан узвийлиги ва узлуксизлиги ҳолати;
- В) "Муаммони ҳал қилишнинг Расселча усули" таърифини қандай тушунаси?

V. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбекча шарҳи	Инглизча шарҳи
Абстракция	(лот. абстрактно – чалғиш, четлашиш) – нарсалар хосса ва нисбатларининг бошқалари, мазкур тадқиқотда жиддий бўлмаган ва иккинчи даражали деб кўриб чиқиладиганларидан хаёлан ажратиб олиш (фарқлаш) жараёни. Абстракция (мавҳумлаш) натижаси мавҳум объектларнинг ҳосил бўлишидир.	(Lat. abstraktio - distraction, deviation) - the process of imaginary separation (differentiation) of others from the properties and proportions of things, which are not considered serious in this study and are considered secondary. The result of abstraction is the formation of abstract objects.
Алгоритм	(Алгоритми сўздан – Ўрта Осиёлик олим ал-Хоразмий номининг латинлаштирилган шакли) – бир типдаги ёки яппи масала ва муаммоларни ҳал қилиш мумкин бўлганани кўрсатма ва қоидаларнинг узил-кесил бирлиги (йиғиндиси).	(From the word algorithm - a Latinized form of the name of the Central Asian scientist al-Khwarizmi) - a definite unit (sum) of instructions and rules that can solve a type or general problem and problem.
Аналогия	(юн. аналогия – ўхшашлик, айнанлик, мувофиқлик) – намоёиш этилмайдиган мулоҳаза, фикр, хулоса, унда икки объектнинг баъзи белгиларига кўра бошқа белгилар бўйича ўхшашлиги тўғрисида хулоса қилиниб, ўхшаш(айнан)лиги асосида уларни билишга эришилади.	(Greek analogy - similarity, similarity, conformity) - a non-demonstrative consideration, opinion, conclusion, in which it is concluded that the two objects are similar in some respects to other features, and it is possible to know them on the basis of similarity (exact).
Аниқлаш (дефиниция)	мулоқот, баҳс, мунозара ва тадқиқотда тушунмовчиликнинг олдини оладиган энг ишончли усуллардан бири.	one of the most reliable ways to prevent misunderstandings in communication, discussion, debate, and research.
Аспект	тадқиқот объекти (предмети)ни ўрганиладиганида кўриб чиқиладиган нуқтаи назар, муайян ёндашув.	the point of view considered when studying the object of research (subject), a specific approach.
Ақл	(лот. rationalis, юн. nus, fronesis; араб. ал-ақл – асосланган, мақсадга мувофиқ) – инсон учун ўйлаш, фикрлаш, англаш ва хотирлаш, хулоса чиқариш имконини берадиган қобилият, ноёб маънавий ҳодиса. Шунингдек, тафаккур	(Lat. rationalis, Greek. nus, fronesis; Arabic. al-intellect - based, purposeful) - a unique spiritual phenomenon, the ability for a person to think, reason, comprehend and remember, to draw conclusions. It is also the stage of thinking activity, the

	фаолиятининг босқичи, инсоннинг нарсаларнинг моҳиятига етиштирувчи билиш қобилияти.	ability of man to know the essence of things.
Барқарорлик	шароитлар ўзгарганида ҳам тажриба самарадорлигини сақлаб қолиш, анча узоқ вақт мобайнида юқори натижаларга эришиб келиш.	maintaining experimental efficiency even when conditions change, achieving high results over a much longer period of time.
Белги	бошқа бир предмет, хосса ёки муносабатни ифодаладиган ва муайян хабарни узатиш, сақлаш ёки унга ишлов беришда ишлатиладиган моддий, ҳиссий идрок этиладиган предмет.	another object, a material, emotionally perceptible object that represents a property or relationship and is used to convey, store, or process a particular message.
Билим	билишнинг натижаси, субъективлашган ахборот.	the result of cognition, subjective information.
Билиш	воқеликнинг инсон онгидаги акси.	the reflection of reality in the human mind.
Верификация	(дан лат. Verus-ҳақиқат ва facio - ёлгон) - илмий баёнотларнинг ҳақиқатини эмпирик текшириш натижасида ўрнатиш жараёнини ифодаловчи услубий концепция; мантиқий позитивизм учун асосий бўлган верификацион ёндашувга кўра, ҳар бир илмий мазмунли баёнот соф тажрибадан маълумотларни ёзиб олган протокол жумлалари тўпламига камайтирилиши мумкин ва таклиф ҳисобининг бошланғич баёнотлари сифатида ҳаракат қилади.	(from lat. verus-truth and facio -false) - a methodological concept that represents the process of installation as a result of empirical verification of the truth of scientific statements; according to the verification approach, which is fundamental to logical positivism, each scientifically meaningful statement can be reduced to a set of protocol sentences that record data from pure experience and act as initial statements of the proposal account.
Виртуаллик	(лотинча “виртус”) қадимги римликлар тили ва маънавияти жабҳасида бу сўз кўп маъно – мазмунда қўлланилган. Хусусан, қуйидаги маъноларда: эзгулик, яхшилик, жасорат, потенциаллик, нореаллик ва бошқалар.	(Latin "virtus") In the language and spirituality of the ancient Romans, the word was used in many senses. In particular, in the following senses: kindness, goodness, courage, potentiality, unreality, and so on.
Виртуалистика	постноклассик илмий йўналиш бўлиб, виртуаллик реаллик муаммосини ўрганади.	is a postnoclassical scientific direction that studies the problem of virtual reality.
Гармония	бир бутун нарса қисмларининг ўзаро мувофиқлиги.	the compatibility of the parts of a whole thing.
Гипотетик	эҳтимол тугилган, фараз қилинган,	probably based on assumptions,

	тахмин (гипотеза)га асосланган.	hypotheses.
Гипотетик-дедуктив услуб	табiiй билимлар ва умуман эмпирик фанлар натижаларини тизимлаштиришда кенг тарқалган, фаразлардан оқибатларни чиқариш (дедукция қилиш)га асосланган мулоҳаза юритиш усули.	a common method of reasoning based on the deduction of consequences from hypotheses in the systematization of the results of natural sciences and empirical sciences in general.
Глобаллашув	ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида яхлит тузилмаларнинг дунё миқёсида шаклланиш жараёни.	the process of global formation of integrated structures in various spheres of social life.
Глобалистика	глобаллашув ва унинг оқибатлари моҳиятини англаб етишга қаратилган илмий ва фалсафий тадқиқотлар фанлараро соҳаси.	an interdisciplinary field of scientific and philosophical research aimed at understanding the nature of globalization and its consequences.
Гносеология	(юнонча гносис – билим, илм ва логос – таълимот, фан) «билиш ҳақидаги таълимот (фан)», «онг ҳақидаги таълимот (фан)». Фалсафий адабиётларда, шу жумладан фалсафий қомуслар ва луғатларда «гносеология» атамаси «билиш назарияси» деб таржима қилинган.	(Greek gnosis - knowledge, science and logos - doctrine, science) "doctrine of knowledge (science)", "doctrine of consciousness (science)". In the philosophical literature, including philosophical encyclopedias and dictionaries, the term "epistemology" is translated as "theory of knowledge".
Дедукция	тадқиқот ёки тавсифлаш методи, усули бўлиб, бунда айрим қоидалар умумий хулосалар, аксиомалар, қоидалар, қонунлардан тадрижий йўл билан келтириб чиқарилади. Умумийдан келиб чиқиб хусусий ҳодиса тўғрисида хулоса чиқариш услуби, бунда қатор хусусий ҳолатлардан барча ана шундай ҳолатлар йиғиндиси тўғрисида хулоса қилинади. Бу ерда аввалига объектнинг умумий ҳолати, сўнг унинг алоҳида элементлари тадқиқ этилади.	research or descriptive method, a method in which certain rules are gradually derived from general conclusions, axioms, rules, laws. A method of drawing conclusions about a particular event from the general, in which a conclusion is drawn about the sum of all such cases from a number of special cases. Here, first the general condition of the object, then its individual elements are studied.
Дезинтеграция	бутуннинг айрим қисмларга парчаланиши	Disintegration is the disintegration of a whole into individual parts
Деизм	Худо дунёни яратгач, унда иштирок этмайди ва унинг воқеалари табiiй кечишига аралашмайди, деб ҳисоблайдиган фалсафий нуқтаи	Deism is a philosophical view that believes that when God created the world, he would not participate in it and that its events would not interfere

	назар.	with its natural course.
Детерминизм	барча воқеалар ва ҳодисаларнинг қонунийлиги ва сабабий боғланганлиги ҳақидаги фалсафий таълимот.	a philosophical doctrine of the legitimacy and causal connection of all events and phenomena.
Диалектика	ҳаракат, ривожланиш, ўзгариш ҳақидаги фалсафий таълимот.	philosophical doctrine of movement, development, change.
Дискрет	узлукли	intermittent
“Ички реализм”	фалсафий реализмнинг Х.Патнэмнинг умумий фалсафий позициясини ифодаловчи версияси бўлиб, у метафизик реализм ва релятивизмга зиддир.	is a version of philosophical realism that represents the general philosophical position of H. Patnem, which contradicts metaphysical realism and relativism.
Идеал	мутлақ баркамоллик, бундай баркамоллик ҳақидаги тасаввур.	absolute perfection, the notion of such perfection.
Идеаллаш	реал буюмлар хоссаларини ўзгартириш орқали идеал объектларни ҳосил қилишнинг ақлий (хаёлий) жараёни. Масалан, шу тарзда идеал газ, мутлақ қаттиқ жисм, сиқилмайдиган суюқлик, моддий нуқта, жамият, бозор каби тушунчалар юзага келади.	the mental (imaginary) process of creating ideal objects by changing the properties of real objects. For example, in this way concepts such as ideal gas, absolute solid, incompressible liquid, material point, society, market are formed.
Идрок	сезгилар воситасида олинган билимнинг онгдаги акси.	the reflection in the mind of the knowledge acquired through the senses.
Изох, тушунтириш	фаннинг энг муҳим функцияси, предметлар, ҳодисалар ва воқеаларга оид фактларни муайян умумий хулосалар (қонунлар, назариялар, принциплар) остида жамлашдан иборат.	the most important function of science is to summarize the facts about objects, events, and happenings under certain general conclusions (laws, theories, principles).
Интерпретация	(от. лат. интерпретатио – изохлаш, тушунтириш) – ҳодиса, матн, белгили тузилма, расм, график маъносини очиб бериш услуги, бу уларни англашга кўмаклашади.	(at. lat. interpretatio - interpretation, explanation) - a method of revealing the meaning of an event, text, symbolic structure, picture, graphic, which helps to understand them.
Интуиция –	(лот. интуитио – кўз узмай тикилиш, томоша қилиш(созерцание) – кенг мантиқий мулоҳазага мурожаат қилмай туриб бевосита ҳақиқатни аниқлаш, билиш имконияти. Психологик жиҳатдан ички кўриш	int. . It is based on previous, accumulated facts, knowledge, that is, the basis for explaining a novelty is a method of predicting an event based on previous knowledge.

	(озарениэ) каби тавсифланади.	
Илмий билиш методологияси	илмий-тадқиқот фаолиятининг тамойиллари, шакллари ва услублари тўғрисидаги таълимот.	doctrine of the principles, forms and methods of research activity.
Илмий назария	мавхум тушунча ва мулоҳазалар тизими бўлиб, воқеликни бевосита эмас, балки идеаллаштирилган акси бўлиб келади.	it is a system of abstract concepts and considerations, and becomes an idealized reflection of reality, not a direct one.
Иррационализм	борлиқни оқилона мантикий билиш имкониятини рад этувчи нуқтаи назар.	a view that denies the possibility of knowing reason rationally.
Иэрархия	бир нарсанинг функционал аҳамияти ёки хизмат мавқеига кўра иккинчи нарсага, учинчи нарсага ва ҳоказоларга бўйсунishi.	the subordination of one thing to another, to a third, etc., according to its functional significance or position of service.
Изотроп	барча йўналишларда бир хил.	the same in all directions.
Идеаллаш	реал буюмлар хоссаларини ўзгартириш орқали идеал объектларни ҳосил қилишнинг ақлий (ҳаёлий) жараёни. Масалан, шу тарзда идеал газ, мутлақ қаттиқ жисм, сиқилмайдиган суюқлик, моддий нуқта, жамият, бозор каби тушунчалар юзага келади.	the mental (imaginary) process of creating ideal objects by changing the properties of real objects. For example, in this way concepts such as ideal gas, absolute solid, incompressible liquid, material point, society, market are formed.
Изох, тушунтириш	фаннинг энг муҳим функцияси, предметлар, ҳодисалар ва воқеаларга оид фактларни муайян умумий хулосалар (қонунлар, назариялар, принциплар) остида жамлашдан иборат.	the most important function of science is to summarize facts about objects, events, and happenings under certain general conclusions (laws, theories, principles).
Индукция	(лот. индуктио – наведение) – кўпчилик элементларнинг белгилари тўғрисида ана шу кўпчиликдан бир қисмининг белгиларини ўрганиш асосида мантикий хулоса чиқариш, яъни хусусий фактлар, қоидалардан умумий хулосаларга ўтиш, умумлаштириш услуби. Бундай хулоса доим ишончли, узил-кесил эмас, балки эҳтимолий ёки ҳақиқатга яқин кўринишга эга бўлади. Шунинг учун замонавий мантиқ фанида унинг тасдиқланиш	(Lat. induktio - navedenie) - a method of generalization about the characteristics of the plural elements, based on the study of the characteristics of a part of the plural, that is, the transition from specific facts, rules to general conclusions. Such a conclusion will always seem plausible, not conclusive, but probable or close to reality. Therefore, in the science of modern logic, its degree of affirmation is considered to be a conclusion close to the truth obtained by means of

	даражасини релевант усуллар ёрдамида олинган ҳақиқатга яқин бўлган хулоса деб қаралади.	relevant methods.
Ғоя	қарашлар, назариялар, дунёқарашлар кабилар тизимида асосий, белгиловчи (асосий) қоида.	a basic, defining (basic) rule in the system of views, theories, worldviews, etc.
Контекстсиз элементлар	оддий, дастлабки хусусиятлар, атрибутлар, омиллар, дискрет маълумотлар, сигналлар ва бошқалар., ўртасидаги муносабатлар муайян назария билан шакллантирилган.	simple, the relationship between initial properties, attributes, factors, discrete data, signals, etc., is shaped by a specific theory.
Каузаллик	сабабият, сабаб ва оқибатнинг қонуний алоқаси	the legal relationship of cause, effect, and effect
Коммуникация	(кенг маънода) – мулоқот. Экзистенциализмда – мулоқот тури бўлиб, унинг ёрдамида «Мен» ўзини бошқа одамда топади.	(in the broadest sense) - communication. In existentialism, it is a form of communication through which the "I" finds itself in another person.
Концепция	бирон нимага нисбатан қарашлар тизими, асосий фикрлар йиғиндиси, бунда тадқиқот мақсад, вазифалари аниқланиб, унинг олиб бориш йўллари кўрсатилади.	a system of views on something, a set of basic ideas, in which the purpose of the research, the tasks are defined, and the ways of its conduct are indicated.
Конституциялаш	яратиш, белгилаш, муайян ташкилий тус бериш.	create, define, give a certain organizational tone.
Локутив акт	(Д. Остин томонидан "нутқ хужжатлари" назарияси тушунчаси) - ўзини гапириш акти (шунингдек, иллокутив, перлокутивак).	(The concept of the theory of "speech documents" by D. Austin) - the act of self-speech (also illocutive, perlocutive).
Маънонинг текшириш назарияси	мантқиқий эмпиризм тушунчаси бўлиб, унга кўра фақат протокол жумлаларига қисқартирилиши мумкин бўлган жумлалар маънога эга.	is a concept of logical empiricism, according to which only sentences that can be abbreviated to protocol sentences have meaning.
Материализм –	дунёнинг моддийлигидан ва ондан қатъий назар мавжудлигидан келиб чиқадиган фалсафий йўналиш.	a philosophical direction that stems from the existence of the world regardless of its materiality and consciousness.
Метафизика –	Гегелдан олдинги ва ҳозирги Ғарб фалсафасида борлиқнинг ўта ҳиссий тамойиллари ва асослари ҳақидаги фан. Фалсафанинг синоними сифатида ишлатиладиган атама.	The science of the ultimate emotional principles and foundations of existence in pre-Gegel and modern Western philosophy. A term used as a synonym for philosophy.
Мистика –	сирли, ғайритабиий, тушунарсиз	mysterious, supernatural, incomprehensible thing or phenomenon.

	нарса ёки ҳодиса.	
Моддийлаштириш –	маъно структуралари, схемалар, лойиҳаларнинг инсон фаолиятида гавдаланиши.	semantic structures, schemes, the embodiment of projects in human activity.
Модус –	предметнинг унга айрим ҳолатлардагина хос бўлган муваққат хоссаси.	a temporary property of an object peculiar to it only in certain cases.
Монизм –	плюрализмга зид ўлароқ, муайян бир асосдан келиб чиқадиган фалсафий ёндашув.	as opposed to pluralism, a philosophical approach that stems from a specific foundation.
Наукометрия –	фаншуносликнинг илмий ахборот тузилмаси ва динамикасига оид статистика тадқиқотлари билан шуғулланадиган соҳаси.	the field of science engaged in statistical research on the structure and dynamics of scientific information.
Пассионар –	ички энергияга эгалик ёки ўта ғайратлилик	possession of inner energy or excessive zeal
Перманент –.	доимий, узлуксиз	continuous, uninterrupted
Перцепция –	идрок этиш.	perception
Расионализм –	ақлни билиш ва одамлар хулқ-атворининг негизи деб эътироф этадиган фалсафий йўналиш.	a philosophical orientation that recognizes reason and recognizes it as the basis of human behavior.
Радикал конвенционализм –	К.Айдукевич томонидан ишлаб чиқилган таълимот бўлиб, кузатиш таклифлари шартли равишда қабул қилинган "концептуал асосга" боғлиқ ва шунинг учун "назарий нейтрал" эмпирик асосни шакллантирмайди.	It is a doctrine developed by K. Aydukevich that the observational propositions depend on a conditionally accepted 'conceptual basis' and therefore do not form a 'theoretically neutral' empirical basis.
Сингуляр (атомар) таклиф	бу энг оддий турдаги таклиф бўлиб, у объектнинг маълум бир хусусиятга эга эканлигини ёки икки ёки ундан ортиқ объектнинг бир-бирига нисбатан маълум бир муносабатда эканлигини билдиришни назарда тутади.	it is the simplest type of proposition, which implies that an object has a certain property, or that two or more objects have a certain relation to each other.
Сакрал	муқаддас	holy
Сенсуализм	ҳиссий билишнинг ролини оқилона билишнинг аҳамиятидан устунроқ қўювчи фалсафий йўналиш.	a philosophical direction that prioritizes the role of emotional cognition over the importance of rational cognition.
Символ	бирон-бир ғояни ифодаловчи белги, образ.	a character, an image, representing any idea.
Синкретизм	қисмларга ажралмаганлик, бирон-бир ҳодисанинг норасо ҳолати билан белгиланадиган ҳар хил	inseparability, the intermingling of elements of different sexes, which is determined by the defective state of any event.

	жинсли элементларнинг аралашуви.	
Синергетика	(юнонча «сйнергеиа», «синергетикос») биргаликда ҳаракат қилиш, ҳамкорлик, ўзаро мувофиқлаштирган таъсир маъноларига эга.	(Greek "synergeia", "synergetikos") means to act together, to cooperate, to co-ordinate.
Технотрон жамият	компютер инқилоби босқичига кирган жамият.	a society that has entered the stage of the computer revolution.
Транссендентал	ўта умумий	very common
Универсум	ягона Олам, яхлит дунё.	a single universe, a unified world.
Фалсафа	тушунчаси юнонча пхилео – севаман ва сопхиа – донолик сўзларидан келиб чиққан бўлиб, мазкур атаманинг дастлабки маъносини доноликка муҳаббат деб талқин қилиш мумкин. Фалсафа сўзини илк бор қадимги юнон мутафаккири Пифагор милоддан аввалги VI асрда тайёр ҳолда (афсоналар, ривоятлар, аънаналар орқали) авлоддан авлодга ўтувчи билим ва инсон ўз ақлига таяниб, мушоҳада юритиш ва борлиқни танқидий тушуниш йўли билан олиши мумкин бўлган билимни фарқлаш мақсадида ишлатган.	The concept is derived from the Greek words phileo - love and sophia - wisdom, and the original meaning of the term can be interpreted as love of wisdom. The word philosophy was first used by the ancient Greek philosopher Pythagoras in the sixth century BC to distinguish between knowledge that can be passed on from generation to generation (through myths, legends, traditions) and knowledge that a person can acquire through observation and critical understanding of existence.
Фан	одамларнинг реал олам тўғрисидаги обектив маълумотларни тизимлаштиришга қаратилган фаолият соҳаси, табиат, жамият ва тафаккурнинг обектив қонунларига оид бўлган, узлуксиз ривожланиб бораётган билимлар тизими. Фан ижтимоий ҳодиса, билимларнинг тизимлаштирилган шакли.	a field of activity aimed at systematizing objective information about the real world of people, a constantly evolving system of knowledge related to the objective laws of nature, society and thought. Science is a social phenomenon, a structured form of knowledge.
Физикализм	нео-позитивизмнинг асосий постулатларидан бири бўлиб, у барча фанларни универсал тил (физика тили) асосида бирлаштириш имкониятини тасдиқлайди; "асосий баёнотлар" сифатида физик объектларнинг кузатишларини тасвирлайдиган жумлалар қабул қилинади.	is one of the main postulates of neo-positivism, which affirms the possibility of uniting all sciences on the basis of a universal language (the language of physics); "basic statements" are sentences that describe observations of physical objects.

Феномен	инсонга ҳиссий билиш тажрибасида берилган ҳодиса.	a phenomenon given to man in the experience of emotional cognition.
Феноменология	бевосита кузатиш мумкин бўлган идеал моҳиятлар сифатидаги феноменлар ҳақидаги фалсафий таълимот.	a philosophical doctrine of phenomena as ideal essences that can be directly observed.
Флуктуация	ўзгариш, белгиланган параметрлардан тасодифий оғиш.	change, random deviation from the specified parameters.
Эмпирик	тажрибада кўрилган	seen in experiment
Этимология	у ёки бу сўз ёки иборанинг келиб чиқиши.	the origin of this or that word or phrase.
Эпистемология	(луғавий маъноси: грекча “илмий билим, фан”, “ишончли билим”). Билиш ҳақидаги фалсафий таълимот, илмий билишни тадқиқ этади. Эпистемология фалсафанинг шундай соҳасики, унда билим табиати ва имкониятлари, чегараси ва ишончлилик шартлари таҳлил қилинади. 1832 йилдан илмий атама сифатида қўлланила бошлаган.	(Dictionary meaning: Greek "scientific knowledge, science", "reliable knowledge"). The philosophical doctrine of knowledge explores scientific knowledge. Epistemology is a branch of philosophy in which the nature and possibilities, limits, and conditions of reliability of knowledge are analyzed. It has been used as a scientific term since 1832.
Ҳақиқат	воқеликнинг инсон онгидаги билимларига айнанлиги, мослиги.	the accuracy of reality to the knowledge of the human mind.
Холизм	оламнинг бир бутунлиги ҳақидаги қараш бўлиб, верификация тамойилига кўра фақат бутун тизимнинг бир қисми сифатида текшириш мумкин.	is a view of the integrity of the universe, which, according to the principle of verification, can only be verified as part of the whole system.

VI. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрири. Т.: Адолат, 1998.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июль “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори

бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 сентябрдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4436-сонли Қарори

Ш. Махсус адабиётлар

21. “Марказий Осиё динлари тарихи” (хаммуаллифликда). -Т., ТДШИ, 2006.

22. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.

23. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.

24. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publiciations. 2015. 183.

25. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publiciations. 2015.

191.

26. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.

27. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.

28. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиқлари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёти, 2002. – 256 б.

29. Абдуҳалимов Б. Байт ал-ҳикма ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. –Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2004. – 236 б.

30. Али-заде Айдын Ариф огли. Хроника мусулманских государств. – М.: УМАА, 2007. – 445 с.

31. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

32. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

33. Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлари: Т.1. (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар) Т.: Фан, 1968.

34. Босворт К. Э. “Мусулмон сулолалари”. – Т.: “Фан” нашриёти, 2007. – 271 б.
35. Воҳидов Ш., Қодиров А. “Шарқнинг машҳур сулолалари”. – Т.: Akademnashr, 2013. – 624 б.
36. Гулобод Қудратуллоҳ кизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
37. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: Ислон университети, 2010.
38. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
39. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf
40. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
41. Маънавият асосий тушунчалар изохли луғати. –Т.:Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
42. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
43. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
44. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
45. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
46. Ҳусниддинов З.М. “Ислон: йўналишлар, оқимлар, мазҳаблар”. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2000 йил.

IV. Интернет сайтлар

47. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
48. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
49. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
50. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet
51. <http://samdu.uz> – Самарқанд давлат университети расмий сайти